


РАҲИМ ВОҲИДОВ

АРМОНГА АЙЛАНГАН АДАБИЙ ОРЗУЛАР ...



РАҲИМ ВОҲИДОВ

АРМОНГА АЙЛАНГАН АДАБИЙ ОРЗУЛАР ...

Тошкент
“Фан”нашриёти, 2009

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги
Бухоро давлат университети

АРМОНГА АЙЛАНГАН АДАБИЙ ОРЗУЛАР ...
(Жажжи рисолалар)

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти

Қўлингиздаги тўпламда муаллифнинг қадимий маънавий ёдгорлик “Авесто”, Алишер Навоий ва Абдулла Қаҳҳор ижодиётининг айрим қирралари тадқиқу талқинига бағишланган жажжи рисоалари жойлаштирилган. Кўп сонли адабий-илмий далилларга асосланиб, чиқарилган хулосалар сизни бефарқ қолдирмайди ва эзгуликка ташна қалбингизга маърифат нуруни олиб киради, деб ўйлаймиз.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Ш.А.Ҳайитов, филология фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар: Ҳ.П. Эшонқулов, филология фанлари номзоди, доцент.

М. Б. Ражабова, филология фанлари номзоди, доцент

МУҚАДДИМА

Амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари буюрадилар:

Умрни зое этма меҳнат қил,

Меҳнатни саодатинг калити бил.

Боғоят доно фикрлар. Инсон синовлар мажмуи ҳисобланган ва азал котиблари томонидан берилган умри давомида ўша ҳикматни ҳаракат дастури билиб, ўзидан солеҳ амаллар қолдирса, унинг ҳаёти зое кетмайди. Акси эса сизга аён. Буюк мутафаккир маънавий меросининг бир муҳиби сифатида айни мисралар мағзидаги мазмун мени ҳам ҳамиша изланиш, меҳнат қилиш ва нималарнидир ёзишга ундайди. Етук мутафаккир таваллудининг 568 йиллиги шодиёналарига ҳозирлик кўриш илинжида баҳри кабирни эслатувчи ўша маънавий хазинага мурожаат этдим ва бобокалон шоирнинг адабий орзулари ҳақида ёзишга киришдим. Қарангки, ихчамгина бир рисолача рўшнолик кўрди. **Шарқ халқларининг қадимий қомусий ёдгорлиги “Авесто” бағридаги жавоҳирот шодалари, шубҳасиз,** Ҳазратнинг эътиборларини ҳам тортган бўлиши лозим деган туйғуга таяниб, ўша нодир ёдгорликка доир битикларимни яна бир назардан ўтказиб, таҳриру тўлдиришлар билан сайқалладим.

Алишер Навоийнинг салоҳиятли мухлиси ва издоши буюк адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг “Ўтмишдан эртаклар”, адабий-танқидий мақолалари ҳамда Кибриё Қаҳҳорованинг “Чорак аср ҳамнафас” сарлавҳали хотиралар мажмуига таяниб, ёзганим мақалоларга яна бир қалам урдим. Хуллас, айни ишлар ҳам ихчамгина рисолача тусини олди. Алқисса, уларни бир тўплам ҳолида муҳтарам ўқувчиларга тақдим этиш иштиёқи мени руҳлантирди ва шу ишга ружу қилдим.

Мазкур битикларимнинг тартибга солиниши, таҳриру тўлдиришлар билан бойитилишида мендан беминнат мададларини дариг тутмаган М. Темирова, М. Ражабова ва З. Амоноваларга миннатдорчилик билдиришни

инсоний бурч ҳисоблайман. Интиҳода китоб саҳифаларида назарга
ташланадиган норасоликлар учун Сиздан узр сўрайман, мухтарам китобхон!

БИРИНЧИ ФАСЛ

“АВЕСТО” – НОЁБ МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

ИБТИДО

Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида исломга қадар бўлган даврда Эрону Турон заминида салтанат сурган ҳукмдорларни Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар тарзида тасниф этар экан, иккинчи табақага мансуб Гуштосбга доир маълумот беради ва ёзади: “Гуштосб Ҳалаб мулкида тахтқа ўлтурди ва **зардушт анинг замонида зухур қилди**. Ва ул габр динида риёзатлар ва мужоҳадалар тортиб эрди, **“Зинд” китобин** тасниф қилиб, элни ул динга даъват қилди. Чун ҳаким эрди ва риёзат жиҳатидин элни сайд қилиб эрди, Гуштосбни ҳам фирифта қилди. Гуштосб зардушт динин ихтиёр қилиб, элни ҳам ул миллатқа киюрди ва Румда қайсарга киши йибориб, ани дағи бу динга далолат қилди...” (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, XVI том. –Тошкент: “Фан”, – 2000, 210 – бет).

Кўчирилган иқтибосда мавзуга бевосита дахлдор ҳисобланган “Габр” ва “Зинд” атамалари изоҳга муҳтождай кўринади. Луғатларда Габр “Оташпараст, ўтга топинувчи, зардушт динидаги, мажусий” тарзида изоҳланса, Зинд ёки Зандга “йирик, улкан, катта; “зардуштларнинг паҳлавий (қадимги форс тили) тилидаги диний китоби” қабилидаги талқинга дуч келамиз. Айримлари эслатилган жиҳатлардан аёнлашадики, улуғ ўзбек шоири Авесто ва унинг яратилиш тарихидан етарли хабардор бўлган.

Яна Алишер Навоий асарида келган ишораларга эътибор қилинадиган бўлса, бугун “Авесто” номи билан шуҳрат топган бу маънавий ёдгорликнинг яратилганлигидан уч минг йил ўтганлиги маълум бўлади. “Занд” ёки “Авесто”нинг асосчисини эса муаллиф “ҳаким эрди” тарзида улуғлайди. Бағоят юксак инсоний фазилатлар ва ўлмас умумбашарий ғояларни ўзида мужассам этган мазкур шоҳ асар бошига тушган тазйиқу қирғин баротларни

писанд этмай, сарҳаду тил тўсиқларини енгиб Машриқу Мағриб маърифатпарварлари дилига зиё нурини сочиб келаётир. Мазкур маънавий дурдонанинг яратилганига 2700 йил тўлишининг Она – Ўзбекистонда катта тантана қилинганлиги бизни ҳам безътибор қолдирмади ва Авесто мутолааси калбимизда уйғотган туйғуларни қоғозга тушуришга жазм этдик ¹. Ва айни мулоҳазаларимизни Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилишни маъқул кўрдик, мухтарам ўқувчи!

“АВЕСТО” ТАДҚИҚОТЧИЛАР НИГОҲИДА

Тарих зарварақларида “Авесто”, “Авасто”, “Овесто”, “Апастак” тарзида тилга олиб келинган бу нодир ёзма ёдгорлик қомусий мазмун – моҳияти билан ўз бунёдкорларининг юксак фалсафий – ирфоний, ахлоқий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий заковатидан ёрқин нишонадир. Аслида “апастак” шаклида (кичкина, майда маъноларида) талаффуз қилиниб, тилга олинган бу гўзал ҳикмат хазинасини бугун республикамиз даврий матбуоти ва нашрларида “Авесто” кўринишида қўллаш анъанага айланди. “Авесто” ибтидоий жамоа даврида илк куртаклари шакллана бошлаган зардуштийлик (зароастризм) динининг муқаддас китобидир. Айрим авестошунослар мазкур асарнинг яратилишини буюк ҳаким ва донишманд Зардушт номи билан боғлайдилар. Масалага бундай қарашни мулоҳаза қилиб кўриш лозим кўринади. “Авесто”дай Зардуштий динининг муқаддас китоби шундай улуғ қомусий маънавий манба сифатида вужудга келишида ҳаким Зардушт ташаббускор бўлган бўлиши мумкин. Бироқ унинг мукаммал ёзма ёдгорлик мақомида шаклланиб, шуҳрат пайдо қилиши, такмил топишида Аму ва Сир дарёлари оралиғида ҳаёт кечирган донишманд аждодларимиз, шунингдек, қадимги Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон ҳудудларида истиқомат қилган донишманд инсонлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлиги шак – шубҳасиздир. Яхлит “Авесто” эмас, бугун бизга қадар етиб келган парчалар бағрида юқорида тилга олганимиз ҳудуд

¹ Мазкур ишнинг биринчи таҳрири педагогика фанлари доктори, профессор М.Х. Маҳмудов билан ҳамкорлигида ёзилган. Қаранг: Комил инсон-аждодлар орзуси. Адабий-фалсафий ўйлар. Тошкент: “Ёзувчи, 2002, 9-35-бетлар”.

халқлари турмуш тарзи манзаралари, оғзаки бадий ижоди намуналарининг мавжудлиги ҳам шундай хулосага келиш учун асос беради. Ана шу маънода “Авесто”нинг вужудга келишида Хоразмнинг муқаддас бешик бўлганлигини таъкид этгани ҳолда, унинг юқорида зикр этилган ўлкалардаги халқлар учун ҳам муштарак маънавий-маданий ёдгорлик эканлигини эътироф этмоқ адолатдан бўлур эди. Бас, шундай экан, “Авесто” Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон халқлари тарихи, қадимий тили, урф-одатлари, юксак маданияти, оғзаки бадий ижоди, эътикод, удум-маросимлари, турмуш тарзи, чорвачилик ва деҳқончилик борасидаги ютуқлари хусусида бой маълумот олиш мумкин бўлган нодир манбадир.

Эроннинг ҳозирги замон йирик тасаввуфшунос олими Абдулҳусайн Зарринқўб Авесто ва унинг яратилиши, ҳажми, мундарижаси хусусида мулоҳаза юритиб, ёзади: “Авесто, Авасто, Апастак Зардуштиянинг муқаддас китоби... Оғзаки ва тарихий манбалар таъсирида қадимдан мелодгача бўлган V – VI асрларда оромий хати билан кўчирилган Абулқосим Фирдавсий ўз “Шоҳнома”сида “Авесто”ни 1200 фаслдан иборат деб кўрсатади. “Авесто” 21 китоб ёки наскдан таркиб топади...”. Олим ўз фикрларини давом эттирар экан, асарнинг чет эллик босқинчилар томонидан йўқотиш учун қилинган хуружларни ҳам эътибордан соқит қилмайди. Жумладан, машҳур босқинчи Александр Македонский “Авесто”нинг икки нусхасини қўлга киритиб, атрофидаги олимларига унинг таркибида тиббиёт ва илми нужумга доир саҳифаларни ажратиб олиб, ҳамда юнон тилига таржима қилиб, қолган қисмларини йўқ қилишни буюради. Шундай қилиб, “Авесто”нинг катта қисми барҳам топиб, ундан нишона сифатида назмий парчалар ихлосмандлар ўртасида яшашда давом этади. Зарринқўбнинг қайдлари давомида ўқиймиз: “Ашконийлар сулоласи даврида эса ўша парчаларни тўплаш ва ёзиб олиш ҳаракати бошланган. Кейинчалик Ардашер Бобакон “Авесто”нинг парчаларини тўплаш ва алоҳида китоб шаклида келтириш ҳаракати бошида турди. Сосонийлар давригача йигирма бир наск ва уч юз қирқ саккиз фасл шаклида етиб келган...” Араб босқинлари даврида ҳам “Авесто”ни йўқотиш

ҳаракати давом этган ва ундан атиги **саксон уч минг сўз** боқий қолган, холос (А. Зарринкўб. Жусту жў дар тасаввуфи Эрон. Душанбе. “Ирфон”, 1992, 353 – 354 бетлар).

Шунинг учун ҳам “Авесто” асрлар давомида нафақат Марказий Осиё, балки дунё миқёсидаги тадқиқотчилар диққатини тортиб келади. “Авесто” ҳақида юзлаб эмас, балки кўҳна ва кенг дунёнинг минглаб зариф тадқиқотчилари ўз гапини айтган ва бу анъана ҳамон бардавомдир. (Бу ҳақда муфассал маълумот олиш учун мурожаат қилинсин: Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. ИВЛ, Москва, 1960, стр 31-66; Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. ГРВЛ, «Наука», Москва, 1972, стр 44-129). “Авесто” бағрида яшаб келган қаҳрамонлар қадимги дунё донишмандлари эътиборини ҳам тортган, уларнинг мўъжизавий қайд ва баҳоларига сазовор бўлган. Айниқса, асарда яккахудолик тимсолида келган Аҳура Мазда атрофида кўпгина баҳсу мунозаралар кечган ва ҳатто бир-бирига зид фикрлар ўртага ташланган. Шунингдек “Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш учун амалга оширилган саъй – ҳаракатлар муносабати билан жуда улкан ишлар амалга оширилди. Талай мақолаю китоблар, асар таркибидан парчалар эълон қилинди. Ана ўша манбаларга таяниб биз бу ишимизда айрим мулоҳазаларимизни баён этишга жазм қилдик.

АХУРА МАЗДА ЯККАХУДОЛИК ТИМСОЛИ

Аҳура Мазда муайян тарихий қиёфа мақомидан чиқиб, мавҳум, мўъжизавий қаҳрамон (Олий илоҳ) даражасига кўтарилади. “Авесто”да Аҳура Мазда шаклида ёзиладиган бу Олий илоҳ яхшилик, поклик, эзгулик оламининг бунёдкори, шундай шаффоф маъвони яратган чексиз қудратдир. **Аҳура Мазда Машрик замин манбаларида “Уҳра Мазда”, “Хурмазда”, “Хурмазд”, “Урамазда”, “Аҳурий Мазд”, “Мазда Аҳура” кўринишларида кўзга ташланади. Аҳура Мазда икки таркибдан иборат бўлиб, ҳар бир қисм ўз талқинига эга: Аҳура – “Худо”, “яратгувчи”, “улуғ” маъноларини англатса; Мазда – “хушёр”, “доно”, “огоҳ” каби мазмун жиоларига эгадир.**

Бирикма ҳолида эса “доно сарвар”, “огоҳ раҳнамо”, “хушёр яратгувчи”ни билдириб келади. Ана шундай ғайри табиий фазилатлар соҳиби Ахура Мазданинг кўриниши хусусида ҳам юксак бадиий баҳолар берилган. Жумладан, қадимги юнон донишманди Порфирий тасаввурида Ахура Мазда – Хўрмузднинг “танаси – Нур, ёғду, қалби – Ҳақиқат” рамзи бўлиб кўринган. Бундай сифатловчи ва тамсилларнинг ёзма манбаларга кўчиши эса тасодифий бўлмай, “Авесто”даги ишоралар ўшандай муболағавий илоҳий талқинлар учун туртки берган. Масалан, “Ясна”нинг биринчи дуоси (намози) биринчи бандида Ахура Мазда “энг гўзал (жисм) соҳиби” сифатида эътироф қилинади. Шу ўриннинг ўзида “Қуёш- Ахура Мазданинг кўзлари” тарзида талқин этилади. Шунингдек, “Ясна”нинг 31 – ҳоти саккизинчи муножотида ўқиймиз: **“... Эй мазда! Қачонки мен сени бутун борлиғим билан тирикликнинг ибтидо ва интиҳоси, Ўзгу ниятнинг отаси деб танидим, ўшанда мен сени қалб кўзи билан кўрдим. Сендан Ашаҳ –Ҳақиқатнинг ҳаққоний яратгувчиси ва олам аҳли амалларининг ҳаками”** (Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент-2001, 11-бет. Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу китобдан олинади ва тегишли саҳифалар матндан сўнг қавсда кўрсатилиб борилади). Равшан бўлаётирки, бутун мулки борлиқ ва унинг тақдири Ахура Мазда ихтиёридадир. Парчадаги “Ашаҳ”- “ростлик, ҳаққоният, ҳақиқат, ҳакам, тартиб-қоида, мукаммал назм” каби маъноларни англатади. Таъкидлаш жоизки, тилга олганимиз маъно жиолари ҳам “Ашаҳ”нинг “Авесто”да келган барча талқинларини етарлича ифодалай олмайди. Шу ўринда яна бир жумлага сизнинг эътиборингизни тортмоқчимиз: **“сени қалб кўзи билан кўрдим...”** Бугун ирфоний-фалсафий адабиётларда тез-тез кўзга ташланадиган бу жумланинг сарчашмаси “Авесто” эмасмикан?! Масаланинг шу жумла билан алоқадор яна бир жиҳати тасаввуфнинг ибтидосига дахлдордир. XV асрнинг қомусий олими, файласуф, ахлоқшунос ва адиби Ҳусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султония” асарида илк сўфийнинг Одам Ато фарзандлари ўртасида

бўлганлигини қайд этади. “Авесто” таркибидаги қўшиқ ва муножотларда кўзга ташланадиган юқоридаги қайдлар ўша доно фикрлар фойдасига хизмат қилади...

Иккинчи қўшиқ (Уштуват гоҳ) Ясна, 44 –ҳотнинг тўртинчи, бешинчи муножотларида ўқиймиз:

“-Эй, Ахура!

Сендан ўтинаман, ҳақиқат билан жавоб бер:

Оёқларимиз остида тўшалган заминни ким яратди?

Бошимизда йиқилмай турган осмонни яратган кимдир?

Сув ва гиёҳларни ким бунёд этди?

Ким шамол ва қора булутларга шитоб бахш айлади?”

- Эй, Мазда!

Эзгу ниятни яратган ким?

– Эй, Ахура!..

Сендан ўтинаман, ҳақиқат билан жавоб бер:

Қай бир устоз ёруғлик ва зулматни яратди?

Қай бир устоз уйқу ва бедорликни яратди?

Яратувчининг паймонини адо этиш учун тонг, туш ва тунни ким яратди?” (20-бет).

Марҳамат, мулоҳаза қилиб кўрайлик, ўртага қўйилган саволлар нақадар фалсафий ва инсониятнинг еру-само сиру синоатларини билишга бўлган интилишининг нечоғлик катта бўлганлигига шаҳодат бу! Ҳатто ибтидоий жамоа одамлари ҳам атроф-муҳитга жуда бефарқ бўлмагани, уларни ўрганиш, билишга интилишдан ташқари, улуғ мўъжизавий қудрат томонидан бунёд этилган бетакрор ва гўзал борликни муҳофаза қилиш билан алоқадор долзарб муаммолар ҳам ўртага қўйилади. Бу ноёб манбадаги жуда кўп саволлар илмий башоратлардан акс-садо беради. Инсоният авлоди улардан аксариятига ҳамон етарли илмий жавоб топа олган эмас. Яна бир масала: табиат нафосатини асраб-авайлаш, унинг гўзаллиги ҳамда бойликларига ваҳшиёна муносабатда бўлмаслик каби оқилона даъват –

чақириклар “Авесто” саҳифаларида ҳам кўзга ташланади. Эслатилган дилбар лавҳалар қомусий ёзма ёдгорликнинг умумбашарий мазмун-моҳиятидан ташқари, унда илгари сурилган бундай ўлмас ғоялар бугунги авлоднинг ахлоқий-маънавий тарбияси йўлида беминнат хизмат қилиши билан ҳам кадрлидир.

“Авесто”дан юқорида кўчирилган парча ва унда кўтарилган бағоят теран масалалар киши хаёлини бевосита Қуръони Каримнинг илоҳий жумлаларига тортади. Ислом динининг айна муқаддас китобидан жой олган кўплаб сура ва жуда кўп ояти карималарда мулки борликдаги мавжудотларнинг яратилиши ва Яратувчиси хусусидаги илоҳий жумлаларни ўқиш мумкин. Жумладан, “Раъд” сурасининг саккиз-тўққизинчи ояти карималарида мағфират қилинади: “... У зот даргоҳида ҳар бир парча ўлчовлидир. У ғайбу шаҳодатни (яъни махфий ва ошқора барча нарсани) билгувчи буюк ва юксак зотдир...” (Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима –Тошкент. “Чўлпон”, -1992, 169-бет).

Қуръони Карим “Раъд” сурасининг биринчи ва иккинчи ояти карималарида “Авесто” кўшиқларида ўртага қўйилган жумбоқли саволларга очиқ ва ишонтирарли жавоблар ўз ифодасини топган”. “... Оллоҳ осмонларни сизлар кўргудек устунларсиз кўтариб қўйган, сўнгра ўз аршини эгаллаб қуёш ва ойни Ўз амрига бўйсундирган зотдир... У ерни ёйиқ қилиб яратиб, унда боғлар ва дарёлар пайдо қилган зотдир. У ердаги ҳар мевани иккитадан жуфт-жуфт (яъни эркак-урғочи) қилиб яратди. У кечани кундуз устунига ёяр (кеча-кундуз ҳам бир-бирларининг жуфтларидир)” (Ўша китоб, 168-бет). Бундай лавҳалар минг йиллар давомида Яратган Қодир эгамнинг мўъжизаси сифатида бунёд этилган ва вужудида илоҳий руҳни кўтариб юрувчи Одам Ато зурриётлари томонидан олға сурилган эзгулик хусусидаги тафаккур дурдоналарини авлоддан-авлодга, китобдан-китобга кўчиб, сайқалланиб яшаётганлигидан ёрқин нишонадир.

“Авесто”нинг бизга етиб келган парчалари мағз-мағзидан эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги кескин кураш билан дахлдор манзаралар кечади.

Айни жангда “Авесто” саҳифаларида ғалаба ҳамиша Зардушт ва унинг пайравлари тарафидадир. Айтилганлар нуқтаи назаридан “Ясна”, 34-хотнинг саккизинчи муножоти аҳамиятлидир: “- Эй, Мазда! Ҳақиқатда улар (девпарастлар – Р.В.) ўз кирдикорлари билан бизга даҳшат солмоқ бўладилар. Негаки, қудрат соҳиблари нотаваонлар бошига кулфат ва озор етқарадилар ва сенинг иродангга қарши бориб, душманлик қиладилар... Улар ҳақиқатни андиша этмайдилар. Эзгу Ниятдан юз бурадилар.

-Эй, Мазда! Ўша бадкирдорлар Эзгу Ниятдан ғофилликлари туфайли солим ақлли донолар ҳузурида буюк мартабам бўлган Сен – Сипондормазни назар писанд қилмайдилар. Улар Ҳақиқатдан узоқлашадалар. Ҳақ уларга муяссар бўлмайди. Бу бадкирдорлар биздан айродирлар” (“Авесто”, 16-17- бетлар). Дарҳақиқат, Садоқат, Самимият, Адолат, Эзгулик, Рафоқат, Ҳақиқат, Она табиатга юксак Муҳаббат, Эзгу Ният сингари умуминсоний олижаноб фазилатлар “Авесто” саҳифаларини нурафшон илоҳий ёғду мисол ёритиб туради. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, юқорида айримлари саналган ноёб хислат-хусусиятлар комил инсон қиёфасининг бетакрор белгиларидир. Шуларга таяниб, комил инсон орзуси “Авесто” саҳифаларидан бошланади, десак хато бўлмас. Таассуфлар бўлсинки, “Авесто”дай шоҳ ёзма ёдгорлик ҳам “маданий меросга ленинча муносабат тамойиллари” асоратидан четда қолмади. Ўша мудҳиш мафкура таъсирида у ҳақда қуйидагича жумлалар битилди: “Авесто” диний китоб бўлиб, эксплуататорларнинг дунёқараши ва манфаатларини ифодалайди. Ундаги яккахудо Ахура Мазда култи ҳам ягона шоҳ ғоясига мувофиқдир. “Авесто” жаннат ҳақидаги ваъдалари билан меҳнакашларни овунтиради. Чинвот кўпригининг (“қил кўприк” сингари диний-афсонавий кўприк – Р.В.) азоб –даҳшатлари билан кишиларни “адолатга” ундайди, диний эътқодлар ва урф-одатларларга содиқ бўлишга чақиради. “Авесто” ўт ва қилич ёрдамида зардуштийликни кенгроқ тарқатиш лозим деб, бошқа диний

эътиқоддаги кишиларга нафрат хисларини уйғотишга интилади” (Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача). Қайта ишланган учинчи нашри. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1976, 69-70-бетлар).

Рухи мунавварлари ҳамиша шод бўлгур профессор Н.М.Маллаев истиқлол кунларига етиб келганларида, биринчи бўлиб ўзлари юқоридаги жумлалардан хижолат тортган бўлур эдилар. Мустабид замонанинг зуғумлари, қуюшқондан чиққан қатағон ва қама-қамалар адабиётшунослигимиз, умуман, тарихшунослик, фалсафа ва яна қатор фанларнинг издан чиқишига, мафкура қобиғига ўралиб, ҳақиқатдан узоқлашишга олиб келди. Натижада мустамлака йилларида талай маънавий бойликларимизга нисбатан адолатсизлик қилинди, уларга бир тарафлама баҳо берилди. Ўшалар сафида “Авесто” ҳам бор эди...

Истиқлол туфайли миллий ғоя, миллий мафкура шаклланаётир. Янги рухдаги қарашлар асосида маънавий меросимиз тадқиқ этилмоқда ва ўша маърифий ёдгорликлар бағридаги умумбашарий ғоялар миллий истиқлол равнақи йўлида хизмат қилаётир. Жумладан, “Авесто”га бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди, уни бугунги она тилимизга ўгириш, замондошларимизга етказиш, адолат мезонлари асосида тадқиқ этиш бобида янги давр бошланди. Бунинг учун Президент И.А. Каримовнинг республикамиз бир гуруҳ тарихчи олимлари билан қилган мулоқотидаги мана бу доно фикрлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда: “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” аини замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди (“Авесто”. Тарихий – адабий ёдгорлик. “Шарқ” нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент –

2001, 3-бет). Дархақиқат шундай, “Авесто” таратаётган маърифат нури ҳамон инсонларни ўзига тортаётир. Давлатимиз ташаббускори бўлган ўлмас “Авесто”нинг кўхна Хоразмнинг муқаддас заминида нишонланган 2700 йиллик тўйи, тантаналари ҳам айтганларимизнинг ёрқин далилидир...

"АВЕСТО"НИНГ ТАРКИБИ

Қадимий манбалар саҳифаларида етиб келган маълумотларга кўра, тугал “Авесто” 21 наск-китобдан иборат бўлган. Бироқ Александр Македонский, араб босқинчилари, мўғул ва бошқа тажовузорлар босқинчилари туфайли мазкур маънавий ёзма ёдгорликнинг катта қисми йўқолиб кетган. “Авесто”дан ҳозиргача етиб келган парчаларнинг энг қадимгиси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, мазкур қўлёзма Копенгагенда сақланади (Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 68-бет). Шунингдек, “Авесто”нинг паҳлавий тилидаги шарҳли таржималари ҳам мавжудки, улар “занд” (матн ва талқин ёхуд талқинли матн), мазкур маънавий-адабий ёдгорликнинг юқорида эслатилган нусхаси “Авесто ва Занд” (“Занд ва Авесто”) тарзида юритилади. “Авесто”нинг маълум матни санскрит, немис, инглиз, француз, рус ва форс тилларига ҳам таржима қилинган. Зардуштийлик динининг йирик ва машҳур тадқиқотчиси Э.Вехт маълумотларига биноан, сосонийлар даврида мавжуд бўлган “Авесто”нинг умумий ҳажми уч юз қирқ беш мингу етти юз (345.700) сўздан таркиб топган экан. Бироқ ана ўша салмоқли маънавий хазинадан бугун йигирма уч минг сўз (23.000) бизгача етиб келган, холос (Мирзозода Х.Таърихи адабиёти тожик. Аз даври қадим то асри XIII. Китоби I. “Ирфон”, Душанбе, 1987, саҳ. 60).

Шундай қилиб, “Авесто” бизгача икки кўринишда (вариантда) етиб келган: “Авесто”, “Авесто ва Занд”.

“Авесто ва Занд”га кўра, бу қадимий ёзма ёдгорлик қуйидаги китоб (қисм)лардан таркиб топади.

Вендидод (Вандидод) (Девларга қарши қонунлар мажмуи) 22 боб ёки китобдан иборат бўлиб, Аҳура Мазда ва Заратуштрининг ўзаро савол-жавоблари шаклида ёзилгандир. Ёвуз кучларга қарши қонунлар, мурожаат ва ёзишмалар мажмуидан иборат “Вендидод”да ёмон руҳлар, девларга қарши кескин нафрат туйғулари ёрқин кўзга ташланади. Бобларда мифология намуналари қисман бўлса-да намоён бўлади. Шунингдек, гуноҳлардан халос бўлиш, покланишга даъват ғоялари ҳам етакчилик қилади. “Вендидод”нинг дастлабки уч боби, айниқса, алоҳида қизиқиш уйғотади. Унда Ўрта Осиёнинг ўтроқ ва деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолиси тақдирида муҳим аҳамиятга молик бўлган ер хусусида қизғин мулоҳаза юритилади.

Ўн икки минг ҳўкиз териси юзасида зар ҳарфлар билан иншо этилган ва дастлаб Алесандр Македонский (Мақдуни) томонидан ваҳшийларча кўйдирилган “Авесто”даги ер беҳад юксак улуғланади. Деҳқончилик маданияти ва унинг равнақиға жиддий эътибор қаратилади. “Авесто”даги талқинларға кўра, юртимизда минг йиллар давомида аجدодларимиз томонидан жуда кўп ғалла, ўт, мевали дарахтлар ўстирилган, кўриқ ва бўз ерлар суғорилиб, ботқоқлар экинзорға айлантирилган. “Авесто”да бундай ҳосилдор ерлар энг муборак ва муқаддас маъво тарзида улуғланади.

“Кимда – ким буғдой экса, у Ашаҳ (якка худо) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади (Ўша китоб, 115-бет). Мазкур жумлалар мағзида бўлиқ ҳаётий ва фалсафий маъно яширинган. Инсон ва табиат муносабату мувозанати мулки борлиққа бўлган юксак муҳаббати билан муомалада бўлиш туйғуси эслатилган саҳифаларда равшан намоён бўлади. Одам ва ижтимоий фойдали меҳнат – олий хилъат тақдири ҳамда турмушнинг ўзак масаласи ҳисобланади. Асарда ғаллага урғу берилиши ҳам бежиз эмас. Ғалла (буғдой) Одам Ато зурриётлари турмуши, ҳаёти ва тириклигининг асосидир. Исломий манбаларда ҳам ғалла жаннатий неъмат тарзида назарға ташланади.

Муҳаммад Алайҳиссалом асослаган исломий эътиқоднинг муқаддас китоби “Қуръони Карим”нинг ўнлаб сура ва ояти карималарида инсон учун Аллоҳ томонидан тақдир этилган ризқ – рўз ҳақида келган илоҳий жумлалар ҳам ўшандай хулосага келиш асосини беради. Масалан, Маккада нозил бўлиб, тўқсон тўққиз ояти каримадан таркиб топувчи “Ҳижр” сурасида ўқиймиз: “Ерни эса ёйиқ – кенг қилдик ва унда тоғларни ўрнатиб қўйдик ҳамда унда (ҳар ернинг ўзига) мосланган турли – туман нарсаларни (ўсимлик, меваларни) ундириб, ўстирдик. Ва унда (яъни ерда) сизлар учун ҳам сизлар ризқлантира олмайдиган (балки фақат Биз ризқ берадиган сизларнинг қўл остингиздаги) кишилар учун ҳам тирикчилик – ризқу насибаларни яратиб қўйдик. (Сизларнинг ризқу рўзингиз бўлмиш) ҳар бир нарсанинг асли – манбаи Бизнинг даргоҳимиздадир” (Ўша китоб, 180 – 181 бетлар) Бундай муштарак лавҳалар бу икки диний эътиқод ва уларнинг муқаддас китоблари ўртасида ғоявий-маънавий робита борлигидан сўзлайди.

Ислом тарихига доир манбаларда инсониятни Ҳақ йўлга даъват этиш учун бир юз йигирма тўрт минг расулу набийлар юборилганлиги таъкидланади. Масаланинг урғу билан айтганимиз жиҳати кишини мушоҳадага чорлайди ва ўшалардан бири ҳаким Зардушт эмасмикин? - деган савол ўртага чиқади. Фикримизча, Авестонинг бизгача етиб келган нотугал нусхаси саҳифаларидаги қўшиқу муножотларда ифодасини топган юксак умумбашарий ғоялар ҳам ўртага қўйганимиз саволга қувват беради. Донишманд Зардушт Аллоҳнинг назарида бўлмаганида эди, унга шунча йиллар яшаб келаётган дин ва жавоҳирот манбаи “Авесто”нинг насиб қилишини тасаввурга сиғдириб бўлмайди... Яна масаланинг бундай жиҳатлари икки олам Подшоҳи – Аллоҳга аёнроқдир... “Авесто”да шунингдек, ижтимоий фойдали меҳнат, унинг самараси-фаровон ҳосил ҳам ёвуз кучларга (девларга) қарши кескин кураш қуроли сифатида истифода этилади. “Сочилган ғалла уруғи ниш уриб, ердан бош кўтарган паллада девлар нолага кирадилар; ғаллани янчиш пайтида девлар тўрт томонга

қараб қоча бошлайдилар; хамир қорилаётган жараёнда девлар маҳв бўладилар. Ғалла ҳосилининг фаровонлиги девларни шу даражада қочирадигани, гўё кимдир уларнинг лабига қиздирилган темирни босгандай...” Замин, унга ишлов бериш, ундан мўл ҳосил ундириш билан алоқадор бундай даъват – мурожаатлар “Вандидод” саҳифаларида бот-бот назарга ташланади. Қуйида келтирадиганимиз парчада ҳам ўшандай ғоя устувордир: **“Кимики, ерга чапу рост ва ўзининг ҳар иккала қўли билан ишлов берса (ер ҳам унга безатилган хобхонада ўтириб, ўз суюқлисига фарзанд тухфа қилган дилбар ва ёш санам каби сарват ҳадя қилади”** (Замин ва ғалла билан алоқадор парчалар проф. Холиқ Мирзозоданинг “Тоҷик адабиёти тарихи” китобидан олинди. Юқорида кўрсатилган дарслик, 65-бет. Тоҷикча парчалар бизнинг таржимамизда берилди – Р.В.), “Вандидод”да ер ҳам “эзгу” ва “ёвуз” замин парчаси тарзида тасниф қилинади.

НУР ВА ЗУЛМАТ БАҲСИ

Ахура Мазда осойишта ва саховатли ерлар ўлкасини муҳайё этса; унга қарама-қарши бориб, Ангра Маню ўша жойларга ёвузлик уруғини сочмоқчи бўлади. Шундай қилиб, мазкур бахшда ўн саккиз афсонавий эзгулик давлатларининг чиройли тасвири берилади. Шундан бўлса керак, жуда кўп авестошунослар “Вандидод” тадқиқи билан машғул бўлганлар. Бунда асосий эътибор эса ёзма ёдгорликда тилга олинган жуғрофий номлар – жойларни аниқлашга қаратилган. Таниқли шарқшунос проф. И.С.Брагинский таъбири билан айтганда, мазкур “жуғрофий достон”да (кўрсатилган асар, 49-бет) юқорида айримларини кўрганимиздек, ер ва ғаллани, инсон ва унинг фойдали меҳатини улуғлаш марказий ўринда туради. “Вандидод” қисмлари айрим миф ва асотириларида ҳам холи эмас. Жумладан, унинг иккинчи фаргарди (боби) биринчи бўлимида Йима ҳақидаги миф берилган. Ўртага қўйилган долзарб ҳаётӣй воқеа-ҳодисалар, дуолар, айтим-олқишу фотиҳалар, муножоту сўровлар Ахура Мазда ҳамда Зардуштнинг савол-жавоблари шаклида берилади. Жумладан, зикри ўтган бўлимда ўқиймиз:

“Зардушт Ахура Маздадан сўради:

- Эй Ахура Мазда! Эй, оламлар нури!

- Эй, яхшилик дунёсини яратгувчи! Эй, Ашаван!

Сен – Ахура Маздасан, мен – Зардуштман. Сўйла- чи, мендан бошқа одамлар ичидан яна кимдан ҳол – аҳвол сўрадинг?

Кимга Ахура ва Зардушт динини ошкор қилдинг?

Ахура Мазда жавоб берди:

- Эй, Ашаван Зардушт!

Мен - Ахура Мазда – сен Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи бўлиб қуёш юзли, яхши сулувлар соҳиби Жамдан ҳол сўрдим ҳамда Ахура ва Зардушт динини унга ошкор қилдим” (Авесто. 108 – 109-бетлар).

Бутун Фаргард давомида юқоридагидай услубий жило изчил давом этади. Кўчирилган иқтибосдаги яна бир ишора эътиборга молик. Ахура Маздага мурожаат қилган Зардушт уни Жам унвони билан ҳам тилга олади. Профессор Н. М. Маллаев “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида Йиманинг муқобили сифатида Жамшидни кўрсатади (70 - бет). Манбалардаги ишоралар Ахура Мазданинг Йима ва Жам номлари билан ҳам шуҳрат топганлигидан гувоҳлик беради.

Зардушт ва Ахура Мазданинг савол – жавобларидан аёнлашадики, инсонлар ва замин тақдирида эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасида кескин курашлар амал қилиб келган. Баъзан “зулмат”нинг қўли баланд келса, ғалаба кўпинча “нур” тарафида бўлиб турган. Бунинг учун Зардуштнинг мурожату, муножотларига Ахура Мазда – Жамнинг яхшилик тарафида туриб ҳаким Зардуштни ҳимоя қилганлиги асосий сабаб ҳисобланади. Қуйидаги иқтибосда айтилганларни ҳис қилиш қийин эмас: “... Шундан сўнг, Жам ер юзига икки одим кенглик бахш айлади. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевадар уюри, одамлар келишди. Улар кўнгиллари тусаган ерларни ватан тутишди” (110-бет). Вандидот саҳифаларида ўзининг рангин ифодасини топган умумбашарий ғоялар адолат тантанасига бўлган ишончнинг устиворлиги

Авесто яшовчанлигини таъмин этган таянч воситалардан бири бўлиб хизмат қилиб келган дейилса сира хато бўлмайди...

“Вандидод” поклик ва шаффоф эътиқодга даъват ғоялари билан хотима топади.

“Виспарад” (Виспарат) – (Мутлақ ҳукмронлик, илоҳий мавжудотлар даҳоси) ибодат қўшиқларидан ташкил топган ва 24 бобни ўз ичига олади. Боблар миқдори ҳар хил манбаларда турлича кўрсатилади. Виспарадда Зардуштранинг номи айрим ўринлардагина учрайди. “Авесто”нинг мазкур қисми “Ясна”га қўшимча, унинг анча кечиккан кейинги парчаларидир... Мазкур бўлимда олға сурилган ғоялар “Ясна” қўшиқларида ўз акс-ифодасини топгандир...

Ясна –форс-тожик тилида “жашн” (тўй байрам) маъносини англатади. Кенгроқ талқинда унга “таъзим қилмоқ”, “сиғинмоқ” тарзида шарҳ бериш мумкин. “Ясна” ибодат қурбонлик қилиш, ҳайит пайтида Олий илоҳга қарата ижро этиладиган (айтиладиган) мақтов-муножот, мурожаат қўшиқларидир. Турли диний маросимларга хос расм-русумларни ўз ичига олувчи “Ясна” 72 бобдан таркиб топади. Шундан 17 боби ҳотлар бўлиб, улар “Авесто”нинг энг қадимий қисмларидир.

“Авесто”нинг энг катта парчаси ҳисобланган “Ясна”нинг 12-фасллари “Муқаддима”; 3-8 –қисмлари қурбонликни ижро этиш пайтида амалга ошириладиган қонун-қоидалар; 9-11 боблари муқаддас удумлардан бири ҳақидаги дуо-салавотлардан иборатдир.

Китобнинг 12-13 қисмлари зардуштийлик динини улуғлаш, дунёнинг вужудга келишига доир фалсафий қайдлар, Иброҳим Зардуштнинг таржимаи ҳоли каби масалалар мажмуидан таркиб топади. Масалан “Ясна” 12 – хотининг 3 – бандида ўзининг ёмон қилмишларидан қайтиб,эзгулик тарафига ўтган Завтнинг қуйидаги таъкидларидан ҳам англаш мумкин: “Мен ўз чорполари билан бу заминда яшагувчиларнинг эмин – эркин борди – келди қилишлари; уй ва қошоналарида озод яшамоқларини истайман.

Тайёрланган завр суви ҳузурида Ашаҳ – Ҳақиқат намозини адо этарканман озодликни мадҳ этаман.

Бундан сўнг, маздапарастлар маконига зиён етказмайман, уни вайрон қилишга қўл урмайман ва ҳеч кимнинг жону танига қасд қилмайман” (57 - бет).

Иқтибосда ўртага қўйилган долзарб муаммолар – адлу амният, эркинлик, озодлик, тинчлигу фаровонлик инсониятнинг бир авлоди учун эмас, балки, ҳамма замонларда умргузаронлик қилган Одам Ато зурриётлари учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Завтнинг “... Мен маздапарастлар ватани бўлмиш қишлоқларга зиён ва вайронгарчилик етказишдан бош тортаман” (ўша бет) каби қасамёди ҳам алоҳида эътиборга молик. Айниқса, 2009 – йил Она – Ўзбекистон учун “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган экан, чиндан ҳам муқаддас заминимизга осойишталик, ишларимизга қут – баракот беришини муножот ила Аллоҳдан тилаш ҳар бир пок ниятли инсоннинг қалбига ҳузур бағишлайди.

“Ясна”нинг 14-54 бўлимлари мадҳ-мақтов, ҳамду саноларни ўз ичига олса-да, унинг 28-53 қисмлари хотлар (готлар) –қўшиқлардир. Китобнинг қолган йигирмага яқин боблари Худодан етадиган хабарлар, ибодатнинг бир кўринишидан иккинчисига ўтишга доир қоидалар, турли хайрли фотиҳалардан таркиб топади. Оташ-оловни улуғлаш, сувга доир дуо-салаватлар, ибодат якунига тегишли айтим-фотиҳалар, ёмон рухларни (девларни) ўзидан узоқлаштиришга тааллуқли мавзу-масалалар қолган қўшиқларнинг мазмун-мундарижасини ташкил этади. “Ясна”, “Авесто”нинг ҳажми нуқтаи назаридан энг катта бўлими ҳисобланади. Унинг юқорида ихчам баёни берилган бобларини мазмун-моҳиятига кўра уч катта йўналишга ажратиб тасниф қилиш мумкин: I- 1-27-боблар; II-28-53-боблар; III-54-70-боблар ва ниҳоят “хотима”- 71-72-бобларидир. “Ясна”даги хотлар ҳам Ахура Мазда ва Зардуштранинг ўзаро мулоқотлари тарзида ифодаланади. Хотлар ва уларни ташкил қилувчи мурожаат –муножот ҳамда жавобларини мазмун-моҳиятига қараб тасниф қилиш ўта нисбийдир. Чунки ҳеч қандай тасниф

парчаларда ифодасини топган масалалар мажмуини етарли даражада қамраб ололмайди.

Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш, эзгуликнинг ғалабаси ва ёвузликнинг мағлубияти, олижаноб инсоний фазилатларнинг улуғланиши каби таянч мавзулар йиғиндиси ўша хотлар негизини ташкил қилади. Айрим мисолларга мурожаат қилайлик: “Ясна”нинг 43-хоти 15-муножотида ўқиймиз: **“... Эй, Мазда! Қачонки, Эзгу Ният менинг ҳузуримга келди ва ором – осудаликда андиша қилмоқ билим олишнинг энг яхши йўли эканини ўргатди ва дедик, раҳбар ҳеч қачон девпарастларнинг хушнудлигига сабаб бўлмаслиги керак, зеро улар ҳақпараст ашаваларга хусуматлардадирлар. Шундан сўнг мен сени пок деб билдим”** (“Авесто”, 19-бет). Зардуштранинг Ахура Маздага сидқан илтижо-муножотидан бир лавҳа кўчирдик. Парчадаги “Эзгу Ният”, “ором-осудалик”, “андиша қилмоқ”, “билим олмоқ”, “ҳақпараст ашаванлар”, “пок бўлмоқ” каби бирикмалар ярқ этиб назарга ташланишдан ташқари, ҳар қандай ўқувчини ҳам мулоҳазага чорлайди. Аввало, мазкур иборалар эзгулик, фаровон турмуш аломатлари ҳамда инсоният авлодининг доимий орзуси – интилиш нуқтасидир. Иккинчидан, мазкур фазилатлар баркамол инсоннинг ҳам хос ҳислат-хусусиятлари ҳисобланади. Айни ана ўша маънавий-руҳий жиҳатдан балоғатга эришган комил инсон орзуси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинадиган долзарб масалалардан яна бири раҳбар шахсига алоқадор ишора ҳисобланади. Мухтарам ўқувчи! Зардушт тарафдорларининг қатъий таъкидига биноан раҳбар ҳамиша жамоа тарафида туриши шарт ва у ўзи сарвари бўлган инсонлар гуруҳи билан бирга нафас олиши, улар дардига шериклик қилиши, жамоа душманларига нафрат нигоҳи билан қараши лозимдир. Кўринадикки, муҳокама-мулоҳаза ришталари раҳбар маънавияти поклиги, комиллигига уланаётир. Нопок ва гўзал инсоний фазилатлардан йироқ раҳбар бор жойда мўътадил иш муҳити ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. “Авесто”даги бундай ўринлар фақат Зардушт тарафдорларининг эзгу орзуси бўлмай, балки барча замонлар учун ҳам

долзарбдир. Бундай доно ва умуминсоний фикрларнинг замон, макон ва забони бўлмайди. Дарвоқеъ, ана ўшандай олижаноб ҳамда ўлмас ғоялари туфайли “Авесто” бизга замондошдир. Президент И.А. Каримовнинг куйидаги таъкидлари ҳам ўша хулосаларимизни яна бир карра исботлайди. **“Бошқарув тизимини такомиллаштириш бевосита раҳбар маънавияти, унинг шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлиги билан ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда... Салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади”** (Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997, 205-бет.). “Ясна”дан кўчирганимиз парчадаги “ҳақпараст ашаванлар” ибораси ҳам изоҳга муҳтождир.

“Ашаҳ” (аша) – “Ашаҳ- Ваҳийшта” номининг бир бўлаги, қисми бўлиб, “ростлик, ҳақиқат, ҳақ, мукаммал тартиб-қоида, яратилишнинг абадий қонуни” каби маъноларни англатади. Ашаҳ маздапарастлар динининг асосий белгиларидан (сифатларидан) бири бўлиб, бутун “Авесто” давомида унга тез-тез мурожаат қилинади. Шунингдек, “Ашим Ваҳун” (“Ашаҳ Ваҳишт”) маздапарастлар динининг уч асосий дуоларидан ҳам бири саналади.

“Бу дунё кураш майдонидир, - ёзади Абдурауф Фитрат “Оила ва оила бошқариш тартиблари” асарида. – Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир” (Фитрат А. Оила. “Маънавият”, Тошкент, 1998, 60-бет). Бухоройи шарифнинг биринчи хужжатли ва ардоқли профессори, таниқли зуллисонайн (икки тилли) адиби Абдурауф Фитрат ўша доно фикрларни ўртага ташлашда тўла ҳақдир. Дарҳақиқат, мўйсафид дунё кураш майдонини эслатади ва бундай майл унинг табиатида Одами хокий –Одам Ато ҳазратлари жисму жонидаёқ намоён эди. “Авесто” саҳифаларидаги қайдлар ҳам мазкур хулосага келиш асосини беради. “Ясна” 33 –ҳотидаги 3-4 муножотлар айтилганлар нуқтаи назаридан катта қизиқиш уйғотади: **“-Эй, Ахура! Ҳар ким ҳақиқат йўлидаги ашаван билан –хоҳ қариндоши, хоҳ ҳамкори, хоҳ дўсту-ёри бўлсин – энг яхши алоқада бўлса ва кимдаким ўз**

гайрати туфайли мавжудотни ҳифз-ҳимоя айласа, у Ҳақиқат –Ашоҳ ва Эзгу Ният саройида абадий садоқатга восил бўлади”.

-Эй, Мазда! Мен Сени ардоқлайман ва Сендан ўтинаман; ишончсизлик ва сушт ниятсизлик ўртадан кўтарилсин. Қариндош – уруғлар калтафаҳмликдан; ҳамкорлар яқинлар алдовидан; дўсту ёрлар фитна аҳлидан омонликда бўлиб, олам ёмон раҳбарлардан холос бўлсин” (“Авесто”, 15-бет). Ҳаёт, яшашнинг ўзи кураш-муборизалардан холи бўлмаганидек, уни поклаш, мусаффо-беғуборлигини ҳимоя қилиш ҳам осон кечмаган, албатта. Ана шундай қатъий таъкидни жисмоний-маънавий жихатдан балоғатга эришган етук инсонни шакллантириш жараёнлари хусусида ҳам айтиш жоиздир. Кўчирганимиз парчадан равшанлашаётирки, инсоният авлоди қандай тузум ва шароитда, жамоа-жамиятда умргузаронлик қилмасин, унинг ўй-хаёлини, орзу-интилишлари негизини ҳамиша эзгулик, беғубор поклик банд этган. Бундан олдинги парчада кўрганимиздек, таҳлил этилаётган иқтибосда ҳам мантиқ ришталари раҳбарга бориб уланади. Чиндан-да, мамлакат ва раият тарих-тақдирини раҳбар (қабила бошлиғи, подшо, президент ва ҳ.) фаолиятидан ташқари тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсати, ижтимоий –иқтисодий аҳволи, обод ёхуд хароблиги унинг тепасида турган раҳбарларнинг ақлу заковати, дид-нафосати, дунёқарашига боғлиқдир. Такрор айтамыз, масаланинг бу жихати макон ва замон билан чекланмайди. Ана шу маънода “Ясна” даги **“Олам ёмон раҳбарлардан халос бўлсин”** жумласини умумбашарий ният сифатида қабул қилиш ўринлидир. Буни биргина республикамизда амалга оширилаётган улуғвор ва бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Негаки, Она - Ўзбекистоннинг тарихан қисқа бир давр ичида дунёга чиқиши, мисли кўрилмаган ютуқларни унга насиб этилишида биринчи раҳбар доно сиёсатининг ўрни каттадир. Айниқса, 2001 йилнинг сентябрида АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида бўлиб ўтган ваҳшиёна террорчилик ҳаракатлари, унда Афғонистонда уя қуриб олган ёвуз кучларининг мудҳиш қилмишлари муносабати билан доно ва некбин раҳбар – Президент

И.А.Каримов олиб борган ички ҳамда ташқи сиёсатнинг нечоғлик ҳаётий эканлигига дунё ҳамжамияти бугун тан бераётир...

Айниқса, “Авесто”, унинг йирик таркибий қисми бўлган “Ясна”да юқорида кўчирганимиздай ибратли, бугунги ёш авлод тарбияси учун ҳам беминнат хизмат қила оладиган доно пандномалар бениҳоя кўпки, биз уларнинг айримлари хусусида рисоламизнинг кейинги саҳифаларида яна фикр юритамиз.

“Яшт” (хурмат –иззат қилмоқ, кадрламоқ, мақтамоқ) – Зардуштийлик худолари ва маъбудалари мадҳи – мақтовига бағишланган 22 кўшиқни ўз ичига олади. “Яшт” кўшиқлари “Ясна”даги шеърлардан фарқ қилади. Бу тафоввут энг аввало “Яшт”даги ҳар бир кўшиқнинг (мақтов-мадҳиянинг) зардуштийликнинг муайян худоси номи тилга олиниб, унга бағишланганлигида кўринади. Яна “Яшт” таркибида келган кўшиқларда мифология аломатлари ғоят кучлидир. “Яшт”да номлари зикр топган ва худо маъбудаларнинг миқдори йигирмадан ортиқ бўлиб, уларнинг аксарияти ой атамалари вазифасида ҳам келади. Ўшалардан айримлари қуйидагилардир: Хурмузд (Аҳура Маздага аталган кўшиқлар), Амшаспанд, Аша-Ваҳишта, Хаурватат, Ардивисура – Аноҳита, Хвархайт (Қуёшга, мадҳия-мақтовлар. Ҳозирги тожик адабий тилида ховар – қуёш маъносини англатади. Шунингдек, ховар – Шарқни ҳам ифодалаб келади. Ховаршуноси – шарқшунослик, Хуросон жуғрофий атамаси ҳам “Авесто”даги худо – хварнадан олинган бўлиб, Ховаристондан Хуросонга айлангандир), Моҳ – Ой, Сирнус, Дрваспе, Митра, Сраоша, Рашин-Яшт (қонунчилик худоси), Рим –Яшт (поклик, ўткирлик, зийраклик, сезгирлик, фаросат, заковатни улуғловчи кўшиқлар), Ард-Яшт (Аҳура Мазда ва Армантининг қизи Ашай – адолат худосини улуғловчи кўшиқлар), Вананд-Яшт (юлдузий илоҳалардан бирига аталган мадҳиялар). “Яшт”нинг аксарият кўшиқларида руҳни улуғлашга жиддий эътибор берилади. Ўша талқинларга қараганда, руҳсиз жисм мурдор нарса ҳисобланади. Фикримизча, бундай ақида бугун ҳам расм-русумларимиз қаторида яшаб келади. Жонсиз (руҳсиз) мурдани ювиб,

кафанлаб тупрокқа топшириш замирида ҳам ўша ғоя пинҳоний кўринади. Ғассолни (юувучини) айрим лаҳжаларда покшўй тарзида аталиши ҳам ўшандай хулосага келиш асосини беради. “Яшт” кўшиқларининг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, уларда қаҳрамонлик, мардлик, жасорат ва инсон ҳаётининг моддий жиҳатлари бадиий талқинига алоҳида урғу берилади. Мазкур кўшиқларда ҳам эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги кескин манзараларини бадиий ифодалаш марказий ўринда туради. Жаҳолат рамзи сифатида “Яшт”нинг аксарият кўшиқларида Аҳриман қораланади. Ҳурмузд –Яштнинг “Аҳур Мазда қасидаси” баҳшидаги мана бу мисралар ҳам бизнинг хулосамиз фойдасига хизмат қилади:

Қай онки, Эй Зардушт,
Нест айламоқ истасанг сен
Инс-жинслар душманлигини,
Жодугарлар, сеҳргарларни
Ва мустабид қавий дастларни.
Ҳамда ёвуз қоропонларни,
Жуфт оёқли аблаҳларни,
Каззоб олим ва тўрт оёқ
Газандаларни
Ҳам юксак, ҳам хунолод ўша
Кенг алвонли.

Кенг андомли душманларингни (“Авесто”, 167-бет).

Кўчирилган иқтибосда анъанавий тасвир услубига – ёвузлик кучларига чексиз ғазаб ва нафрат билан муносабатда бўлиш туйғуси равшан назарга ташланади. Кўринадики, Аҳура Мазда Зардуштга мурожаат этар экан, уни содир бўлиши муқаррар бўлган ёвузликлардан огоҳлантиради. Аслида табиат ва жамиятда инсоният авлодига рўшноликни хуш кўрмайдиган кучлар кам эмас. Улар махлуқот дунёсининг ҳамма кўринишлари ўртасида мавжуд. Шунинг назарда тутган Аҳура Мазда инсу жинс, жодугару сеҳргарлар, жуфт оёқли аблаҳлар, тўрт оёқли газандаларни

алоҳида урғу билан кўрсатади. Саналганлар қаторида ер парчаси ҳам кўзда тутилади. Фикримизча, бу ўринда ёвуз кучлар макон тутганлиги учун ҳам муайян замин парчаси тавқи лаънат билан тилга олинади. Аҳура Мазданинг нафратига гирифтор бўлганлар сафида олимларнинг борлиги ажабланарлидир. Маълум бўладики, илм аҳлининг табақаланиши қадимул айёмдан бошланган ҳодиса ҳисобланган. Илмни қисмат билганлар қаторида уни шуҳрат ва манфаат тожига айлантирган каззоблар Аҳура Мазда ва авлодлару аждодлар нафратига мустаҳқидир.

Манзум (шеърӣ) ва мансур (насерӣ, сома) “Яшт”ларда куйланган мардлик, қаҳрамонлик, шижоат, жасорат ғоялари бадийӣ йўналишдаги дostonларнинг кенг куртак отишида мустаҳкам негиз вазифасини адо этган. Шундай хулосани тасвирий санъат ва унинг турларига нисбатан ҳам айтиш жоиздир. Буни биргина неъмат ва фаровонлик худоси Хварнанинг санъатдаги сайри мисолида ҳам кўриш мумкин. Қадимги мифологик тасаввурга биноан Хварна турли–туман шаклларда намоён бўлиб, инсонларга эзгулик ва фаровонлик ҳадя этишга ҳаракат қиларкан, манбалар шаҳодатича, Хварна қўй, балик, ранго-ранг кушлар қиёфасида одамлар ўртасида пайдо бўлиб, ўзининг мўъжизавий кудратини ишга соларкан. Шундан маздапарастлар, Заратуштра динининг вакиллари ўртасида қасрлар, ибодатхоналарнинг ва кўзга яққол намоён деворларида ҳайвонлар суратини солиб, безатиш анъанага айланган. Ўша қадимий одатнинг таъсири ҳамон одамлар ҳаётида яшаб келади.

Инсоннинг табиати, феълу атвори ажиб. У ҳамиша яхшилиқни қўмсаб яшайди, эришолмаган, ҳатто муяссар бўлмайдиган (шунга ақли етишига қарамай) нурли чўққиларга интилади ва ўшандай улуғ орзулар кучоғида ўзини бир лаҳзагина бўлсин, бахтиёр ҳис қилади. Бу некбин туйғу ўлмас, “Авесто” саҳифаларида ҳам ёрқин кўзга ташланади. Яштнинг “Митра қасидаси” бўлимининг ўттиз биринчи ва ўттиз учинчи бандидан олинган мана бу ўйноқи сатрларни бирга мутолаа қилайлик:

Ким ҳадсиздир дашт-яйловларинг!”
Илоҳлардан энг кучли илоҳ,
Илоҳлардан энг жасур илоҳ,
Илоҳлардан энг тирик илоҳ,
Илоҳлардан энг илдам илоҳ,
Илоҳлардан энг ғолиб илоҳ,
Митра чиқар замин сахнига
Ким ҳақсиздир яйлови унинг
Сиғинаман бахт-шодлик ҳаққи
Биз Митрани эъзозлаймиз...
“Эъзозлайман Митрани, -деди
Парвардигор Ахура Мазда,-
Шарафманд ва забардаст ўша
Самовий ҳам энг яхши хилқат,
Жумла эзгуликлар соҳиби
Ва зафарли сарбозким унинг
Юксакларда эрур манзили
Оҳ, Зардушт, у тутгай илкида
Ғолибият аслаҳасини.(“Авесто”, 199-бет).

Ана шунақа, Одам Ато зурриётлари ҳамиша, ҳамма нарсанинг ҳам “энг, энг, энг”ни орзу қилади. Ўшандай эзгу ният бугун ҳам мушфиқ қалбларимизни тарк қилганича йўқ. Ахир донишманд аجدодларимиз бекордан-бекорга “Орзуга айб йўқ” демаган-да. Эҳтимол, шу моқолнинг туғилишида “Авесто”нинг кўчирганимиз сатрлари сабаб бўлгандир...

Эзгулик, фаровонлик ва юксак саодат рамзи – Митра! “Авесто” саҳифаларидан чиқиб, Она – Ўзбекистоннинг бепоён экин ерлари-ю яйловларига ташриф буюр, мўъжизавий қудратингни ишга сол, мушфиқ халқимизга фаровон ҳосил ато эт! Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида танти ва меҳнаткаш халқимизнинг омборлари донга, дастурхони

нонга, нозу неъматга тўлсин! Илоҳо, шундай бўлсин! Муножотимиз кулоғингга етсин, афсонавий Митра!

Алқисса, “Яшт” саҳифаларидаги манзум ва мансур қасидалардаги барҳаёт умуминсоний ғоялар бизга ҳам замондошдир.

“Кичик “Авесто” (хурда “Авесто”, Хвартак-апастак) - “Авесто”нинг энг янги бобларидан бўлиб, кичик-кичик ибодат матнларидан таркиб топади. Бундай митти матн – парчаларда зардуштийларнинг ёруғлик худоси Ахура Маздага муножотлари юксак назокат билан куйланган. Шунингдек, Қуёш, Ой, Ардвисура, Вархран каби маъбудаларга қаратилган мадҳия ва мактовлар ҳам “Кичик Авесто” таркибида келади. “Кичик Авесто” сосоний ҳукмдорларидан бўлган Шопур II (309-379 мелодий йиллар) топшириғи билан қайта ишланган. “Кичик Авесто”ни “Яшт”нинг таркибий қисмларидан бири сифатида қараш ҳам олимлар ўртасида анъанага айланган.

Санаб ўтилганлардан ташқари “Авесто”дан майда-майда матнлар айрим парчалар ҳолида етиб келган. Юқорида қайд қилинганлардан равшанлашадики, “Авесто” фақатгина зардуштийлик динининг муқаддас китобигина бўлиб қолмай, балки ушбу маънавий хазина катта илмий-бадий ва тарихий сарчашма сифатида муҳим тарбиявий ахлоқий, ижтимоий – сиёсий, маърифий - маданий аҳамиятга ҳам моликдир.

“АВЕСТО”ДА АХЛОҚИЙ –ТАРБИЯВИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ

Қадимги дунё донишманди Аристотель (Арасту) инсоният авлодига мурожаат қиларкан, ёзади: “Мағрурланиб кетишдан ва гердайишдан сақлангил. Чунки нимадан ва қаердан пайдо бўлганингни ўзинг биласан ва қаерга боришингни ҳам яхши тушунасан” (“Мулоқот”, 1998, 4-сон, 46-б.). Кўчирганимиз иқтибосда ҳар тарафлама балоғатга эришган инсон ғояси ва унга ишора кўзга ташланмаган бўлса-да, мантиқ ришталари бевосита ахлоқий-маънавий нуқтаи назардан камолот пиллапояларига кўтарилишга интилувчи шахс ғоясига уланади. Бир донишманддан сўраган эканлар: “-

Қандай қилиб, сиз шу мартабага эришдингиз? Бундай олижаноб инсоний фазилатларни кимдан ўргандингиз?”

У жавоб бериб айтган экан: “-Нодондан!”

Бундай жавобдан атрофдагиларнинг хайрон бўлганларини кўрган донишманд изоҳ бериб айтган экан:

“-Нодон қилган хатти ҳаракатларнинг тескарисини бажариш мени шу даражага олиб келди...” Жўн ва ғайри табиий бўлиб кўринган бу лавҳа замирида чиндан ҳам жуда катта фалсафий мушоҳада ётади. Дарҳақиқат, мағрурлик ва гердайиш, инсон табиатидаги барча иллатларнинг доясидир. “Худпарастликдан будпарастлик афзалдир”, - дейилганда, ҳам инсоннинг одамийлик қиёфасини йўқотиши, инсон ва ўзлигидан йироқлашувига ишора кетади. Аслини таниган, ўзлигидан узоқлашиб кетмаган одам босар-тусарини йўқотмайди, бировнинг дилига озор етказмайди. Худодан кўрқади, охират-қиёмат азобларини (булар тагдор рамзий ишораларки, уларнинг талқини алоҳида китобга мавзудир) кўз олдида тутати...

“Авесто” саҳифаларида гарчи баркамол шахс ва уни шакллантириш ғоясига доир бевосита қайдлар кўзга ташланмаса-да, мантикий мушоҳада, тагдор ишоралар, ёрқин муножотлар билвосита комилликка даъватдан акс-садо беради. Фикримиз далили учун “Кичик Авесто”дан айрим парчаларни кўздан кечирайлик. Ёзма ёдгорликнинг “Белбоғ боғламоқнинг дуоси” қисмида шундай жумлалар мавжуд: **“Эй шоҳ Мазда! Ахриман нотавон бўлсин, кўзимиз ўнгидан йўқолсин ва шикаст топсин. Ахриман дев, дуруж, жоду, дурванд, кавай, карап, золим, гуноҳкор, ашмут, душман ва пари шикаст топсин! Ёмон шахриёр нотавон бўлсин! Душман мағлуб бўлсин! Душман нотавон бўлсин! Эй, Илоҳ Ҳурмузд! Мен барча гуноҳларимдан пушаймонман ва патит қиламан (қайтаман). Мен бу дунёда айтган ё қилган ёхуд кўнглимнинг тубидан кечган ҳар нечук қабих андиша, қабих сўз, қабих амалларимдан пушаймонман”** (“Авесто”, 298-бет). Кўчирганимиз парча “Авесто” мундарижасининг нечоғлик бойлигидан нишонадир. Диний китоб унвони билан шуҳрат пайдо қилган

муқаддас асар жуда катта ҳудудда истиқомат қилган инсонлар турмуш тарзининг деярли барча жабҳаларига доир бой ва нодир маълумотларни ўзида мужассам этган. Ҳатто энг катта мавсум-маросимлардан тортиб, энг кичик расм-русумларга қадар бўлган ғоят мураккаб ва зиддиятли жараёнларнинг чизгиларини бу нодир ёзма ёдгорлик саҳифаларидан топиш мумкин. Яна бир жиҳати шундаки, ўша пароканда парчалар лавҳалардан яхлит боблару қасидаларгача – барча-барчасининг мағзида теран фалсафий мушоҳадалар тажассумини топади. Дарҳақиқат, ўша сатру жумлалардан зардуштийлик динини муқаддас эътиқод билиб, якка худога сидқан сиғинган инсонларнинг дил нидоси, бўлиқ ақлу заковати, анча такомилга етган тафаккур намуналари англашилиб туради. Шу маънода “Авесто”ни қадимий одамлар турмуш ва тақдирининг яхлит қомуси тарзида аташ ва қабул қилиш сира панд бермайди, деб ўйлаймиз. Қаранг, биргина белбоғ боғлаш пайтида қилинадиган дуода нақадар пойдор истаклару чек-чегарасиз нафрат ифодаланади. Аввало деярли барча ёвуз кучлар, ёвузликнинг “шуҳратли” намояндалари-ю, кўринишлари бирма-бир саналиб, уларга доир қатъий ҳукм эълон қилинади. Дуонинг истиғфор (тавба-тазарру) қисми, айниқса, қизиқиш уйғотади. Зардуштийлик динининг вакили (уни Зардуштнинг ўзи сифатида талқин қилиш ҳам мумкин) ягона илоҳ Аҳура Маздага қалбан муножот-мурожаат қиларкан, амалга оширган нолойиқ қилмишлари учун ундан мағфират сўрайди. Табиийки, бундай дуолар ҳар бир маздапарастнинг дили ва тилида айланган, такрор акс-садо берган. Дилдан истиғфор айтиш эса покланиш сари қўйилган жиддий қадам ҳисобланади. Демакки, баркамоллик сари юз бурилади. “Белбоғ боғламоқ дуоси” яна бир мулоҳазани ўртага ташлаш асосини беради.

Иқтибосдаги “Мен бу дунёда айтган ё қилган ёхуд кўнглимнинг тубида кечган ҳар нечук қабих андиша, яна қабих сўз, қабих амалларимдан пушаймонман” жумласи жиддий фикрлашга чорлайди. Исломий дуоларда ҳам ҳар доим эсланадиган, такрор-такрор айтиладиган: “Эй, поко, Парвардигоро! Бу дунёда билиб-билмай қилган гуноҳларим учун ўзинг

мағфират айла”, -истиффор (тавба-тазарруъ) дуоси “Авесто”дан кўчирганимиз муножотга мантиқан жуда яқин туради. Айтиш жоизки, келтирганимиз бу мисол “Авесто” ва исломий манбаларда ягона эмас ва бундай мазмунан уйғун парчаларни яна минглаб келтириш мумкин. Тилга олинган шундай ҳодиса бошқа муқаддас диний китобларда ҳам учрайди. Айрим ривоят ва ҳикоятлар Довуднинг “Забур”и, Мусонинг “Таврот”и, Исонинг “Инжил”и ва Муҳаммад алайҳис-саломнинг “Қуръон”и карим”ида кўзга ташланади (Бу ҳақда мурожаат қилинсин: Пиотровский М.Б. Каранические сказания. “Наука”, Москва, 1991; Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. Бухоро: “Бухоро”, 1994). Маълумки, Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистону Покистон каби сарҳадсиз катта ҳудудларда Ўрта асрларда юзлаб тариқатлар (покланишга олиб боровчи руҳий-маънавий йўллар) шаклланиб, деярли барча сулуклар (тариқатлар) бири-биридаги ибратли, фойдали ғояларни қабул қилиб, сайқал берган, бойитган. Аммо бири-иккинчисини ошкора, кескин, танқид қилмаган. Бу жараён эса тўхтовсиз давом этган. Бас шундай экан, “қайсидир олижаноб умумбашарий ғояни дастлаб ким кашф этди, қайси манбадан муайян диний китоб ёхуд тариқат таълимотига кўчди”, -каби саволларга дарров жавоб бериш осон эмас. Аслида бу масалани шошилиш ҳал қилишга уринишнинг ўзи тўғри бўлмайди. Чунки бундай ғоят мураккаб ишни, муаммони ҳал этиш катта заҳмат, умр, сабот, сабру чидам, кўп сонли илмий-тарихий, адабий-бадний манбаларни қиёсий ўрганишни тақозо этади. Яна шундай улкан заҳматни ўхдасига олган тадқиқотчидан сабру-бардош, совуққонлик, адабий-тарихий маълумотларни теран муқояса қилиш, илмий адолат тамойилларига таяниб ҳолисона хулосалар чиқариш каби омиллар талаб этилади.

“Белбоғ боғламоқ дуоси”нинг давоми ҳам қизиқиш уйғотади. Айрим жумлалар дуо-муножот йўналишидан қатъий қасамёд мақомига кўтарила боради. Ўзтиқодига садоқати ғоят баланд маздапараст илоҳий ишқ бобида руҳан юқорилаша бораркан, унинг тавба-тазаррусида ҳам кескин жозиба аломатлари шу қадар чуқурлашади: **“Мен ниятда, хаёлда, вужуд ёхуд**

руҳим билан –хоҳ бу дунёда, хоҳ мийну оламида – қилган гуноҳларимдан ғамдаман ва пушаймонман. Мен бу уч нарсадан –қабих андиша, қабих сўз, қабих амалдан пушаймонман...” (“Авесто”, 298-бет).

Такрор таъкидлаймиз, уволу гуноҳлардан сидқан тавба-тазарру қилиш комиллик этагини маҳкам тутган билан баробардир...

“Ахура Мазда қасидаси”да баркамол инсонга хос бўлган ноёб фазилатлар ягона Илоҳ Маъбуд тилидан қуйидагича ифодасини топади:

Мен Амалда Саркордирман,
Ҳақиқатда –Даркордирман,
Кераклидир менинг исмим,
Қудратлидир менинг исмим.
Тавонодир менинг исмим,
Ҳақиқийдир менинг исмим.
Бузруквордир менинг исмим,
Ҳукмдордир менинг исмим.
Зўр Ҳокимдир менинг исмим,
Хирадманддир менинг исмим.
Донишманддир менинг исмим,
Олисларни кўргувчи – мен,
Бу исмлар бари менинг... (“Авесто”, 168-бет).

Бутун қасида давомида Ахура Мазда номининг мазкур парчада тилга олинган сифатловчиларидан ташқари **“Музаффар, Муқаддас, Барҳат, Ҳузурбахш. Нажотбахш, Ғолиблар Ғолиби, Сўровчи, Вафодор, Ақлли, Таълимот (таълимотман), Эзгулик, Муаллим, Авлиё, Толиб, Ҳисобчи, Кўрувчи, Асрагувчи, Яратгувчи. Мулозим, Таборак, Маҳрам. Тавфиқли, Тақводор, Сезгувчи, Ниғаҳбон, Паноҳ, Огоҳ”** каби юзлаб фазилатлари тилга олинади. Эътибор қилинса, мазкур рўйхатда Якка Худога хос сифатлар билан бирга баркамол инсонга хос хислат-хусусиятларнинг ёнма-ён келганлигини пайқаш қийин эмас. Аёнлашадики, барча замонлар учун шахс ва унинг камолоти муаммолари диққат марказида тутилган. Шунингдек,

“Авесто”нинг асосчиси ҳаким Зардуштнинг барча ижобий саъй-ҳаракатлари ҳам айна мақсад йўлида хизмат қилдирилган деса хато бўлмайди. Эътирофга молик яна бир жиҳати шундаки, “Авесто”да маздапарастларнинг илму хирадга алоҳида аҳамият беришгани намоён бўлади. Ахура Мазда номидаёқ ифодаланган илмпарастлик туйғуси “Авесто”нинг ибтидосидан интиҳосига қадар бўлган жараёнда ёрқин намоён бўлади. Яна бир жиҳати шундаки, Ахура Мазданинг Эзгулик фойдасига хизмат қилишга мўлжалланган сифатлари Ахриманнинг ёвузлик йўлидаги саъю ҳаракатларига қарама-қарши қўйилади. Ахура Мазда номидаги “Ғолибларнинг Ғолиби” сифатловчисини ана шу маънода қабул қилмоқ мақсадга мувофиқдир.

Пайғамбар Зардушт ва Ахура Мазданинг савол-жавоблари шаклида яратилган “Вандидод” саҳифаларида ҳам ғоят нозик ахлоқий-тарбиявий, маънавий-маърифий масалалар атрофида баҳс юритилади. Чунончи, тўртинчи фаргарднинг биринчи бўлимидаги мана бу жумлалаларга эътибор қилайлик: **“Кимда ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирланган билан баробардир”** (“Авесто”, 116-бет). Жиддий эътибор қилайлик, жумлаларда масаланинг туб моҳияти нақадар аниқ, равон ва лўнда ифодасини топган. Шундай аниқликни шариати исломия аҳкомларида ҳам кузатамиз. Тўртинчи фаргарднинг иккинчи бўлимида ўқиймиз. Пайғамбар Зардушт савол беради: **“- Эй, дунёни яратган, Зот: Эй ҳақиқат! Қасамларнинг саноғи нечтадир? Ахура Мазда жавоб берди: -Менинг қасамларим олтига: биринчи – сўз қасами; иккинчи - қўл қасами; учинчи –қўй қасами; тўртинчи –сигир қасами; бешинчи одам қасами; олтинчи экин қасами; энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин...”** (“Авесто”, 117-бет). Бутун “Авесто” давомида, жумладан, кўчирганимиз, иқтибосда ҳам ҳосилдор, обод замин, кўркама яйлов, чорва

моллари ва мевали дарахтлар ҳақидаги ишораларга тез-тез дуч келамизки, айна жиҳатлар мазкур ёзма ёдгорликнинг чиндан ҳам ўтроқлашган деҳқончилик ва чорвачилик маданияти ривож топган аҳоли қатлами – Амударё ҳамда Сирдарё оралиғида бунёд этилгани хусусидаги қарашларни қувватлайди. Иккинчидан, “Авесто”да меҳнат тарбиясининг ҳам диққат марказида тутилганидан шаҳодатдир. Жамият аҳлининг ижтимоий –фойдали меҳнат билан банд бўлиши, ризқ-рўзи, насибасини ўз интилишлари билан топиши ҳар қандай давлатнинг катта бахти ҳисобланади. Негаки, бунда жамиятда ўғрилиқ, бировнинг ҳаққига хиёнат, безорилик каби катта-кичик жиноятлар учун вақт қолмайди. Дарвоқе, Ҳожа Ориф Моҳитобон (вафоти 1259) Ҳазратлари айна ана шу масала атрофида баҳс юритар эканлар, ёзадилар: **“Сизга Оллоҳ Таоло қай бандадан рози бўлишини айтайми? Ул кишиким, меҳнатдан келган неъматга шукрона қилур”** (Ҳаққул И. Идрок ва Ирфон. Тошент : “Маънавият”, 1998, 23-бет). Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нега тасаввуфнинг Шайху пирлари, жумладан, нақшбандия тариқати арбоблари, Шайх Ориф Ревгарий ҳазратлари ҳам меҳнатга урғу берганлар? Қўлида ҳунари бўлмаган солиқ (дарвеш –покланиш йўлини ихтиёр этган, ҳалоллик туфайли Ҳаққа етишдек пок даргоҳни танлаган инсон) нақшбандия тариқатига қабул қилинмаган? Сўроқ ва жавоблар эса яқин ҳамда лўндадир. Пок яшаш, ҳалол ейиш учун эса кунлик насиба манбаи бўлиши лозимдир. Марҳамат, мушоҳада қилиб кўрайлик. “Авесто”да гарчи бот-бот шахс камолоти ва ўша даргоҳга қадам қўйиш ҳолатига эга инсонлар ҳақида ишоралар кетмаса-да, масаланинг туб моҳияти –меҳнатни шарафлашга алоҳида урғу берилади. “Омонатга хиёнат қилмаслик” бобидаги қатъий таъкидларни ҳам ана шу маънода қабул қилиш зарур, деб ўйлаймиз. Тўртинчи фарғарднинг иккинчи бўлимида юқорида санаганимиз қасамларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида шарҳлар, изоҳлар берилади ва қасамни бузганларга нисбатан кўриладиган чоралар айтилади. Муҳими шундаки, мазкур қасамлар бири-иккинчиси билан узвий алоқадорликда қаралади ҳамда белгиланадиган жазо жараёнида ҳам юқорида тилга олинган

тамойилга амал қилинади. Шу муносабат билан “Авесто”да ўқиймиз: **“Кимда-ким сўз қасамини ёлғиз сўзнинг ўзи деб тасаввур этса, уни қўл қасами билан тузатиши ва қўл қасамининг тавонини тўлаши керак. Қўл қасамини қўй қасами билан тузатиши ва қўй қасамини унинг ўрнига бериши керак...”** (“Авесто”, 117-бет). Алқисса, занжир ҳалқалари сингари қасамлар бир-бирига мантиқан уланиб боради ва бунинг учун мустаҳкам ички бир низомга қатъий риоя қилинганлиги ҳам англашилади. Бундай пишиқ ишланган қонун-қоида учун донишманд пайғамбар Заратуштра ҳамда унинг зариф тарафдорларига тасаннолар айтгнинг келади. Масаланинг содир этилган гуноҳ учун жазо бахшига қайтайлик. Олдиндан айтиб қўйишимиз лозим, бу борада ҳам юқорида кўрганимиз тамаойилларга оғишмай риоя этилади. Айрим мисолларга мурожаат қилайлик: **“Эй, дунёни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Кимда-ким сўз қасамини бузса, бу гуноҳ учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир? Аҳура Мазда жавоб берди: – Унинг (яъни гуноҳкорнинг - Р.В.) ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг уч юзтасига тенгдир”** (Ўша китоб, ўша бет). Тўғри, булар ҳали ҳаммаси эмас. Йўл қўйилган хато, содир этилган жинойт (ёхуд гуноҳ) учун қўлланиши керак бўлган жазонинг давоми ҳам бор. Уларни кўчиришдан олдин юқоридаги иқтибослардаги баъзи ўринларга айрим аниқликлар киритишга уриниб кўрайлик. Аввало, “Гуноҳлар занжири” хусусида: муайян маздапараст қайсидир масалада аҳд қилиб, сўз берди, аммо унинг устидан чиқа олмади, шундай пайтда табиий равишда иккинчи қасам ўртага чиқади (буни жойлаштирадиган бўлсак, мен эртага келиб, бир таноб ерни ағдариб беришга сўз бердим. Аммо сўзимнинг устидан чиқа олмадим. Қасам бузилди, мен гуноҳимнинг товони учун бир қўй ваъда қилдим, бўлмади, сигир... Яъни гуноҳ катталашиб боргани сайин, тўланадиган товон ҳам йириклаша боради). Қилинган гуноҳ учун “Энг яқин қариндошлари” алоқадорлиги масаласида “Авесто”нинг “Изоҳлар” бўлимида ёзилади: **“Буюк ривоят”** китобида келишича гуноҳ юки ёлғиз гуноҳкорнинг (қариндошларининг эмас) елкасига юкланган. Матнда уч

юздан мингга довур ошиб борган баҳо китобда гуноҳкор руҳини дўзахда кечирган йиллари деб талқин қилинган” (“Авесто”, 339-бет). Фикримизча, изоҳнинг биринчи қисми баҳсталабдир. “Буюк ривоят” китобида ўшандай ёзилиши мумкин. Бирок, “Авесто”да шахс ва жамият, тарбия ва унинг масъулияти каби ўта муҳим масалалар назарда тутилган. Оилада тарбия кўраётган қиз қандайдир гуноҳга қўл ураркан, ундан она ва шундай ҳолат ўғилда юз берса ота (ёхуд волидаин – ҳар иккалалари ҳам) беҳабар қолиши мумкин эмас.

Бу майдонни кенгайтириш-опа-сингил, ака-ука ҳақида ҳам гапириш мумкин. Муҳими, ножўя ҳаракатдан воқиф инсон унинг олдининг олинисига, албатта ҳисса қўша олади. Иккинчидан, фарзанд тарбияси учун жамият олдида масъулият юки ота-она зиммасида-ку? Қуръони каримда ҳам шу мавзуга доир қайдлар мавжуддир. Алқисса, “Авесто”даги талабни ўз маъносида қабул қилиш зарур. Дарвоқе, Тошкентда содир бўлган ўн олтинчи февраль воқеалари ва нотўғри йўлга кирган ёшларни авф этиш муносабати билан куюнчаклик ила мазмундор нутқ сўзлаган мухтарам Юртбошимиз ҳам масаланинг ана ўша жиҳатига эътиборни қаратган. Яъни ўғил ўз Она-Ватанига хиёнат йўлига кирар экан, бунинг учун биринчи навбатда унинг отаси ҳам гуноҳкордир! Чунки ҳеч ким ва ҳеч нима жамиятдан ташқарида фаолият кўрсата олмайди! Такрор айтамикки, ана ўша маънода “Авесто”даги талаблар ғоят ўринли ва улар бугунги тарбиямиз, шу масалага доир қонунчилик асосларини ишлашда асқотади.

Сўз қасамини бузганлиги учун қўлланилиши лозим бўлган жазолашга доир баҳсни давом этаркан, Зардушт ягона илоҳ Ахура Маздадан сўрашда давом қилади: “-Эй, дунёни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳнинг жазоси нечук? Ахура Мазда жавоб берди: -Уч юз қамчин аспаҳиҳ – ашатра билан, уч юз қамчин саравушу –чарана билан саваланади” (“Авесто”, 117 - бет). Алқисса, ҳар бир қасам ва унинг бузганлиги учун ана ўшандай қатъий ва кескин жазолар тавсия қилинади.

Давлатда жамиятда қонунлар қанчалик пишиқ ишланган бўлса ва улар ҳаётда нечоғлик қатъият билан қўлланилса, интизом шунчалик мустаҳкам, юрт фаровон бўлади. Ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган Она-Ўзбекистонда ҳам қонун ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Олий Мажлисида икки палатали тизимни жорий этиш учун Президент И.А.Каримовнинг кўрсатаётган ташаббус ва шижоати ана ўша улуғвор мақсадни амалга оширишга қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир...

Бизнинг “Авесто” атрофидаги қайдларимиз муҳтарам ўқувчиларга фалсафага даҳлсиз, муаллақ, мулоҳазалар тарзида кўриниши мумкин. Зикри ўтган шубҳанинг олдини олиш ниятида сўз навбатини Абу Наср Форобий ҳазратларига бериш маъқул кўринди. Аллома “Философиянинг маъноси ва келиб чиқиши” рисоласида ёзади: **“Фалсафа таъбири грек тилидан олинган бўлиб, аслида философия деган сўздан келиб чиққан. Грек тилида у икки сўздан ташкил топган: фило-тақдирлаш, софия эса-ҳикмат. Философ сўзи шу маънодан олинган бўлиб, ҳикматни тақдирловчи деган сўз, грекча филсофосдир. Философнинг ҳаётда мақсади ҳикматга берилишдан иборат”** (Абу Наср Форобий. Рисолалар. “Фан”, Тошкент, 1975, 130-бет). Муаллими сонийнинг (Форобийнинг) қатъий таъкидига кўра, “фалсафа” сўзи дастлаб Аристотел (“Муаллими аввал”) вафот этгандан кейин грек подшолари замонида Искандарияда шуҳрат пайдо қилган. Касбдош биродарларимиз бизни маъзур тутсинлар, рисоладан талабалар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкинлигини назарда тутиб, айтиш парчаларни келтиришни лозим топдик. Иккинчидан, ҳикмат манбаи “Авесто” (кейинги саҳифаларда бошқа адабий-бадий манбалар) ҳақида ёзишнинг фалсафага даҳлдор эканлигини яна бир қарра таъкидлаш учун ҳам Абу Наср Форобийга мурожаат қилинди...

Зардуштнинг Ахура Мазда билан савол-жавобларида ўртага қўйиладиган мавзу-масалаларнинг доираси ҳам кенгайиб боради. Чунки ҳар қандай дин ва таълимотлар сингари Зардуштийликнинг ҳам бош мақсад-

муддаоси одамларни итоатда сақлаш, ёвузликдан муҳофаза қилишдир. Бас шундай экан, “Авесто”да (жумладан, бошқа илоҳий –диний китобларда ҳам) инсон турмуш тарзи барча жабҳаларининг камраб олинishi табиийдир. Зардуштнинг Ахура Мазда билан қилган қуйидаги савол-жавобида ҳам айна ана ўша майлни ҳис қилиш қийин эмас. Зардуштнинг илтижо – муножотларини тинглаган Ахура Мазда унинг ҳақида (Зардушт ҳақида) шундай некбин мулоҳазаларини баён этади: **“Кимда – ким Ашаҳ – Ҳақиқат сиймосида Зардуштнинг буюк орзуси –янги жаҳон қуриш матлабини чиндан қўлласа ва уни амалга ошириш учун оёққа қалқса, абадий ҳаётга қовушади ва бу мураккаб тубанлик оламида неники истаса ўшанга муяссар бўлади”** (“Авесто”, 24-бет). Дарвоқе, ҳаким Зардушт улуғвор ғоя билан – янги жаҳон тузиш мақсади билан туғ кўтаради. Ягона илоҳ Ахура Мазда эса унга хайрихоҳлик кўрсатишдан ташқари, пайғамбар Зардуштни қўллаб-қувватловчиларга катта ваъдалар (абадий ҳаёт) беради. Ўз навбатида Зардушт томонидан қилинадиган илтижо – **сўровларнинг майдони ҳам кенгая боради. Муҳими, ўша муножот- мурожаатларнинг мағз-мағзида инсонпарварлик, уни ҳалокат ёқасидан қайтариш, поклаш, комиллик даргоҳига етаклаш туйғуси яшириндир. “Эй, Мазда! Тарбия қилгувчиларинг учун аталган поёнсиз меҳр-муҳаббатингни ато айла. Сенинг ўғит-пандларинг, ҳидоят ва маърифатинг қаерда? Ашаҳ-Ҳақиқат имдодидан баҳраманд бўлган қудрат соҳиби қаерда? Сипондормаз қаерда? Эзгу Ният қаёқда? Қаёқда Оламнинг Шаҳриёри?”** (“Авесто”, 29-бет). Кўринадики, ҳар бир сўроқ замирида теран мазмун мужассам. Одамнинг табиати ажиб. У ҳамиша изланишда, тубсиз дунёнинг сирру синоатларидан имкон қадар кўпроқ билишни истайди. Айна фазилат пайғамбар Зардушт атворида ҳам мужассам. Ғоявий-маънавий раҳнамо мақомида у диндошларига фақат яхшиликни соғинади. Қаранг, У ягона Раҳнамодан нималарни илтижо ила сўрайди: **“Мен Сендан ўтинаман ва ушбуларга жавоб истайман, Эй, Ахура! Сенга**

намозу ниёз келтиргувчи амали солих, хирадманд, адолат ва ростлик соҳиби, кечиргувчи ва қудрат эгаси бўлмиш йўлбошчи қандай қилиб Ашах-Ҳақиқат нурлари остида жаҳон аҳлини олға бошлай олади ва уни маъмур айлайди?” (“Авесто”, 29-бет). Парча таржимасида қандайдир ноқислик сезилади. Шунда солих фазилатлардан кейинги савол ноўриндай туюлади. Қандайдир сўз ёхуд жумла тушиб қолган кўринади. Парчада тилга олинган хислат-хусусиятлар баркамоллик белгиларидирки, пайғамбар Зардушт айни ана ўшаларни диндошларнинг табиатида бўлишини орзу қилади...

“Авесто”да аёллар, маиший масалалар ёритилган ўринлар ҳам кам эмас. Бу жиҳатдан “Аша қасида”си катта қизиқиш уйғотади. Аша –Аҳура Мазданинг суюкли қизи, қасидада у “улуғ ҳокима, кучли, қудратли, эзгулик ва саломатликнинг ҳадя этувчиси, фарзона, нажоткор, сахийлик ва инъом соҳибаси” каби сифатловчилар билан тилга олинади. “Туғма ақл, туғма зеҳн”и билан Аша диндошлари ўртасида катта эҳтиромга сазовордир. Қасидада беғубор Аша шарафига айтилган шундай сатрларни зўр шавқ ва қониқиш билан ўқиймиз:

Эрларига берадирсан сен
Бадавлат мулк
Ва тўшовли ўрин-жойлар ҳам,
Бойлик-бисот берарсан кўплаб,
Келар бўлсанг кимнинг ортидан.
Сер эргашган кимсага, Аша,
Олқиш бўлсин,
Мақтовлар бўлсин,
О, қудратли, фаровон Аша.

Келгил, ҳамроҳ бўлгил, менга ҳам (“Авесто”, 209-бет).

Кўчирганимиз иқтибос сатрлари бағрига сингдирилган ҳайрат – ҳаяжон ҳар қандай китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди. Инсон умри давомида моддий ва маънавий бойликлар илинжида умргузаронлик қилади.

Шундай туйғу “Авесто” бунёд этилган йилларда бу фоний дунёда яшаб ўтган Одам Ато зурриётларини ҳам , четлаб ўтмаган. Қасида аёллар руҳий оламини бадий акс эттиришга қаратилганлиги ва бутун бошли асарнинг Ашага бағишлов сифатида дунёга келганлиги, мисраларга оналар орзу – ўйларининг ёрқин ифодаси учун кенг йўл очган. Шунинг учун ҳам, Ашага мурожаат – муножот қилган аёллар ундан ўз эрларига беҳисоб мол – мулк, ҳосилдор ва кўкаламзор ерлар , кенг адиру яйловлар, салобатли ҳамда кўркам гўшалар инъом этишини сўрашади. Қасида бандлари охирида эса: “О, қудратли, фаровон Аша, Келгил, ҳамроҳ бўлгил, менга ҳам” мисралари нақорат тарзида ўзгаришсиз такрорланиб некбин кайфиятни янада жилолантиришга хизмат қилган.

Қасидада Аша баҳонасида “Авесто” бунёдга келган сарзамин одамлари ҳаётининг маиший жиҳатлари ҳам ифодасини топган. Уларнинг турмуш тарзи, уй-рўзғор тутиши, жиҳозларига доир ишоралар қизиқиш уйғотади: **“Олтин оёқ ётоқларида, Кўнгиллидир, ғоят тартибли, Ёстиклари кўпдир жуда ҳам”** (Ўша асар, ўша бет). Қуйидаги сатрларда юқорида қайд этилган жараён тасвири янада ривожлантирилади:

Ва суюмли хотинлари ҳам
Ўлтирадир ётоқда хушрўй,
Тартиб билан терилган сўлим
Ёстиклари-да!
Олтинлари порлар уларнинг,
Порлар зебу зийнатлари ҳам.
Билакузук, шода мунчоқлар,
Тўрт қиррали сирғалар тақиб
Бир-бири-ла сирлашадирлар:
“Қачон келар хўжайинимиз?
Қачон роҳатланурмиз суюб,
Суюмли тан лаззатларидан?”
... О, қудратли, фаровон Аша,

Келгил, ҳамроҳ бўлгил, менга ҳам. (Ўша бет).

Биринчи иқтибосда эрларининг турмуш ташвишларига омаду зафарлар тилаган аёллар, кўчирганимиз мисраларда эса ўзларининг ҳис – хаяжон ва маиший – шахвоний туйғуларининг рўёбга чиқишини бунёдкор Ашадан илтижо ила сўрашни ҳам унитишмайди. Шеърини сатрларни ўқиган китобхон кўз ўнгида навқирон келинчақ ва у яшаётган кўркем хонадон манзаралари гавдаланади. Халқимиз удумидан аёнки, инсон қисматида келинчақлик онлари энг бахтиёр ва такрорланмас даврлар ҳисобланади. Унда хонадон бисотидаги барча нарсалар кўз – кўз қилинади. Энг гўзал ва нодиру қимматбаҳо буюмлар – тақинчоқу, зебу – зийнатлар, сара матолар келинга раво кўрилади. Донишманд аждодларимиз томонидан ижод этилган “Уйни палос, келинни либос безайди” мақоли ҳам ана ўша нотақрор айём манзараларини хотирга келтиради. “Авесто”дан кўчирилган иқтибос замирида ҳам, ўша мақолнинг мазмун моҳияти ётади, деса хато бўлмайди. Аёлларга нисбатан ишлатилган “хушрўй” сифатловчиси мисраларга зеб бағишлаган. Бир сўз билан айтганда, қуда-қудағайларнинг баҳсма-баҳсига иш тутишиб, барча маҳоратларини ишга солишлари мисралар оҳангидан равшан бўлиб қолади. Таъкидлаш жоизки, бугун ҳам шарқ халқлари урфиятида амалда бўлган ўша нодир анъаналар теран илдизларининг “Авесто” ижод этилган йилларга бориб туташини аёнлашади ...

Яна элшунос учун ғоят бой маълумотлар берувчи юқоридаги мисралар бадий нафосати, равонлиги, аёллар руҳий-нафсоний дунёсини содда, халқона, бўёқдор ифодалаши билан аҳамиятлидир. Бундай назокатли манзум ҳамда мансур парчалар “Авесто”нинг яна бир қиррасини шоён эта олади. Мазкур ўлмас ёзма ёдгорликни бадий наср ҳамда назмнинг гўзал намунаси сифатида қараш ҳуқуқини беради. Маздапарастларнинг қатъий эътиқодича, фоний оламда боқий тириклик ҳам мавжуддир. Буни қуйида кўчириладиган шеърини парча мисолида аниқ кўришимиз мумкин:

Эзгу фикрат хаёлида,

Эзгу калом хаёлида,

Эзгу амал хаёлида,
Олқиш Уйи хаёлида.
Ёруғ йўллар аро еларкан
Мангуликка элтгувчи фуруғ.
Ахура Мазданинг ижоди
Улар—асл яратгувчилар.
Бунёдкорлар ва асрагувчилар,
Ҳомий ва ҳимоятгарлар.
Улар хоҳиш-иродаси билан
Мавжудотни ҳаётга чорлар,
Мангуликка, безаволликка,
Хазон билмас, чиримас абад
Тирикликка бошқарадилар...
...Фақирларни боқишар улар (“Авесто”, 216-бет).

“Ҳуварно қасидаси”да ҳам “Аша қасидаси”да бўлганидек, эзгулик ва унинг тарафдорлари, шундай улуғ неъматнинг асосчилари мадҳ этилади. 12-банддан ва ҳар банди 6, 8, 13 (ва ҳоказо) сатрлардан таркиб топувчи қасиданинг таянч мавзуи – эзгулик ва ижтимоий фойдали меҳнатни улуғлаш ҳисобланади. Бундай майлни юқорида кўчирганимиз парчада ҳам ҳис қилиш қийин эмас.

Ғуж-ғуж фалсафий мушоҳада ва мажозийликка йўғрилган кўчирганимиз сатрлар бадиият нуқтаи назаридан ҳам диққатни тортади. Тўғри, “Авесто” парчалари бадиияти ҳақида дадил гапириш қийинроқдир. Чунки, бизнинг қўлимиздаги матн таржимадан таржимадир. Масаланинг бу жиҳати баҳс уйғотмайди. Бизнинг хоҳиш ва иродамизга боғлиқ бўлмаган равишда ҳар бир таржима жараёнида аслият назокатининг маълум қисми сояларда қолиб кетиши муқаррардир. Шундай бўлишига қарамай, таҳлил этилаётган сатрлар биринчидан, мутаржимнинг (Асқар Маҳкамнинг) катта ижодий заҳматидан сўзласа; иккинчидан, “Авесто” матнининг ширингина бадиий завқидан ҳам шаҳодат беради...

ИНТИҲО

“Инсоннинг вазифаси, - ёзади шайх Азизиддин Насафий “Зубдатул-хақойиқ” асарида—узлуксиз маърифатга интилиш ва нур билан (қалбни) тўлдириш ва илм топиб, мусаффолик сари интилишдир” (21-бет).

“Авесто” саҳифаларидан Сиз билан баҳам кўрганимиз лавҳалар Маздапарастларнинг ҳам армонли қалбларида ўшандай туйғу устувор эканлигидан сўзлайди. Дарҳақиқат, ҳазрати Инсон бу залворли дунёда ҳамиша ниманидир қўмсаб, унга интилиб яшайди. Аксарият инсонларнинг орзулари меҳварини Эзгулик, ёвузликни маҳв этишга интилиш ташкил этади, деса сира хато бўлмайди. “Авесто” саҳифаларидаги битиклар бизни шундай қатъий хулосага олиб келди. Мазкур ёзма ёдгорлик маънавий—маърифий оламнинг бетакрор баҳри кабиридир. Биз ундан бир неча томчи олишга улгурдик, холос. “Авесто” саҳифаларидаги панду ҳикматлар дийдаларимизга нур, қалбларимизга мунавварлик бахш этади, бизнинг руҳан-маънан покланишимизга ҳисса бўлиб қўшилади.

Президент И.А. Каримов таъкид этганидек: **“Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим”** (Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1996, 283-бет). Ўшандай нодир, маънавий манбалардан бири, шубҳасиз, “Авесто”дир. Уни мутолаа қилиш, ундан ўрганиш ва умумбашарий ғояларидан баҳраманд бўлиш миллий истиқлол мафкурасини бойитиш йўлида муносиб ҳиссадир.

ИККИНЧИ ФАСЛ

АРМОНГА АЙЛАНГАН АДАБИЙ ОРЗУЛАР...

Дебоча

Алишер Навоийнинг умр дафтари хусусида безътибор ва хиссиётга берилиб мушоҳада юритиш мутлақо раво эмас. Негаки айна саҳифаларнинг ҳар бири тубсиз уммонни эслатади. Ўша саҳифаларни бунёд этган сатрларга сиртдан қаралса, сокин манзарани эслатсада, уларнинг ботинидан жумбушли оқимнинг жилваси намоён бўлади. Чунки зикри ўтган мисра-ю, жумлаларнинг замирида олам-олам маъно жавоҳиротлари мужассам. Улуғ шоир яшаган давр биздан узоқлашгани сайин унинг маънавий меъроси бағридан жой олган ва бағоят теран ишораларда сингдирилган жумбоқлар ҳам кўпайиб боришда давом этади...

XX асрнинг 90-йиллари эди. Юқорида эслатганимиз ҳақиқатга суяниб Алишер Навоийнинг асарларини яна бир қарра назардан ўтказишга, улуғ бобокалон адиб таваллудининг 550-йиллигига нималардир ёзишга ҳозирлик кўра бошладик. Аёнлашдики, унинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Лисонут-тайр” асарлари бағрида бир қатор адабий ҳамда ҳаётий орзулари тажассумини топган экан. Бу ҳақда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист ва шоир Жаҳонгир Исмоилов билан бўлиб ўтган суҳбату баҳсларимизда фикрлашдик. Ўша қайдларни қоғозга тушириб, дастлаб “Бухоро ҳақиқати” рўзномасида эълон қилдик. Кейинчалик мазкур суҳбат ушбу сатрлар муаллифининг китобидан жой олди...²

Орадан 18 йил ўтди. Улуғ шоирнинг юқорида тилга олинган асарларидаги ишораларнинг қайта-қайта мутолааси эса менга тинчлик бермасди. Ва ҳар гал ўша фикрларга муносабат билдиришга ундар эди. Ниҳоят, буюк мутафаккир таваллудининг 568 йиллиги олдидан муносиб тўёна ҳозирлаш туйғуси яна жунбушга келди. Ва “Армонга айланган “адабий

² Р. Воҳидов. Алишер Навоий ва илоҳиёт. Бухоро, 1994 й, 191-201 бетлар.

орзулар” сарлавҳали ишнинг туғилишига йўл очилди. Унда “Зубдат ут-таворих” асарининг ёзилмай қолган Султон Ҳусайн Бойқаро даври тарихи қисми, “Юсуф қиссаси” улуғ шоирнинг номурод муҳаббати ҳамда муаллифнинг ана ўша ишқий саргузаштига доир яратилиши режалаштирилган дoston каби ғояю мавзуларни ёритишга ҳаракат қилинди. Айни мулоҳазаларимиз сизнинг Алишер Навоий ҳақидаги тасаввурингизнинг бойитилиши йўлида хизмат қилишидан умидворман, мухтарам ўқувчи!

МАСНАВИЙ БАҒРИДАГИ ЖУМБОҚЛАР

Самарқандда, мусофиратда юрган навқирон йигит ёшидаги Алишер Навоий устози, отахони дарвеш Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърини мактубида қуйидагиларни дард ва армон билан таъкидлайди:

Вафо анга пеша, сахо анга фан,
Вафову сахо кони Саййид Ҳасан
Мангаким, видодига хурсандмен,
Жанобингга шогирду фарзандмен
Ғами етти чархи жафопешадин,
Ҳамул анжуми хориж андешадин.
Ки, бўлмоқ ватан ичра душвор эди,
Кўнгулга жало дафъи озор эди.
Сафар тушти оллоимға беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр?! ¹

Кўчирилган иқтибос замирида омехта келган дард ва алам туйғулари моҳиятини етарли англамоқ учун салоҳиятли шоир ҳаётининг XV – асрнинг 50-йиллари даврига андак дахл қилмоқ зарур кўринади. Ҳирот пойтахт Хуросон давлати тахтини қўлга киритган Абулқосим Бобур Мирзо

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. III том. – Тошкент, “Фан” -1988. 526-527 б. Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу нашрдан олинади ва тегишли жилд ҳамда саҳифалар матндан кейин қавс ичига кўрсатиб борилади.

³ Бу ҳақда муфассал маълумот учун мурожаат қилинсин. Р. Воҳидов. Навоийнинг икки дурдонаси. Тошкент Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 1992 12-34- бетлар

адолатпеша ва маърифатпарварлиги билан замондошлари эътиборини қозонган.

Айни фазилати туфайли у, устоз Садриддин Айний ибораси билан айтганда ёш Алишер ва Ҳусайн Бойқарони ўз тарбиясига олади. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Баҳодирни эса, Сарбадорлар ҳаракатининг қароргоҳи – Сабзавор вилоятига ҳоким қилиб юборади. Мумтоз манбаларнинг шаҳодатига кўра, 1456-йилда Ғиёсиддин Баҳодир фоний дунёни тарк этади. Бир йилдан кейин эса тахт ҳукмдори Абулқосим Бобур мирзо ўз қароргоҳини Машҳадга кўчиради ҳамда Алишер ва Ҳусайн Бойқарони ўзи билан бирга Хуросон давлатининг йирик ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий марказларидан бири бўлган Маҳшадга олиб боради. Ўша йилнинг ўрталарига келиб, тождор тўсатдан вафот қилади. Табиийки, бундай фожеа Хуросон тахти учун сиёсий жанглارнинг авж олишига йўл очади. Азалдан тахт илинжида бўлган Ҳусайн Бойқаро кўшин тузиш ва сиёсий жангларда иштирок этмоқ ниятида Маҳшадни тарк этади. Алишер Навоий эса эслатилган илмий-маданий марказда қолиб, ўқиш – ўрганиш ва бадиий ижод билан шуғулланишда давом этади. Буюк мутафаккирнинг ўз асарлари ва тарихчи замондошларининг қайдлари шаҳодатича, у 1459 -1460 йилларда она шаҳри Ҳиротга қайтади. Нақшбандия тариқатининг Хуросон давлатидаги муршиди комили Нуриддин Абдурахмон Жомий этагини тутати. Ва ундан илоҳиёт ҳамда тариқатнинг сир асрорларини теран ўрганишга киришади. Жиддий сиёсий жанглар натижасида 1459 – йилда Хуросон тахтини эгаллаган Абу Саид Мирзо Самарқанд пойтахт Мовароуннаҳр давлатини ўғиллари Султон Аҳмад ҳамда Султон Маҳмуд Мирзоларга қолдириб, қароргоҳини Ҳиротга кўчиради. Тарих саҳифаларида золим ва жоҳил ҳукмдор мақомида ном қолдирган, Абу Саид Мирзо салоҳиятли қаламкаш сифатида шуҳрат қозона бошлаган Алишер Навоийга ҳам ғараз назари билан қарай бошлади. Унинг отасидан қолган мол-мулкни мусодара этади. 1465 йилда эса Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибораси билан айтганда уни Хуросондан “ихрож” (сургун) қилади.

Абу Саид Мирзо саройида мухрдор лавозимида фаолият кўрсатаётган амир Низомиддин шайх Бахлулбек (Алишернинг катта акаси) иниси ва тождор ўртасидаги низолардан ўзини четда тутди. Бу воқеадан каттиқ ранжиган Алишер Навоий ўша сабабга кўра бўлса керак, оғаси ҳақида дадил ва аниқ маълумот беришдан сақланади. “Мажолис ун-нафоис”дагина бир муносабат билан шайх Бахлулбек номини тилга олиш билан чекланади. (Р. Воҳидов. Алишер Навоий ва илоҳиёт. 193-бет). Шу ўринда икки кичик лавҳага аниқлик киритиш лозим кўринади. Аксарият навоийшунослар шоҳ ва шоир ўртасида низонинг кучайишига бош сабаб қилиб Хадича бегимни кўрсатишади.

Бу фикрга хайрихоҳлик қилиш қийин, чунки ихрождан анча илгари Абу Саид Мирзо Хадича бегимни ўз никоҳига олган эди. Фикримизча, бундай зиддиятнинг бош иддаосини сиёсий воқеалардан изламоқ маъқул. Чунки Хуросон тахтининг бош даъвогари сифатида шиддатли жанглар олиб бориб, Абу Саид Мирзони таҳликага солаётган Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг мактабдоши, яқин дўсти эди. Ҳирот тождори нигоҳида эса, иқтидорли шоир Ҳусайн Бойқаронинг Ҳирот ичидаги жосуси бўлиб кўринган. Юқорида эслатганимиздек Алишер Навоийнинг улуғ оғаси Амир Низомиддин Шайх Бахлулбек Абу Саид Мирзо давлатининг мухрдори эди. Шунинг назарда тутиб унга ўзга чора белгилашдан кўра шоҳ, шоирни Хуросондан узоқлаштириш тадориғини кўрган ва табиийки уни ўз ўғиллари назорати остига, Самарқандга юборишни лозим топган. Тўғри, мумтоз манбалар, жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ихрож жойини кўрсатишмайди. Сургун билан алоқадор қонун қоидалар эса шундай хулосага келиш асосини беради. Кутилмаганда фармоний олийни олган ва карвон билан Ҳиротдан Самарқандга жўнашга мажбур бўлган шоир сафдош дўстлари, жумладан, ота мақомидаги қадрдони дарвеш Саййид Ҳасан Ардашер билан ҳам хайрлашишга улгурмаган.

Сиёсий маҳбус сифатида Самарқандга келган Алишер Навоий атрофидагиларнинг ҳар лаҳзада унга шубҳа билан қарашларини ҳис этган ва

руҳан эзилган. Бундай тангликнинг Алишер Навоий ҳаётининг моддий жиҳатларида ҳам юз берганлиги хусусида замондошларининг асарларида кўпгина ишоралар кўзга ташланади. Жумладан, Алишер Навоийнинг кичик замондоши шоир ва тазкиранавис Фахрий Ҳиротий “Латоифнома”да улуғ шоирнинг ҳатто ҳаммомда ювиниш учун сариқ чақаси ҳам бўлмаганлигини таъкидлайди³.

Шу каби сабабларга кўра, улуғ шоир Саййид Ҳасан Ардашерга мактуб билан мурожаат қилишга мажбур бўлган. Отахон ва устоз мақомидаги дарвеш эса ўз навбатида Самарқандда яшаётган нуфузли кадрдонлари Хожа Аҳрори Вали ҳамда фақеҳ Фазлуллоҳ Абул Лайсийларга мурожаат этган, кўринади. Шунинг учун бу икки саховатпеша инсон истеъдодли шоирни ўз паноҳларига олган. Навоийшуносликка доир тадқиқотлардан анча пишиқ хабардор бўлган ёзувчи Музаффар Мирзо “Паноҳ” қиссасида масаланинг туб моҳиятини Хожа Аҳрори Валий ҳамда Фазлуллоҳ Абулайсларнинг истеъдодли шоирнинг ўз муҳофазаларига олганлигини тўғри бадий талқин этган. Юқорида эслатганимиз шеърӣ мактубда ички руҳӣ изтироб ва ифтихор туйғулари омехта келган мана бу сатрларни ҳам ўқишимиз мумкин.

Рақам қилди фархунда “Шоҳнома”е,
Ки, синди жавобида ҳар хомае
Мусалламдурур зоҳиран бу иши,
Ки, маъразға келмайдурур ҳар киши
Деди ўз тили бирла ул кони ганж:
Ки, си сол бурдам ба “Шоҳнома” ранж
Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур анча ҳақ лутфидин қувватим.
Ки, ҳар неча нутқ ўлса коҳилсарой,
Битигайлик ўттуз йилин ўттуз ой,
Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,

³. Бу ҳақда қаранг: Р.Воҳидов “Мажолис ун-нафоис таржималари”. “Фан”, Тошкент – 1984. 32-саҳифа

Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.

Вале айт деб, ким манга тутти юз,

Ки мен юз учун демадим икки юз (III том, 529-30).

Кўчирганимиз бадий баркамол мисралар бағрида келган тагдор ишоралар ҳам муайян изоҳларни талаб қилади. Алишер Навоийнинг таржимайи ҳолидан маълумки, у Самарқандда яшаган 1465-1469 йилларда жиддий йирик асар ёзган эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, бир кунда юз ёхуд икки юз байт шеър айтиш унга ҳолва ейиш билан баробар кўринган. Яна буюк Фирдавсий ўттиз йилда бунёд этган олтмиш минг мисралик “Шоҳнома”ни ўттиз ойда ёзиш қўлидан келишини таъкидлайди. Албатта, булар шунчаки ҳавойи гаплар эмас, 1465-1466 йилларда Алишер Навоий ижоди муҳибларининг Машҳадда унинг шеърларини тўплаб, девон тартиб беришлари ҳам ўша даъволар замирида ҳақиқат ётганлигидан сўзлайди. Эслатганимиз, тўплам навоийшуносликда “Илк девон” деб юритилади ва уни “ҳаттотлар қиблагоҳи” (Алишер Навоийнинг ўз ибораси) Султонали Машҳадий томонидан кўчирилиши ҳам, юқоридаги фикримизни қувватлайди⁴. Гап шундаки, Алишер Навоий учун туркий халқлар адабиётида мавжуд бўлмаган янги анъаналарни шакллантириш, аниқроғи, Низомий Ганжавий “Панж Ганж”ига жавоб айтиш бош мақсад эди. Бундай қутлуг ниятни юзага чиқармоқ учун эса, шарт-шароитлар, муайян тайёргарликлар лозим эдики, Алишер Навоий Самарқандда, айна ўшалар билан машғул бўлган.

Яна Низомий Ганжавий бешлик туркуми таркибидан ўрин олган дostonларда бадий талқинини топган воқеалар тизимининг исломгача бўлган даврдан олинганлиги ҳам мазкур жабҳада қалам юритмоқчи бўлган ижодкордан катта масъулият ва етарли илмий тайёргарликни кутарди.

Алишер Навоий айна ижодий машаққатларни қалбан ҳис қилган ва уларни тафаккур доирасидан узоқлаштирмаган. 1469-йилда Ҳирот пойтахт

⁴ Мазкур девоннинг факсимал наشري навоийшунос, профессор Ҳамид Сулаймон томонидан А. Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан уч минг нусхада амалга оширилган: А. Навоий. Илк девон. – Тошкент: ЎзФА нашриёти “Фан” Тошкент 1968.

Хуросон тахтини эгаллаган навқирон тождор Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг махсус давлат “Маншури” (Алишер Навоийнинг ўз ибораси) юборган мулозиму от-уловлари ёрдамида Самарқанду Ҳирот ўртасидаги бир ҳафталик карвон йўлини босиб ўтиб, киндик қони томган она шахрига қайтади. Тарихий манбалар, жумладан, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи) китобида (Фан, Тошкент, 1969 й) Ҳирот ва Самарқанд ўртасидаги бир ҳафталик карвон йўлининг Авғонистоннинг Андахуди ва Амударёнинг Термиз кечуви орқали Қарши, Деҳқонобод тизма тоғлари, Шаҳрисабз ва Омонқўтон айланма йўлидан ўтиб, Самарқандга борилганлигини таъкидлайди. Қайтишда ҳам ўша йўлдан юрилган. Темурийлар ҳукмронлиги даврида асосий карвон йўли ана ўша ҳисобланган. Алишербекдай заковатли дўстининг бағрига қайтганидан қувонган подшоҳ уни давлат идора ишларига жалб этади. Унга муҳрдор, Хуросон давлатининг вазири аъзамидай юксак вазифаларни ишониб топширади. Айни жараёнлар Нақшбандия тариқатида таъкидланганидек, илму-амал омехталигини таъмин этган. Бир сўз билан айтганда буюк мутафаккирга ўқувчилик давридан бошлаб, 1483-йилга қадар қат-қатига чўмган тарихий ҳодисаларни сарой муҳитидаги зиддиятли ҳаёт билан тафаккур мезонида тортиб кўриш имконияти туғилади.

Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сидаги дostonларда ҳаракат қилувчи подшоҳу-подшоҳзодалар, мулозиму мусоҳиблар образини тўлақонли акс эттириш ҳам ана ўшандай ижодий машаққатларни талаб қиларди.

Салоҳиятли шоир “Ҳамса”си хотимавий достони “Садди Искандарий”нинг XV бобидаги мана бу сатрлар ҳам бизнинг хулосаларимиз фойдасига хизмат қилади:

Нигор айлаган нақши румий тироз,
Очиб парда, бу навъ кўргузди роз.
Ки, бу тўрт хайлики топти адо,
Ки, кўк тоқиға солдилар кўп садо.

Ки, давронлари тўрт минг уч юз йил,

Яна ўттуз олтию ўн ой бил (XI том, 86-бет).

Иқтибосдаги сатрлардан равшанлашаётирки, улуғ шоир исломгача бўлган даврда инсоният бошидан кечирган тўрт минг уч юз ўттиз олти йилу ўн ойлик тарихий воқеа-ҳодисаларни синчковлик билан назардан ўтказиб, улардан ўз ғоявий ниятларига мос тушувчи лавҳаларни танлаган ва “Хамса” таркибидаги дostonларда улардан маҳорат билан фойдаланган. Ўзига қадар яшаб ўтган муаррихларнинг ҳулосаларига таяниб, жуда катта тарихий масофада фаолият кўрсатган тождорларни Пешдодийлар, Ашконийлар, Каёнийлар, Сосонийлар каби сулолаларга ажратади. Табиийки, салкам беш минг йилга чўзилган тарихий воқеаларнинг барчасини бадиий асарлар тўқимасига сингдириш имкондан ташқари эди. 1483-1484⁵ йилларда 51 минг 230 сатрдан иборат “Хамса”сини ниҳоясига етказди. Яна бир мулоҳаза: Алишер Навоий ўз “Хамса”си мисралар сонини белгилашда Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий маънавий”си даражасига етказишни назарда тутган кўринади. Мавлононинг жаҳоний шуҳратга муяссар топилган мазкур асарининг 1278-йилда кўчирилган энг эски нусхасидаги мисраларнинг миқдори 51 минг 236 сатрни ташкил этади. Ўртадаги уч байтлик тафовут эса улуғ шайх ул-машойихга нисбатан кўрсатилган садоқат рамзидай назарга ташланади.

ПАЙҒАМБАР ВА ҲАКИМЛАР ТАРИХИ

“Хамса”ни ниҳоясига етказган улуғ шоир тафаккурида янги ғоявий ният чарх ура бошлайди. Тўғри, Алишер Навоий султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо даври тарихини авлодларга етказиш ташаббускори бўлган ва муаррихлардан Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Муҳаммад Исфизорийнинг “Равзат ул-жаннот фи Мадинат ул-Ҳирот” асарларини ёздирган.

Бироқ булар билан буюк мутафаккирнинг кўнгли тўлмайди ва ўзи ҳам бир тарихий асар ёзиш мақсади билан ҳозирлик кўра бошлайди. Алишер

⁵ Филология фанлари номзоди Юнус Азимов Абдурахмон Жомийнинг “Хиратномаи Искандарий” ва А. Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonларини қиёмий ўрганиш жараёнида кўп сонли адабий-тарихий маълумотларга таяниб улуғ ўзбек шоири дostonининг 1484-йилнинг декабрида ёзиб тугатилганлигини аниқлади. Айни қайд А. Навоийнинг ўз ишораларига тўғри келади.

Навоий маънавий меросига доир рўйхатларда тилга олинадиган “Зубдат ут-таворих” (Тарихлар қаймоғи) китоби ана ўша орзунинг ифодаси ҳисобланади. “Хамса” учун олиб борилган узоқ йиллар давомидаги ижодий изланишлар жараёнида олинган қайдлар ўша ширин ниятнинг юзага чиқишига йўл очади ва муаррих Алишер Навоийнинг соҳир қалами оқ қоғоз узра равон юра бошлайди...

Мумтоз тарихнависликнинг шаклланган ўзига хос анъаналари мавжуд эди. Бу борада тер тўкишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган муаллиф гапни Одам Ато тарихидан бошлаши зарур ҳисобланган. Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари айтилиши ана ўша мақсаднинг амалдаги ифодасидир. Китобнинг дебочаси Одам Сафийуллоҳ ҳақидаги қизиқарли лавҳалар билан очилади.

Икки қисмдан иборат мазкур асарнинг биринчи бобида ўттизга яқин пайғамбарлар ва иккинчи қисмида ўндан зиёд ҳакимлар (донишмандлар) ҳақидаги завқли лавҳаларни мутолаа қилиш мумкин. Мумтоз тарихнавислик анъаналарига риоя этган Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да наср-у-назмнинг қоришиқ ишлатилишидай услубий жилогга қатъий риоя этади. Айтилиши талаб тақозосига кўра, асардан 158 сатрлик шеърлар ҳам ўрин олган. Ўқувчиларга тақдим этиладиган ҳар бир насрий ҳикоядан сўнг, унинг ихчам хулосаси сифатида шеърлар тавсия этилади. Мазкур назмий парчалар “Рубоий”, “Байт”, “Маснавий”, “Шеър”, “Назм” каби ишоралар остида берилади.

Айрим шеърлар парчалар эса, сарлавҳасиз келган. Масалан: Исҳоқ алайҳиссалом ҳақидаги илоҳий тарихий лавҳаларнинг хулосаси ўлароқ қуйидаги байт ўқувчига тақдим қилинади:

Ҳизрға насиб ўлса ҳайвон зилоли

Искандарга ичмакка йўқ эҳтимоли (XVI том, 120-б).

Гарчи “Тарихи анбиё ва ҳукамо” тарихнависликка дахлдор асар ҳисобланса-да, унинг бағрида келган жумлаю сатрлар улуғ Навоийнинг бадиий заковатидан далолат бериб туради.

Кўчирганимиз икки мисрада ҳам ўшандай таъкид ёрқин намоён бўлади. Исҳоқ алайҳиссалом ҳақидаги илоҳий-тарихий маълумотларнинг қаймоғи сифатида юқоридаги байтни ўқувчиларга тақдим этади. Қофия тартибига кўра, ўша мисраларни ғазалнинг матлаи ёхуд фард жанрига нисбат бериш мумкин. Байтда талмеҳ санъатига таянган улуғ шоир исломий манбаларда тез-тез назарга ташланадиган Хизр алайҳиссалом ва жаҳонгир Искандар хусусидаги ривоятга ишора қилади. Ўша лавҳаларга кўра, Ҳазрати Ҳизрга оби-ҳайвон – тириклик сувини ичиш муяссар бўлгани туфайли, унга мангу барҳаётлик насиб бўлган. Тождор ва беҳисоб мулку жавоҳирот соҳиби бўлган Искандарга айни бахт насиб этмаган. Исҳоқ алайҳиссаломга доир маълумотлар сўнгида бундай фалсафий мушоҳаданинг ўртага қўйилиши тасодифий эмас, албатта. Яратган Қодир Эгам Исҳоқ алайҳиссаломга пайғамбарликни раво кўрди, аммо унинг тақдирномасида мангулик битилмаганлиги туфайли Искандардек фоний бу дунёга видо айтишга мажбур бўлди. Бундай ибратли жозиб сатрлар асарнинг деярли барча саҳифаларида назарга ташланади, десак хато бўлмайди.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да зикри ўтган пайғамбару, донишмандларнинг деярли барчасининг муборак номи Алишер Навоийнинг бадиий асарларида тез-тез тилга олинади. Аксарият ўринларда улар насрий жумла ва сатрларнинг жозибасини кўтаришда, улар рангинлигини оширишда қўл келган...

Асарда пайғамбарларга доир берилган маълумотлар ҳажми ва мазмунига кўра бир хил эмас. Масалан, Қинон бинни Ануш, Маҳлойил бинни Қинон, Язид бинни Маҳлойил, Идрис алайҳиссалом, Матушлах бинни Ахнух, Ёфас, Сом, Ҳом, Хизр алайҳиссалом, Илёс алайҳиссалом, Юнус алайҳиссаломга таалуқли қайдномалар бир неча жумладан таркиб топган. Айримларида баён этилган “қисса”нинг “ҳисса”си тарзида келувчи шеърий парчалар ҳам назарга ташланмайди. Масаланинг бундай тус олиши тасодифий бўлмай, диний сарчашмаларда ўша пайғамбарларга тегишли маълумотларнинг етарли эмаслиги билан изоҳланса керак. Чунки Алишер

Навоий пайғамбарларга доир ишончли бўлмаган қайдларга эмас, балки нуфузли муаллифларнинг ёзишмаларига суяниб иш тутган кўринади.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Нух бинни Малик бинни Матушлах бинни Идрис, Худ алайҳиссалом, Солиҳ алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Исмоил алайҳиссалом, Яъқуб алайҳиссалом, Айюб алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом (ва бошқалар) ҳақидаги саҳифалар бафуржалиги, жумлаларининг мазмунан бўлиқлиги билан эътиборга молик.

Юқорида тилга олинган пайғамбарлар сафида Юсуф алайҳиссаломнинг борлиги ва унга дахлдор қайдларнинг кўлами (ўша китоб 122-129 бетлар) эътиборни тортади. Улуғ шоир Юсуф бинни Яъқуб алайҳиссаломга алоҳида ҳурмат ва эътибор билан мулоҳаза юритади. Муаллифнинг адабий орзуларидан бири ҳам айна ана шу саҳифалардадир.

Таҳлил этилаётган асарнинг “Ҳукамо зикри”да эса ўн уч донишманд ҳақидаги ихчам ва мазмундор саҳифаларни ўқиш мумкин. Улардан аксарияти Мағрибда нашъу намо топган ҳакимлар бўлиб, бу донишмандларнинг шуҳрати ва асарларининг илмий қиммати Машрикда ҳам кенг қадрланган. Жумладан, Фишоғурс ҳаким, Жомосб ҳаким, Букрот ҳаким, Букротис ҳаким, Суқрот ҳаким, Афлотун ҳаким, Аристотелис ҳаким, Балинос ҳаким (ва бошқалар)нинг номлари улуғ шоирнинг аксарият бадиий яратмаларида ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олинади. Муҳими, муаллиф зикри ўтган (ва ўтмаган) донишмандлар ҳақида ўқувчини ишонтира оладиган мулоҳазаларни баён этиб қолдирган. Фикримиз далили учун Шарқ ҳакимларининг вакили ҳисобланган Содик ва Бузуржмехрларга доир қайдларни назардан ўтказайлик: “Содик Нўширавони одил замонида эрди. Ва Нўширавонга насиҳатнома битибдур. Бу муфрид сўз анинг сўзларидиндурким, шоҳ ва гадоға фойдаси ондур...

Зарари борча элга ан ўлғай,

Ким таом устида таом ўлғай.

Бузуржмехр Нўширавони одилнинг вазири эрди. Анинг сўзларидиндурким, устодимдин сўруштиким, йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не

қилмоқ яхши? Дедиким,-йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилиғда ани амалға келтурмак яхшидур.

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,

Қарилиғ чоғи харж қилғил ани” (194-бет).

Юқорида айрим жиҳатлари-ғоявий мазмуни, ифода услубидаги жиоларига кўра “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари нафақат тарихчилар, балки адабиёт аҳли, улуғ шоир таржимаи ҳоли тадқиқотчилари учун ҳам бой илмий далиллар бера олувчи нодир манба сифатида аҳамиятлидир.

ЮСУФ ДОСТОНИ ЁКИ ОЧИЛМАЙ СЎЛГАН ҒУНЧАЛАР

Алишер Навоийнинг суюкли илоҳий қаҳрамонларидан бири ҳазрати Юсуф Сиддиқ алайҳиссаломдир. Улуғ шоирнинг каттаю кичик асарларида турли муносабатлар билан Юсуф ибн Яъқубга доир ишоралар тез-тез кўзга ташланади. Жумладан, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган беш юз йигирма учинчи ғазал таркибида келган қуйидаги сатрлар эътиборга молик.

Кўнгулким васлин истар ҳар тараф доғи ситам бирла,

Эрур Юсуф харидори неча эски дирам бирла. (406-бет).

Шеър қаҳрамони-ошиқнинг маъшуқа жафоларидан юрагига тушган қат-қат доғларни бадий бўёқдор ифодалаш учун Алишер Навоий шоир талмех санъатига мурожаат қилади. Бунинг учун унга Юсуф алайҳиссалом қисматидаги лавҳалар қўл келади. Ошиқнинг ҳижрон онларидаги аламли руҳий ҳолати маъшуқани қилча бўлсин гўё ташвишга солмайди. Эслатилган лаҳзани шеърхонга янада таъсирчан етказиш мақсадида Юсуфнинг акалари томонидан савдогарлар сардорига жуда арзон (17 дирҳам) сотиб юборилиши воқеасига ишора қилинган. Масалага юзаки қараганда ошиқ дилидаги доғлар билан ҳазрати Юсуфнинг арзимаган чақага сотилиши ўртасида вобасталик йўқдай кўринади. Аслида эса ундай эмас. Маъшуқа ўз ошиғи тақдирига бефарқ қарамайди, аммо у (маҳбуба) синовни янада кучайтириш мақсадида ўшандай йўл тутади. Зикри ўтган руҳий жараёнлар Юсуфнинг оғалари ҳаракатида ҳам назарга ташланади. Қуйида келтириладиган байтда эса

ҳазрати Юсуф саргузаштидаги бошқа бир манзаранинг бадиий талқини шеърхонга тақдим этилади:

Гулрухум ёди била кўнглум эрур гулга ҳарис,

Ким, берур Юсуф иси қон аро юз пора қамис. (III том, 224-бет)

Мисралар мазмунини очмоқ учун “ҳарис” ва “қамис” сўзларининг изоҳларини аниқлашга тўғри келади. Луғатларда “ҳарис сўзининг хирсга берилган, ҳаддан зиёд интилиш” каби талқинлари берилса, “қамис”нинг кўйлак маъноси борлиги ёзилади. Маъшуқасининг ишқи оташида қалби гулга (қизил қонга) айланган. Ошиқнинг бундай ҳолати Юсуфнинг қонга бўялган кўйлагига қиёсланмоқда. Укаларини овга олиб чиқиш учун оталаридан рухсат олган акалар Юсуфни эски бир қудуққа ташлаб, кўйлагини бир кўйни сўйиб, унинг қонига ботириб, Юсуфни бўри еди, дея Яъқуб алайҳиссаломни алдашлари воқеъасига ишора қилинган. Бундай мисраларнинг “Ҳазойин-ул-маоний” йиғма девонлари ва “Хамса”дан ўрин олган дostonлар бағрида келган шеърӣ сатрларда яна кўплаб учратишимиз мумкин...

Буюк мутафаккирнинг Шарқ халқлари адабиёти тарихида гўзаллик ва поклик тимсоли даражасига кўтарилган ҳазрати Юсуф сиддиқ алайҳиссалом ҳақидаги нисбатан мукаммал қайдлари юқорида эслатилганидек “Тарихи анбиё ва ҳукамо” таркибида келади.

Ушбу тарихий-бадиий асардаги воқеалар тизмасининг таянч манбаи Қуръони Карим ҳисобланади. Аслида Юсуф алайҳиссалом билан алоқадор сагузаштлар “Забур”, “Таврот”, “Инжил”да ҳам учрайди. Рус шарқшуноси М. Б. Пиотровский ўзининг “Қуръоний ривоятлар” (Коранические сказание. Москва: “Наука”, -1991) асарида зикри ўтган диний-илоҳӣ китоблардаги ривоятларнинг сайрини тадқиқ этаркан, ўша воқеалар тизимининг Қуръони Каримда сайқалланган нусхада келишини таъкидлайди. Ислomий эътиқоднинг муқаддас китобидаги “Юсуф сураси”нинг мукаммал бир қиссани эслатиши ҳам етук олим хулосалари фойдасига хизмат қилади.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”даги қайдлар улуг шоирнинг “Юсуф сураси”га таяниб иш кўрилганлигидан шаҳодат беради. Бу икки китобда

келувчи қайдлардаги тафовут эса воқеалар тизимининг ифода услубидагина назарга ташланади. Айтилганларга қаноат ҳосил қилмоқ учун айрим парчаларни муқояса қилиб кўриш панд бермайди, деб ўйлаймиз.

“Юсуф сураси”нинг тўртинчи ва бешинчи ояти карималарида ўқиймиз: “Эслат Юсуф отасига деган эди: “Эй ота, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна куёш ва ойни кўрибман, ҳаммалари менга сажда қилишаётган эмиш”. У (отаси) деди: “Эй ўғилчам, бу тушингни оға-иниларингга ҳаргиз айта кўрма, токи улар сенга қарши бирон ҳийла қилмасинлар. Чунки шайтон инсон учун очик душмандир” (Ўша китоб, 157-158 бетлар).

Қуръони Каримда келган илоҳий жумлалар “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ўқувчиларга қўйидаги талқинда тақдим этилади: “...Юсуф алайҳиссалом туш кўруб эрдиким, гунашу ой ва ўн бир кавкаб анга сажда қилдилар. Бу тушин Яъқуб алайҳиссаломга айттиким... Яъқуб алайҳиссалом айттиким, бу тушунгни қариндошларингдин ёшурким, алардин сенга осиб тегмагайким, бу тушнинг таъбири будурким, ота-ю она ва қардошларинг сенга муҳтож бўлғайлар”. (123-бет). Келтирилган иқтибослардан аёнлашаётирки, Юсуф тақдири билан алоқадор барча лавҳалар деярли сақланган. Ота ва ўғил мулоқоти жараёнида эса такрордан сақланишга интилан улуг шоир ойю куёш ва ўн бир юлдуз ҳақидаги хабардан дарак берувчи жумлани қуръоний аслиятда-араб тилида келтириш билан кифояланади.

Юсуф қиссаси билан алоқадор воқеалар ривожини аслида ана шу нуқтадан бошланади. Ҳикоя қилинишича Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки ўғли бўлган. Улардан ўнтасининг онаси бир, Юсуф ва Бинямин эса бошқа онадан туғилган. Яъқуб пайғамбар фарзандларидан кейинги иккитасини ҳаддан зиёд яхши кўрганлиги туфайли оға-инилар ўртасида рашк ва ҳасад оловланади ва ўн ака Юсуфни йўқотиш пайига тушишади. Воқеаларнинг кейинги ривожини ҳақида Қуръони Каримнинг тўққизинчи ва ўнинчи ояти карималарида хабар берилади: “...(Яна дедилар:) Юсуфни ё ўлдиришлар, ёки бирон ерга олиб бориб ташланглар, (шундагина) оталарингиз фақат сизларга

боқар. Кейин эса (тавба-тазарруъ қилиб) яхши қавм бўлиб олурсизлар”. (Шунда) улардан бир сўзлагувчи деди: “Юсуфни ўлдирманглар, балки агар (ундан қутулиш учун) бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи қарвонлар олиб кетсин” (Ўша китоб, 158-бет). Кейинги ояти қарималарда акаларининг Юсуфдан халос бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари баён этилади. Юсуф қарвон йўлидаги эски бир қудуққа ташлаб юборилади. Уч кундан кейин йўлдан ўтаётган қарвондагилар сув илинжида қудуққа челақ туширишади. Аммо тортганларида челақда сув эмас, балки бир соҳибжамол ўспирин осилиб чиққанлигини кўриб ҳайратга тушишади. Айни воқеадан хабар топган акалар қарвонбошига “Бу бизнинг қулимиз уни сотамиз, дея мурожаат этишади”. Алқисса, ҳазрати Юсуф 17 ёки 20 дирҳамга сотиб юборилади... Шу восита ила Юсуф алайҳиссаломнинг Мисрдаги саргузаштлари бошланади...

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”нинг муаллифи асосий нуқталарни сақлаб қолгани ҳолда илоҳий китоб оҳангидан англашиладиган жиҳатларга урғу беришни хуш кўради. Буни келтирадиганимиз иқтибосда равшан кўриш мумкин: “Юсуф алайҳиссалом бани одам жинсининг жамилроғидур. Бир кун ўз юзин кўзгуда кўруб, андоқки ҳусн истиғною ғурурға муҳтазодур, кўнглига кечтиким, оё агар мен қул бўлсам эрди, менинг баҳомни ким бера олғай эрди. Чун бу хиёл далолат бемислликка қилур, улким бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдур. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир, анинг шаънидадур. Ҳақ таоло ғайрат кўргузуб, андоқ қилдиким, оғолари Юсуфни ўн ети дирамға сотдилар” (122-123 бетлар).

Равшанлашаётирки, Алишер Навоий ҳазрати Юсуф бошига тушган илк мусибатнинг боши сифатида ундаги такаббурлик, ғурурнинг жазаваси билан изоҳлайди. Инсон Аллоҳнинг онгли мавжудоти, халифаси экан у ортиқча манманлик, кибру ҳавога берилмаслиги лозим. Чунки, ҳар бир банданинг нимага қодир эканлиги, қадр қиммати гўзал ёхуд хунуклиги икки олам подшоҳи Аллоҳгагина аёндыр.

“Юсуф сураси”да бу гўзал ва ибратли қисса воқеаларининг кейинги тафсилотлари ҳам муайян кетма-кетликда давом эттирилади. Юсуфнинг Миср ҳокими Қитфийр (Миср азизи) томонидан катта баҳода сотиб олиниши ҳокимнинг хотини Зулайҳонинг унга ошиқ бўлганлиги, бу сафга шаҳар бошқа аёлларининг қўшилиши гуноҳсиз пайғамбарзоданинг зиндонбанд қилиниши, туш таъбирлашда илоҳий иноят туфайли шуҳрат топиши, зиндондан озод этилиши, Миср подшоси мартабасига кўтарилиши, Зулайҳо билан шаръий никоҳдан ўтиши, икки фарзанд кўришлари ва ниҳоят ака-ука ҳамда қавму-қариндошларнинг Юсуфдан марҳамат кўришлари каби мураккаб руҳий жараёнлар ифодасини топади.

Маккада нозил бўлиб, бир юз ўн бир ояти каримадан таркиб топувчи “Юсуф сураси” ибтидосида изох берган мутаржим Аловуддин Мансур ёзади: “Бу суранинг назму услубида ўзгача латофат, айрича жозиба мавжудки, ислом оламидаги энг буюк қалам аҳллари ундан мутаассир бўлиб, шеър устодлар битганлар, уламолар эса бу сура хусусида жилд-жилд китоблар тасниф этганлар...” (157-бет).

Зикри ўтган суранинг учинчи ояти каримасида эса “(Эй Муҳаммад), Биз сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий қилиш билан қиссаларнинг энг гўзалини сўйлаб берурмиз...”-тарзидаги илоҳий жумла мусулмонлар эътиборига ҳавола қилинади. Чинданда, исломга қадар Одам Ато зурриётлари тақдирида воқеъ бўлган бундай ғаройиб саргузаштлар минг йиллар давомида ижод аҳли назарида бўлиб улар томонидан жуда кўплаб бадиий яратмаларнинг бунёд этилишига манба бўлиб хизмат қилган. Биз айримларини эслатганимиз жиҳатлар улуғ Навоий қалбини ҳам жунбушга келтирган ва ўша ҳайрат ҳаяжон Юсуф қиссасида ёрқин из қолдирган: **“Юсуф алайҳиссалом қиссаси андин машҳурроқдурким, эҳтиёж анинг тафсилина бўлғай, невчунки ғаробот ва ширинлиги учун ақобир ҳам назм ва ҳам наср анинг шарҳи асбобин тузубдурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубдурлар. Ул жумладин бири Фирдавсий Тусий ва яна бири Мавлоно Нуриддин Абдурахмон ал-Жомий..., андоқким Юсуф**

алайҳиссаломнинг ҳусни ва жамоли таърифдин мустағнийдур... (Ўша асар, 122-бет).

Алишер Навоий эътироф этганидек, буюк шоҳноманавис Абулқосим Фирдавсийдан улуғ ўзбек шоиригача ва ундан бугунгача қадар юзлаб салоҳиятли қалам аҳллари назму насрда бу жонсўз севги саргузаштлари ҳақида ўз дилбар асарларини яратиб келдилар. Туркман адабиётшуноси Гелди Назаров маълумотларига кўра, шу мавзуда араб, форс ва туркий тилларда ижод этилган асарларнинг сони 114 тадир. Филология фанлари номзоди Ҳилола Сафарова эса мазкур рўйхатга 14 муаллифу асарни илова қилади.⁶

Маълум бўлаётирки, юз йиллар давомида Юсуф ва Зулайхоларнинг аламли, сабр туфайли покизалик ила муродига етган муҳаббатлари хусусида бир юз қирққа яқин бадиий асар китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган. Бу рўйхатга эса эслатилган ишқнома хусусида асар ёзиш орзусида бўлиб ниятига эришолмаган иқтидор соҳиблари ҳам кам эмас. Шулардан бири шайх ур-раис Абу Али ибн Синодир. Бу улуғ қомусий аллома Юсуф саргузаштлари ҳақида бир фалсафий қисса ёзишни режалаштирган. Аммо умри вафо қилмади ва режа бажарилмай қолди. Шундай гапни Алешер Навоий ҳақида ҳам айтиш жоиздир. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ўқиймиз: “... **Бовужуди булар бу бебизоатки (Алешер Навоий-Р. Воҳидов), ҳам иборат роқимдиндур. Коми хотирға, бу орзуни кечурурким, иншооллоҳ умр омон берса, турк тили била ўқ кофурчун варақ узра хомайи мушкин шамомини сургай. Ва бу қисса назмин ибтидо қилиб, интиҳосиға еткургай.**

Ҳақ бу тавфиқни насиб этгай,

Ё насиб улча Тангридин етгай” (122-бет).

Кўринадики, Юсуф ва Зулайҳо мавзуида бир дoston ёзиш орзуси улуғ шоирнинг қалбига ҳам ғулғула солган. Аммо муаллифнинг ўз эътирофича

⁶ Ҳилола Сафарова, Ҳазрати Юсуф-ғўзаллик тимсоли. –Тошкент: Ислom Университети нашриёти, 2003, 116-119 бетлар.

умри вафо қилмади ва ўшандай дилбар асарни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишни Тангри унга раво кўрмади. Кўчирганимиз иқтибосдаги “туркий тил билан” ёзиш хусусидаги ишора мулоҳазага чорлайди. Академик Б. Валихўжаев ўринли қайд қилганидек, Алишер Навоий шоир Дурбекка нисбат берилиб, келинаётган туркий тилдаги “Юсуф ва Зулайҳо” достонидан беҳабар қолганлиги учун ҳам у ҳақда “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида маълумот бермаган. Пири комил Нуриддин Абдурахмон Жомий дастлаб “Хамса” яратиб, кейинчалик яна икки достонни қўшиб, уни “Ҳафт авранг”га айлантиради. Муҳими, бу маънавий арбоб бешлик достонлар туркумига янги мавзуларни олиб киради. Шайх Низомийнинг “Панч ганж”и, Амир Хисрав Деҳлавий, Мавлоно Ашраф ва Алишер Навоийларнинг “Хамса”лари таркибида келган Хисрав, Ширин, Фарҳод номлари билан алоқадор севги саргузаштларини эскирган ҳисоблаб, мазкур тизимга “Юсуф ва Зулайҳо” ҳамда “Соломон ва Абсол” достонларини олиб киради. Бошқача айтганда, XV асрнинг иккинчи ярмида Юсуф ва Зулайҳолар номи билан алоқадор воқеалар тизимига ружуъ янада кучаяди. Масаланинг бундай тус олиши, табиийки, Алишер Навоий қалбини ҳам қитиқлаган ва ўша қадимий ҳамда ҳамиша янгиланиб турувчи воқеалар силсиласига бир асар бағишлаш орзусини “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да иншо этиб қолдирган. Бироқ буюк мутафаккирнинг Хуросон давлатининг вазири аъзами, Астробод вилоятининг ҳокими, ҳазрати Султоннинг муқарраби каби расмию норасмий лавозимлар ташвиш тараддудлари билан банд бўлиши, янги – янги ижодий режаларнинг пешвоз келиши эслатилган ниятнинг пайсалга солинишига сабаб бўлган. Шундай бўлишига қарамай, айрим навоийшунослар ёзилмаган мазкур асарнинг излаб топиш ғоясини илгари суришади. Жумладан, филология фанлар доктори, профессор Эргашали Шодиевнинг “Улусдин танлагоним” (“Ёш ленинчи” газетаси. 1990 йил, 12 декабрь) мақоласида эслатилган таъкидни ўқиш мумкин. Тўғри, олим Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони атрофидаги баҳсларга, аниқроғи ўша маснавийга номаълум бир муаллиф томонидан 1469-70-йилларда содир бўлган Балх қамали воқеасига

бағишланган шеърый иловага таяниб, ўшандай хулосага келган бўлиши лозим. Бироқ 20 асрнинг 70- йилларидаёқ, академик Б. Валихўжаев айна масалага ҳам ойдинлик киритган эди. Таниқли адабиётшунос араб, форс, туркий (ўзбек, туркман, озарбайжон) тилларда насру назмда яратилган асарлар ва уларга доир шарқшуносликда амалга оширилган тадқиқотларга таяниб, рад этиш қийин бўлган хулосаларни ўртага ташлайди. Айниқса, адабиётшуноснинг Дурбекка нисбат берилувчи “Юсуф ва Зулайҳо”дostonи иловали нусхасининг уч қўлёзмасига асосланиб, ўртага қўйган фикрлари кизиқиш уйғотади.(Б. Валихўжаев. Ўша асар. 124-144 бетлар)

Алишер Навоийнинг ўз маънавий мероси ва каттаю кичик замондошларининг тазкира ҳамда адабий – тарихий асарларида улуг шоир қалами тухфа этган ишлар рўйхатида “Юсуф ва Зулайҳо”дostonининг кўзга ташланмаслиги ҳам академик Б. Валихўжаев хулосалари фойдасига хизмат қилади...

Алишер Навоийнинг кўнгил бўстонида ғунчалигидаёқ хазон бўлган адабий орзуларидан яна бири “Лисонут - тайр” дostonида ифодасини топган.

Каъбатуллоҳнинг шайхул – машойихи шайх Санъоннинг тарсо қизига тушган ва номурод яқунланган муҳаббати тасвиридан кейин Алишер Навоий ёзади:

**Шайхни андоқки шайдо этти ишқ,
Олам аҳли ичра расво этти ишқ.
Сўнгра менден солмади ғавғосини,
Кимса кўнгли мулкига яғмосини.
Ҳолим андин кимса гар ортиқ демас,
Ортук эрмас, бўлса ҳам ўксук эмас.
Кел Навоий, сўзни ҳоло хатм қил,
Ишқ аро изҳори даъво қилмағил.
Бир неча кун умрдин топсам омон,
Шарҳи ишқим назм этай бир дoston.**

Анда билгай кимгаким инсофдур,

Ким сўзум чинмудурур ё лофдур (12-том, 134-135-б.).

Асарнинг 78-бобида “Ҳикоят” унвони билан келган Шайх Санъон ҳақидаги шеърӣ қисса ҳажми ва ғоявий мазмуни нуқтаи назаридан алоҳида асарни эслатади. Аслида Шайх Санъоннинг ишқӣ саргузаштлари шарқ халқлари адабиёти тарихида кенг тарқалган сайёр воқеалар тизими сирасига мансубдир. Муҳими шундаки, ҳар бир ижодкор ўша анъанавӣ воқеалар тизимига ўз ғоявий ниятини юзага чиқариш муддаоси билан мурожаат этган. Худди шундай гапни Алишер Навоӣ шеърӣ қиссаси хусусида ҳам айтиш жоиздир. Шайх ҳазратлари мусулмон дунёсининг энг олий рутбаси-Қаъбатуллоҳнинг шайхул-машойихи мақомига кўтарилган бўлсада, аммо унинг юраги тўла покланмаган экан. Ҳосил бўлган бўшлиқ эса Шайх қалби ва Аллоҳ ўртасида пардани ташкил этган. Тарсо қизига ошиқлик ва ишқӣ изтироблар туфайли Шайхнинг қалби покланади ҳамда Румдан Қаъбатуллоҳга қайтиш бахти насиб этади. Улуғ шоир Шайхнинг ишқӣ саргузаштлари тафсилотини қирқ (95-135 бетлар) саҳифада юксак бадиият ва назокату нафосат билан ифодалашга эришади ...

Табиӣки, Алишер Навоӣ, нега ўз муҳаббати ҳақидаги адабий орзуни айнан Шайх Санъон ҳикоятидан кейин ёзиб қолдирди?, деган ҳақли савол туғилади. Агар Юсуф алайҳиссалом қисматидаги сабру бардош, қаноат, покизалик, шаҳвонӣ ҳирс жазабаларидан ғолиб келиш адолат тантанаси учун барча қийноқларга чидаш ва шаръӣ никоҳдан кейингина ўз суюқлисига эришиш каби гўзал инсонӣ фазилатлар хуш келиб, уни (А. Навоӣни) дoston ёзишга руҳлантирган бўлса, Шайх Санъоннинг ишқӣ тақдиридаги номуродлик муаллифга манзур тушган ва айни лавҳалар унинг таржимаи ҳолига тўла рост келганлиги сабабли шу ўринда ғоявий ниятини ошкор этган кўринади. Шундан бўлса керак, муаллиф ўз ишқӣ тафсилотларини бадиӣ ифодалашга бағишланган дoston ёзиш ҳақидаги хабарни ўқувчилар билан баҳам кўради.

Шу ўринда андак изох беришга тўғри келади. Улуғ шоирнинг “Лисон ут -тайр” достонида ҳаракат қиладиган мажозий қаҳрамонлар – қушлар эканлигини назарда тутган ўқувчилар айни маснавийда ифодасини топган ишқни ҳақиқий ишқ (Аллоҳга муҳаббат) тарзида талқин этишга майл кўрсатадилар. Бизнингча, масалага бундай муносабатни маъқуллаш қийин. Чунки “Ҳайрат ул-аброр” достонида ишқу ошиқликка муносабат билдирган буюк мутафаккир таъкидлайди:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,

Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун (А. Навоий. МАТ. VII жилд, 194-б).

Кўринадики, асар муаллифи инсон қисматини ишқдан ташқари тасаввур эта олмайди. Қуйида ўша дostonда келган мана бу байт мавзуга янада ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз:

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,

Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок (193).

“Фарҳод ва Ширин” достонида эса, мажозий ва ҳақиқий ишқ баҳси лўнда ва равшан бадиий ифодасини топади:

Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,

Ҳақиқий ишқ анга хуршиди ховар (VIII жилд, 181-б).

Кўринадики, масалага табиий ҳодисалар қиёсида муносабат билдирган Алишер Навоий мажозий ишқни ёруғ тонгга, ҳақиқий ишқни эса Шарқ қуёшига қиёс этади. Қуёш ёстиғидан бош кўтармаса, тонг отмайди ва аксинча, тонг отмаса қуёш чиқмайди. Равшан бўлаётирки, мажозий ишқ дарду изтироблари билан ошиқни поклайди ва айни жараён унинг жисму жонига кўчиб, тили, қалби ва кўзи пок инсон (яъни машуқасидан бошқага назар солмайдиган) даражасига етказди. Табиийки, айни синовлар туфайли мажозий ишқ ҳақиқий ишқ мақомига кўтарилади. Алқисса, Алишер Навоий асарларида келадиған ишқнинг омехта маъноларига эга эканлигини ҳамиша ёдда тутмоғимиз лозим.

“Лисон ут-тайр” улуғ шоирнинг энг охирги йирик асарларидан бири. Унга 1500-йилда нуқта қўйилган. 1501-йил ҳисобидан эса ҳазратга атиги уч кунгина яшаш насиб этди. Аммо шу кунларда ҳам Алишер Навоий беҳуш эди ва янги йил ёғдусини очик кўз билан кўролмади. Алқисса, улуғ шоирнинг умри бевафолик қилди ва ўзининг номурод муҳаббати ҳақида ваъда қилинган достони ёзилмай қолди. Бас шундай экан ўзи йўқ нарсани излашга даъват этиш эса мантиқсизликдир.

АЖАМ ШОҲЛАРИ ТАРИХИ

“Тарихи мулуки Ажам” ёзилиши режалаштирилган “Зубдат ут-таворих”нинг иккинчи таркибий қисмидир. Юқорида айтганимиздек, асарда тўрт сулоладан иборат тождорларнинг олтмишдан зиёд вакилларига доир қизиқарли маълумотлар қаламга олинади. Кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган асарнинг номи изох беришни талаб қилади. Мулук – мамлакат сўзининг кўплигидир. Ажамни эса кўпроқ Эрон маъносида қабул қилиш урфга кирган. Масаланинг Алишер Навоий тасаввурига дахлдор томонига қайтадиган бўлсак, тарихий яратманинг матнидаги кўп сонли ишоралар мавзуга ойдинлик киритишга хизмат қилади. Яна аниқроқ айтадиган бўлсак, муаллиф Ажамни араб мамлакатларидан ташқаридаги юртлар маъносида қўллаган ва талқин этган.

Каёнийлар сулоласи ҳақида муҳокама бошлаган улуғ адиб, уларнинг тўққиз тождоридан бири Гуштосб эканлигини қайд қилади ва мулоҳазалари давомида ёзади:

“Ва Гуштосб замони асаридан Самарқанд кўрғони ва девориким, Эрон ва Турон орасига тортилибдур ва Насо шаҳри ва Байзо шаҳридурларким, баса акобир ва ашроф андиндурлар...” (XVI том. 211 -б.).

Кўринадики, Гуштосб замонидаги бу воқеалар Эрон ҳудудида эмас, балки бугунги Ўзбекистон-у Туркменистон сарҳадларида содир бўлгандир.

Сосонийлар сулоласининг вакили бўлган Баҳром ҳақидаги маълумотномада эса, қуйидаги жуғрофий жой номларига дуч келамиз:

“Баҳром Озарбайжондин Гуржистон била Дашти Қипчоқдан чиқиб, Хоразм бостуруб, Журжон навоҳийсида хоқонға шабихун уруб, оз киши била уч юз минг черикин бузуб, хоқонни дастгир қилиб, ўз илки била бошин чопти” (XVI том. 236-б.).

Шу қабилдаги ишоралар таҳлил этилаётган асарнинг бошқа саҳифаларида ҳам кўринадики, улар улуг шоирнинг Ажам ҳақидаги тасаввурига тегишли ихтилофларга аниқлик кирита олади деб ўйлаймиз. Баҳром Бинни Яздигурд ҳақида берилган маълумотларнинг давомида қизиқарли қайдлар назарга ташланади:

“Баҳром ... Синд қирғоғидан Ажам сориғи вилоятларни олиб, Ройнинг кизи била ниҳоятсиз яроғ ясаб, мулкига келди. Ва тўрт минг уйлуқ созанда ва гўянда ва раққос ва аҳли тараб Ҳиндистондин кўчуруб олиб, келдики, ҳоло бу мамоликда лўлилар алар наслидиндур...” (XVI том. 237 б.).

Кўчирганимиз парчадан кейин, Алишер Навоий айна лавҳалардан “Хамса”си таркибидаги “Сабъаи Сайёр” достонида фойдаланилганлигини маълум қилади.

“Тарихи мулуки Ажам”да “Садди Искандарий”га доир ҳам эътимодли лавҳалар кўзга ташланади. Улуг шоир беш минг йилга яқин тарихий давр воқеалари ҳақидаги манбалардан Искандарга доир қизиқарли маълумотларни тўплайди. Бу борада Алишер Навоий мурожаат этган тарихий асарлардаги бир-бирига қарама-қарши фикрлар уни ажаблантиради ва ўз ғоявий ниятига мос тушувчи ишораларнигина излашда давом этади. Асардаги мана бу жумлалар ўшандай саъйи – ҳаракатларнинг натижасидир: “Фақир “Садди Искандарий”да ул икки бузургвор қавлини сойир муаррихлар ақволиға таржиҳ қилиб, назм адосиға қарор берибмен...” (XVI том, 217 б.).

Кўринадики, Алишер Навоийга Низомий Ганжавийнинг “Искандарнома”, Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ойинайи Искандарий” дostonларидаги бош қаҳрамон манзур тушган. Бироқ шоир ўз Искандари образини яратиш тадоригини кўради ва тарих қаватларига янада теранроқ разм солади. “Садди Искандарий”даги бош қаҳрамон-Искандар Рум-у

Руснинг подшоси Файлакуснинг асранда ўғли. Шикордан қайтаётган Файлакуснинг оти саркашлик қилиб, юриши лозим бўлган йўлдан бошқа томонга қараб ҳаракат қилади. Отининг саркашлигида бир сир борлигини пайқаган ҳукмдор уни ўз ихтиёрига қўяди ва от Файлакусни бепоён саҳро бағридаги бир хароба кулба ёнига олиб боради. Ярми очик, ярми ёпилган харобада ҳомиладан бўшаган аёл сўнгги нафасини яшамоқда эди. Шоҳнинг амри билан мулозимлар чақалоқни олиб, озуқа бериб, Файлакусга топширадилар. Подшоҳ мулозимларига бир сўз ҳам айтолмай, жони риштаси узилган аёлни ўша кулбада дафн этишади. Фарзандсизлик азобидан изтиробда бўлган Файлакус чақалоққа Искандар деб ном беради ва уни ўзига фарзанд ҳамда валиаҳд деб эълон қилади. Одил ҳукмдор Файлакус тарбиясини олган ва Аристотель билан мактабдош бўлган, аслу-насаби номаълум Искандар жаҳонгир мақомига кўтарилади.

“Тарихи мулуки Ажам”даги айрим қадимий лавҳаларнинг кичик таҳрирлар билан “Саддий Искандарий” воқеалари тўқимасидан ўрин олганлиги ҳам эътиборлидир. Файлакус вафот этгач, тахт Искандарга ўтади. Доро эса ҳар йили минг товук тухуми катталигида Руму Рус давлатидан хирож талаб қилар эди. Тахт соҳиби Искандар эса хирож тўлашдан бош тортади. Бундай ҳаракатдан дарғазаб бўлган Доро навқирон Искандар мамлакати устига қўшин тортади. Бироқ кутилган жанг воқеъ бўлмай, Дорога унинг саркардалари суиқасд қилишади. Ўлими олдидан элчи либосидаги Искандар билан учрашган Доро бинни Дороб унга уч васиятини қилади:

Бир улким, Равшанакниким, анинг қизи эрди, қулғай. Бир улким, анинг қотилларин ўлтургай. Бир улким, анинг атбоиким, фурс мулуки наслидин эрдилар, қатл қилмағай, дағи риоят қилғай...” (XVI т. 215-б.).

Айни насрий жумлалар кичик таҳрир билан Садди Искандарий таркибига жозиб шеърий сатрлар бўлиб кирган.

Бундай лавҳаларни қиёсий ўрганиш навоийшунослигимиз учун янги-янги хулосаларни тухфа қилиши муқаррардир. “Тарихи мулуки Ажам”да кузатиладиган яна бир фазилатни қайд этмоқ жоиздир. Асардаги тарихий

лавҳалар мағзида келган айрим қайд-у ишоралар, ўша воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиши вақти ҳақида муайян тахминий хулосаларни баён этишга имкон яратади.

Каёнийлар сулоласининг вакили ҳисобланган Гуштосбга алоқадор маълумотномада ўқиймиз:

“Гуштосб –Ҳалаб мулкида тахтқа ўлтурди ва Зардушт анинг замонида зуҳур қилди. Ва ул габр динида риёзатлар ва мужоҳадалар тортиб эрди, “Зинд” китобин тасниф қилиб, элни ул динға даъват қилди. Чун ҳаким эрди ва риёзат жиҳатидин элни сайд қилиб эрди. Гуштосбни ҳам фирифта қилди. Гуштасб зардушт динин ихтиёр қилиб, элни ҳам ул миллатқа киюрди ва Румда қайсарға киши юбориб, ани дағи бу динға далолат қилди...” (XVI том. 210-б.).

Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто”нинг асосчиси –ҳаким Зардушт ҳақидаги айни жумлалар катта илмий қизиқиш уйғотади. Мумтоз манбаларнинг шаҳодатига кўра, 12 минг дона ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган “Авесто” Шарқда умргузаронлик қилган аждоду–авлодларнинг бағоят юксак тафаккуридан нишонадир. Мазкур асарнинг 2000 йилда яратилганлигига 2700 йил тўлишининг катта тантана қилинганлиги инобатга олинса, мазкур дин ва унинг нуфузининг милодгача бўлган даврдан 7 юз йил олдин шуҳрат қозонганлиги аёнлашиб қолади. Яна бир лавҳа тарихда Ақобирлар унвони билан ҳам шуҳрат қозонган Сосонийлар сулоласининг ардоқли вакили Нўширавони Одил ҳақида келтирилган бафуржа маълумотлар қаторида қуйидаги жумлалар ҳам назарга ташланади:

“Арабда Қурайш қабиласидин бир киши мутаваллид бўлмиш бўлғайким, форс мулуки давлати анинг замонида охир бўлғай ва ул охир замон пайғамбари бўлғай...” (XVI том. 244 б.).

Шу қабилдаги мулоҳазаларини давом эттирган Алишер Навоий сосонийлар сулоласининг ҳукмдори – Турондўхга доир қайдларида хотам ул-анбиё Жаноби Расули Акрамнинг вафот этганлиги, Араб халифалигининг

бошланиши ва Абу Бакр Сиддиқ (XVI том. 252 б.) салтанати даврига доир ишораларни ёзиб қолдирган. Кўринадик, “Тарихи мулуки Ажам”да ифодасини топган бундай қизиқарли воқеа - ҳодисалар жоҳилия даврига чек қўйилиши ва исломий эътиқоднинг устувор қарор топишининг ибтидоси билан хотима топади. Навоийшунослар ўртасида “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”га доир икки кичик нуқтада ихтилоф мавжудки, бу ўринда уларга муносабат билдириш фойдадан холи эмас.

Узоқ йиллар давомида бу икки тарихий-бадий яратма бир-бирига дахлсиз мустақил асарлар сифатида талқин этилди ва ҳатто Алишер Навоий танланган асарларининг 15 томлигида бошқа-бошқа китобларда 14-15-томлар эълон қилинди.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳақида жиддий бир мулоҳазалар баён этилмади. “Ўзбек адабиёти тарихи” 5 томлигининг Алишер Навоий мероси тадқиқига бағишланган иккинчи китобида зикри ўтган асарлар хусусида ихчам мақолалар эълон қилинди, холос. Истиқлол шарофати билангина бу икки асарнинг “Зубдат ут-таворих”нинг таркибий қисмлари эканлиги ошкора айтиладиган бўлди ва мукаммал асарлар тўпламининг 16-жилдида ёнма-ён ҳолида улуғ шоир ижоди муҳибларига ҳавола этилди. Иккинчи баҳсталаб жиҳат айтиш асарларнинг ёзилиши санасига дахлдордир. Навоийшуносликда “Тарихи анбиё ва ҳукамо”нинг 1485-1498 ҳамда “Тарихи мулуки Ажам”нинг 1488-1498 йилларда ёзилганлиги (Ўзбек адабиёти тарихи. II том. 441, 453 б.) қайд этилади. Адибнинг ўзи мазкур асарларнинг иншо санасига доир, аниқ маълумотларни ёзиб қолдирган эмас. Фикримизча, Алишер Навоий бу икки асарни “Хамса” ниҳоясига етказилиши билан (1484 й.) китоб ҳолига келтирган. Чунки, 4336 йилу яна ўн ойга доир унинг тарихий қайдлари тайёр эдики, уларни тартибга келтириш учун кўп вақт талаб этилмасди.

Ўртага қўйилган фикрни “Муҳокамат-ул-луғатайн”да келтирилган муаллифнинг қуйидаги қайдлари ҳам қувватлайди:

“Бу “Хамса” шуғлидин чун фароғат топибмен, тахайюлим тети навардин салотин таърихи даштига чопибмен, чун нома саводи зулматидин

“Зубдат-ут-таворих” адосин тузубмен, салотин ўлган отин бу хайвон суйи била тургузупмен” (XVI том, 26-бет) Иқтибосдаги “Зубдат-ут-таворих” адосин тузубмен” жумласи изоҳталабдир. Чунки асар тўла ниҳоясига етказилган эмас. Унинг дастлабки икки қисми - “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”ларгина ўқувчиларга тақдим этилган, холос.

МАКТАБДОШНИНГ ЁЗИЛМАГАН УМР ДАФТАРИ...

Масаланинг, “Зубдат-ут-таворих”нинг асосий қисми – Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо тарихига доир давр эса муаллифдан анча риёзат чекишни талаб этарди ва шунинг учун муаррих унинг ёзилишини пайсалга солишга мажбур бўлган кўринади. Негаки, XV асрнинг 90-йилларига келиб, шоирнинг соғлиги ёмонлаша борган. Бундай ҳолатни ҳис этган адиб шитоб билан ишлаган ва катта бадий-илмий асарларини тезроқ қоғозга тушириш учун вақт сарф этган. Айни ана ўша йилларда “Мажолис ун-нафоис” таъкирасининг икки таърири (1491-92, 1497-98)нинг юзага келганлиги, 1492-1498 йилларда “Ҳазойин ул-маоний”нинг тартиб берилиши, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”, “Лисон ут-тайр”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-кулуб” каби асарларнинг рўшнолик кўрганлиги инобатга олинса, зикри ўтган йилларнинг Алишер Навоий илмий-бадий таъдири учун нечоғлик сермахсул бўлганлигини ҳис қилиш қийин эмас. “Ҳамса”да ўнлаб одил подшоҳ ва подшоҳзодалар образини яратган Алишер Навоий тарихда ҳукм суриб ўтган тождорларнинг ибратларидан бағоят ўринли фойдаланган. “Тарихи мулуки Ажам”да адлу-амниятга доир лавҳаларнинг урғу билан кўрсатилиши шундай ҳулосага келиш асосини беради. Сосонийлар сулоласидан бўлган Баҳром Бинни Баҳромга доир маълумотномада ўқиймиз: “Шаъни **аржуманд** ва ахлоқи **дилписанд** подшоҳ эрди, ахлоқи элга **марғуб** ва атвори улусқа **матлуб**. Зулм биносин **бузди** ва адл асосин **тузди**. Аммо даврони умридек **бевафо** эрди ва умри давронидек **бебақо**” (XVI том, 228 б.).

Кўчирганимиз иқтибос яна бир жиҳатдан аҳамиятли. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”га доир саҳифаларда қайд этганимиздек, муаллиф тарихга доир қалам сурса-да, ундаги юксак бадий салоҳият сўзлар бағридаги жозиба, ҳамиша ўзини намоён қилиб турган. Баҳром Бинни Баҳром Бинни Баҳромга оид ихчам парчада ҳам соҳир қаламнинг назокати ишга солинади ва мусажжаъ санъатига ривож берилади, яъни насрий парчаларда ички қофияга мурожаат қилиш етакчи бадий жило даражасига кўтарилади. Таъкидлаш жоиз, бундай дилкаш лавҳалар тарихий асарнинг деярли барча саҳифаларида назарга ташланадики, айти фазилат “Тарихи мулуки Ажам”ни нафосат билан ёзилган бадий асарлар сафига қўшиб қўйган. Асар таркибида келган шеърий парчалар эса ўшандай назокатни янада кўтариш омили бўлиб хизмат қилган. “Тарихи мулуки Ажам” саҳифаларида келтирилган шеърий парчалар “Тарихи анбиё ва ҳукамо”га нисбатан икки баравар кўпдир. Ҳар бир ҳукмдор ҳақидаги мушоҳадаларнинг фалсафий умумлашмаси сифатида келган бундай шеърлар 226 сатрни ташкил қилади. Хотима ўрнида эса, 100 мисралик маснавий келтирилади. Айти сатрлар “Тарихи мулуки Ажам”га хотима вазифасини ўташ билан бирга султон Ҳусайн Бойқаро даврига тегишли ёзилиши режалаштирилган тарих учун дебоча вазифасини ўтаган.

Қуйида келтириладиган шеърий сатрлар асарда номлари зикр топган ҳукмдорлар тақдири хусусида бадий фалсафий умумлашма сифатида аксадо беради.

Бировгаки рўзи бўлуб шоҳлик,
Замирига солса ҳақ огоҳлик.
Ки билса жаҳонга вафо йўқтурур,
Жаҳон аҳлига ҳам бақо йўқтурур.
Кўзига жаҳон ҳашаматин илмаса,
Ҳақ амридин ўзга амал қилмаса
Адолат учун истаса мулку жоҳ,
Ситам дафъ айларга чекса сипоҳ (XVI том, 255-б.).

Кўчирганимиз иқтибосдаги сатрлар теран ғоявий мазмуни билан бир қаторда юксак бадиияти нуқтаи назаридан ҳам китобхон эътиборини жалб эта олади. Парчадаги “шоҳ”, “огоҳ”, “вафо”, “бақо”, “илмаса”, “қилмаса”, “жоҳ”, “сипоҳ” сўзлари ўзаро қофияланиб, оҳангдошлик ва равонликни таъмин этган. Муҳими, улуғ шоир қофия ҳосил қилмоқ учун мазмунни қурбон қилмайди. Аксинча, уни кучайтиришга хизмат қилувчи сўзларни моҳирона қўллайди. Шоҳ учун огоҳлик сув ва ҳаводек зарур. Ана шу воситани қўлдан берган ҳукмдор мулк ва улусни хароб қилади. Берган сўзи устидан чиқолмай, бевафолик гирдобига тушиб қолади. “Тарихи мулуки Ажам”да зикри ўтган тождорларнинг аксарияти 40-60 йилгача салтанат сурган. Аммо фоний олам уларга бақо этмаган. Сипоҳини ишга солиб, зўравонлик қилганлар эса, юртни хароб қилиб, ўзидан дод қолдирган. Шундай экан, ҳукмдор қўшиндан хабардор бўлмоғи, уни бойлик илинжида ишлатмаслиги зарур.

Шеърӣ парчада улуғ шоир ғоявий ниятини маромида рўёбга чиқариш, мақсадида ишлатилган қатор шеърӣ санъатлар мисраларга мазмун ва ранг бахш этган.

Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо мадҳига аталган мана бу мисралар ҳам узукка кўз қўйилгандай ўрнини топган ва тарихий асар завқини оширган:

Демай айни инсонки инсон айн,
Ҳам инсону ҳам айн Султон Ҳусайн,
Шаҳо келди шаҳлиғ мусаллам санга,
Не шаҳлиғки дарвишлиғ ҳам санга.
Десам айлайин васфинг осон эмас,
Ки мингдин бирин демак имкон эмас (XVI том, 255-б.).

Тарихда ўтган 60 дан зиёд одил-у золим подшоҳлар қисматидан ўнлаб забардаст муаррихларнинг қайдлари орқали огоҳ улуғ шоир, ўз мактабдош дўстининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига, ўшалар қиёсида баҳо берар экан, уни авж пардада ардоқлашни маъқул кўради. Чунки бир пайтнинг ўзида икки қўли билан баробар қилич чопа олган, шоирлик ва шеършуносликда

махорати замондошлари томонидан эътироф этилган, аксарият фаолиятида адолатдан йироқ кетмаган Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга дарвешликни ихтиёр этган одил шоҳ бўлиб кўринади. Таҳлил этаётганимиз, маснавий таркибида келган қуйидаги жозиб мисралар ҳам эътиборга моликдир:

Сенинг вақтинг ичра кўруб заъфу ранж,

Замоники назм айладим панж ганж

Ки ҳар ганжида улча зоҳирдурур,

Нисорингга юз минг жавоҳирдурур.

Бори гарчи поку мухайял эди,

Вале барча васфингда мужмал эди,

Киши нуктани мужмал қилса аён

Яқинким анинг шарҳи топмас баён.

Вале азмим эмди будурким худой,

Агар бўлса умрумга муҳлат физой.

Чекиб турфа тарихингга хомани,

Қилиб нуқтага тез ҳангомани (XVI том, 255-256 б.).

Иқтибосдаги мисраларда улуғ шоир ўз “Хамса”си ҳақида мушоҳада юритар экан, унинг таркибидаги ҳар бир дoston ибтидоси ёхуд интиҳосида Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзога бағишланган сатрлар мавжудлигини таъкидлайди. Шунингдек, “Ҳазойин ул-маоний” дебначасида ва “Назм ул-жавоҳир”да ҳам замон ҳукмдорининг мадҳи ўтганлигига ишоралар қаламга олинади. “Ситтаи зарурия”, “Фусули -арбаа” форсий қасидалар туркумлари, “Мажолис ун-нафоис”нинг VIII мажлиси ва яна бир қатор бадий яратмаларида Султон Ҳусайн Бойқаро мақтовига кенг ўрин ажратилган бўлсада, улуғ шоир нигоҳида улар “Мужмал” етарли эмасдай кўринади. Шунинг учун яширин қолган нуқталарини ошкор этувчи мукаммал бир тарих яратиш орзуси қалбида жўш ураётганини таъкидлайди. Кўринадики, Алишер Навоий ҳеч қачон Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо ҳақида “Мен янглишибмен, писта пўчоғидин кема ясамоқчи бўлибмен” (Уйғун ва Иззат Султон) деган эмас экан. Тўғри, “Алишер Навоий”дай шоҳ сахна асари

муаллифлари шаънига маломатли гапларни айтиш нораво, албатта. Машъум социалистик –реализм ижодий методининг қолиплари ҳукм сурмаганда бу икки салоҳиятли ижодкор Алишер Навоий сиймосини янада нурлироқ акс эттирган бўлишарди. Начора, тарихни ортга қайтариб бўлмайди. Иккинчи, афсусли томони шундаки, Амир Низомиддин ҳазратларининг умр ришталари вафо қилмади, бемаврид узилди ва “Зубдат ут-таворих” армонга айланиб, унинг қалбида ғунчалигича сўлди.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Алишер Навоий маънавий бисотидаги ҳар бир сатр ва жумланигина эмас, балки ҳар бир сўз атрофида теран мушоҳада юритмоғимиз, улар мағзини чақмоғимиз лозим. Шундагина буюк бобокалонимизнинг мунаввар руҳлари биздан шод бўлғусидир!

ЁШЛИҚДА БЕРГАН КЎНГИЛ ...

Ишимизнинг олдинги саҳифаларида ўртага қўйилган айрим мулоҳаза ва келтирилган шеърӣй парчалар Алишер Навоийнинг оилавий ҳаётига ҳам дахлдор бўлиб кўринади. Хусусан “Лисон ут-тайр”дан кўчирилган иқтибос ҳар қандай китобхонни ҳам фикрлашга ундайди. Чинданда, баъзи тадқиқотчилар ўшандай сатрлар мазмуни билан ҳисоблашмай, улуғ шоир оила қурган, уйланган қабилидаги ақидага тарафдорлик қилишади. Ахир Алишер Навоий оила қурганда эди, унда ўз севги саргузаштлари ҳақида дoston ёзишга зарурат қолармиди? Йўқ, албатта. Шунингдек, ишқ дostonи фожиавий якун топган Шайх Санъон баҳсида буюк мутафаккирнинг ўз аламли, ошиқона дардини ошкор қилиши ортиқча бўлиб қоларди. Аслида икки минг олти юздан зиёдроқ ҳароратли туркий ғазалларида ифодасини топган ишқ изтироблари ҳақиқӣй ошиқнинг кўнгил ноласи бўлиб қулоққа чалинади. Шундай гапни буюк мутафаккирнинг “Ҳамса” таркибидан жой олган маснавийларида ва “Ҳайрат ул-аброр” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги сатрлар хусусида ҳам айтиш мумкин. Ишқ ва унинг изтиробу армонлари ҳақида бадий мушоҳада юритилар экан, беихтиёр шахсий муҳаббатга алоқаманд алам мисралар мағзига кўчиб қолади. “Фарҳод ва

Ширин” достонидан олинган қуйидаги парчада ҳам ўша манзаралар равшан намоён бўлади:

Биров ишқи солиб жонимга андух,
Машаққат тоши юклаб кўҳ то кўҳ.
Бўлиб зулми ўтидин хаста жоним,
Қарориб дуди била хонумоним (VIII том, 35-б.).

Табийки, бундай ҳолат забардаст шоирнинг кўпгина мухлислари дилига ҳам оташ ташлайди. Алишер Навоий ва муҳаббат пўртанаси, туғёни эгизак тушунча. Улар ўртасига девор нари турсин, қилни ҳам сиғдириб бўлмайди. Аммо муҳаббат интиҳосининг якуни – оила бобида ҳазрат тақдирида кемтиклик бор. Мунозараларга сабаб ҳам ўша нуқтадир. Шундай бўлишига қарамай, филология фанлари доктори, профессор Эргашали Шодиев Алишер Навоийнинг оилавий ҳаётига дахл қилар экан, олдинги саҳифаларда муносабат билдирганимиз “Улусдин танлагоним” мақоласи хотимасида ёзади: “...Аммо кўпчилик олимларимиз Алишер Навоий уйланганми?, деган саволга “йўқ уйланмаган” (!) деб жавоб берадилар. Алишер Навоийнинг ўзлари эса “бор эди гул ҳамки бир чоғ бизда ёре бор эди, деб жавоб беради”. Таниқли олим ўз фикрини далиллаш учун Алишер Навоийнинг “Бадойеъ ул-васат” девонидан жой олган икки юз олтмиш саккизинчи ғазални кўчиради. Китобхонларимизга қулайлик туғдириш, улар учун эркин мулоҳаза юритиш имкониятини яратиш ниятида ғазалнинг тугал матнини келтираимиз:

Қилғон эрмиш нотавон сарви равонимни мараз,
Зор ўларменким, қилибтур зор жонимни мараз.
Чу топар озор жононим мараздин, йўқ ажаб,
Айласа озурда жони нотавонимни мараз.
Гар маразнинг лозими дард ўлди, билмон, эй кўнгул,
Дардман этгаймиз, оз дилистонимни мараз.
Садқаси айланг мени мардудни, эй дўстлар,
Ким, заиф этмиш улустин танлагонимни мараз.
Дардлиғ кўнглум ҳалокин истарамким кўйида,

Дардман этгаймиз оё дилситонимни мараз.

Юз туман мендек кўҳан пир ўлса онинг садқаси,

Қилмасин озурда; ё раб, навжувонимни мараз,

То мариш ўлмиш нигорим – қон тўқар гирён кўзум,

Эй Навоий, дей олурмен – тўкти қонимни мараз

(“Бадоеъ ул-васат”, 3-жилд, 282-б.).

“Улусдин танлагоним” мақоласида ғазалнинг радифи “мариш” тарзида қўлланилган. “Мараз” ва “мариш” маънодош сўзлар бўлиб, профессор Ҳ. Сулаймон нашрида радиф “мараз” тарзида берилган. Аввало, мен матнни ўша китобдан кўчирганим учун мавжуд талабларга риоя қилдим. Иккинчидан, “хаста”, “қасал” маъноларини англатувчи “мариш”дан кўра, ғазал руҳиятига “қасал”, “бемор”, хаста, дардчил, нохуш кайфият сингари талқинлари бор “мараз” сўзи мос тушади. Ғазалнинг ғоявий йўналиши ҳам шуни тақозо этади. Профессор Э. Шодиевнинг хулосаси эса қафилликка тортилган ғазал табиатидан “эркин” келиб чиқмайди. Чунки ошиқона бу ғазалнинг бирон-бир мисрасидан ўлим хабари эшитилмайди. Ғазалда ошиқ фаол. Барча ишқий тафсилотлар унинг тилидан ифодаланмоқда. Маъшуканинг ҳақиқий қиёфаси сатрларда кўринмайди. Унинг аҳволи руҳияси хусусидаги барча хабарлар эса ошиқнинг тилидан келтирилади. Мараз уни заифлаштирди, озурда қилди. Аммо заифлик ва озурдалиқнинг кутби ҳамиша ҳам ўлим эмас. Халқимиз башорат қилади: дард бошқа, марг (ўлим) бошқа!

Ғазалда анъанавий тасвирий услуб ҳукмрон: Маъшуқа сиҳатлиги йўлида жафокаш ошиқ ўлимга ҳам тайёр!

Хуллас олим мақоласининг кўчирганимиз хотимасидаги фикрга қўшилиш қийин. Мисраларда ишқнинг омехта тасвири ҳукмрон. Шеър қаҳрамони-ошиққа алоқадор умумлашма даражасига кўтарилган ифода оҳанги баландлик қилади. Шеър сатрларнинг таг маъносидан англашиладиган шахсий кечинмаларнинг бадиий талқини эса фаол эмас. Бундай ҳолат байтларда келган “жон”, “жонон”, “жоним”, “дилситоним”,

“нотавоним”, “навжувоним” каби сифатловчилар эса маъно ришталарини умумлашма ишқ талқинига тортади. Яна бир мулоҳаза: Ғазалдаги “Юз туман мендек кўҳан пир ўлса анинг садқаси”, мисраси фикрлашга ундайди. “Кўҳан”-эски, қари маъноларида келишига қарамай “пир” сўзи ҳам илова қилинган. Ёр эса навжувон, масаланинг бундай тус олиши ҳам мушоҳаданинг маъшуқага дахли бўлмай, балки ёш бир инсонга қариндош, яқин дўст ёки унинг боласи ва ҳоказо тегишлидай қулоққа чалинади... Тўғри, мен ҳам улуғ шоир ижодининг бир мухлисман ва буюк мутафаккирнинг ҳаёти ҳамда маънавий меросига доир ишларни кузатиб бораман. Бундай уриниш айрим хулосаларнинг шаклланишига замин ҳозирлаши шубҳасиздир. Аввало айтай, Алишер Навоий нафақат ошиқ, балки шу қавмнинг устози ва пиридир. Ҳазрат амал қилган ва талқин этган ишқ тўла серкирра туйғудир. Аҳду паймониға устуворлик, лафз ҳалоллиги учун кураш, айтилган сўзига эғалик қилиш ошиқона ғазаллар муаллифининг ибрат олса арзигулик фазилатларидир. Гулнинг ёнида тиканнинг бўлиши ҳеч кимни ажаблантирмайди, албатта. Ҳар қандай яхши одамда ҳам қусурлар учрайди. Ана шу қонуният ҳазратни ҳам четлаб ўтмаган. “Бобурнома”да ўқиймиз: “Алишербекнинг мижози нозук била машхурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур (“Бобурнома”, 1960, 233-бет). Шоир табиатидаги бу хислат ҳамиша ўзини кўрсатиб турган. Замондошлари учун унинг қалбига йўл топиш ҳамиша ҳам осон кечмаган. Баъзан иккита гап кўплик, биттаси камлик қилган. Алишер Навоийга яқинлашишнинг қулай йўли эса унга муаммо билан мурожат этиш ҳисобланган. Шунинг учун ҳам XV асрнинг иккинчи ярмида муаммо Ҳирот адабий муҳиtida кенг тараққий қилди. Аслида шундай улуғ даҳо қалбини нозикликдан ташқари тасаввур этиш қийин. Афсуслар бўлсинки, мижоз билан боғлиқ жиззакилик ҳазратнинг оилавий ҳаётига ҳам таъсир этди...

Дарвоқе, инсоний ишқ бобида унинг тиниқ туйғуларига ғубор кўнди.
Ваъда берган маҳбуба сўзи устидан чиқа олмади. Ўзга бир ёр этагини тутди.
Юрак дарз кетди, муҳаббат номурод қолди...

Ваъда хилофлик гирдобидан қутула олмаган шоир чинакам садоқатни амалда кўрсатиш учун қасд қилди ва умрини танҳоликда ўтказди. Улуғ шоирнинг туркий тилдаги икки минг олти юздан зиёдроқ ғазалларининг аксариятидан гулзорини йўқотган булбул ноласига монанд мунг овози жаранглашининг изоҳи ҳам ўша аянчли воқеалардир.

Юқорида айримлари эслатилган жиҳатларни-муаллифнинг шахсий ишқига доир ишораларни унинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган олти юз учинчи ғазалда равшан ҳис қилиш мумкин. Шундай экан, баҳс мавзуйига бевосита алоқадор ушбу ғазалнинг тўла матнини келтириш панд бермайди деб ўйлаймиз:

Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигори кўзлоли,
Сарв қадди истабон сиймин узори кўзлоли.
Ёрлиғ кўз тутқонимиз кўзлади чун ўзга ёр,
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ерда ёри кўзлоли.
Чун ғубори маркабидин равшан айлар эл кўзин,
Термулуб турғунча бориб, шахсувори кўзлоли.
Сайри боғу дашт этарбиз ҳам яна бир ёр учун,
Боғ сори кўз сололи, дашт сори кўзлоли.
Гар анингдек шўхи шаҳр ошуби офат топмасак,
Бир фақири меҳрибони ғамгусори кўзлоли.
Гарчи нопаддо эрур мақсуд армон қолмасун,
Хосу ом ичра қила олғунча боре кўзлоли.
Эй Навоий, бўлмоғунг андин булар бирла халос,
Келки, ҳам васлин тилаб сабру қарори кўзлоли

(Ғаройиб ус-сиғар, Ҳамид Сулаймон нашри, -Тошкент: “Фан”, 1959, 621-б).

Кўчирилган ғазал гарчи “Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган бўлсада, яратилган даври нуқтаи назаридан йигитлик авонига (1461-1476)

мансубдир. Шунинг учун у “Наводир уш-шаббоб”дан ўрин олиши лозим эди. Мазкур девонга шоирнинг йигирма-ўттиз беш ёшларида ижод этилган шеърлари киритилиши зарурлиги инобатга олинadиган бўлса, матни кўчирилган ғазалнинг Самарқанд ихрожидан (сургун) кейинги йилларда рўшнолик кўрганлиги ойдинлашиб қолади. Ҳирот пойтахт Хуросон давлати тахтини эгаллаган забардаст йигит ёшидаги тождор – Султон Ҳусайн Бойқаронинг расмий таклифи билан 1469-йилнинг апрелида ўз она шахрига қайтган Алишер Навоийнинг биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган иши йигитликда суйгани қизни излашдан иборат бўлган. Аммо унинг орзулари саробга айланган эди. Ёзувчи Қўлдош Мирзо “Мубтало бўлдум санго” сарлавҳали қиссасида жуда асосли бадиий ифодаланганидек, ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги Алишер қалбига ишқ ўз оташини ташлаган ва у дидига муносиб қизни топиб, унинг вафо ҳақидаги ваъдасини олган. Бироқ 1465-йилда кутилмаганда содир бўлган ватанжудолик ўша ёлқинли муҳаббатга раҳна солади. Биз айримларини ҳикоя қилганимиз воқеалар тафсилоти кўчирганимиз “Кўзлоли” радифли ғазал мисраларига тагдор ишоралар ёрдамида сингдирилган. Матлаъдан аёнлашадики, ҳижрон азобида қийналган ошиқ, ўз юрагига мурожаат этар экан, “сарв қад” ва “сиймин тан” бир нигорни излаш хусусида аҳдлашади. Кейинги байтда эса муддао янада ойдин бадиий тажассумни топади. Ваъдасига вафо қилмаган маҳбубага гинахонлик бошланади, ўз суюқлисини оёғи теккан тупроқни кўзларига тўтиё қилишга тайёр турган ошиққа нисбатан қилинган бундай бевафолик уни беҳад ғазаблантиради ва яна бир содиқ ёр излаш майли ўртага ташланади.

Навбатдаги мисралар оҳангидан равшанлашадики, дарғазаб ошиқни танланадиган маҳбубанинг наслу-насаби ва манзилу-макони қизиқтирмайди. Янги изланадиган маҳбубанинг лафзи ҳалоллиги диққат марказида тутилади.

Бешинчи байтда эса, ўша муддао янада мустаҳкамланади: маҳбубанинг кўрку-таровати, шўхлику-карашмаларидан кўра, унинг сидку-садоқати сўзи устидан чиқиши каби фазилатларига эътибор қаратилади. Олтинчи байтда

ишончдан кўра гумонсираш туйғуси баландлашади. Олдинги мисраларда хукмронлик қилган қатъият ўрнини сабру бардош туйғулари эгаллай боради. Бошқача айтганда, шеър қаҳрамони ошиқнинг дарз кетган юраги янги маҳбубани (унинг ҳусни жамоли, феълу атворидан қатъий назар) қабул қилолмайди. Ғазал мактабида шеър давомида мисралар мағзига сингиб борган ғазаб юмшайди. Унинг ўрнини сабру қаноат ила аҳдга вафо қилиш қанақа бўлишини кўрсатиш ғояси эгаллайди. Умуман олганда ишқ бобида шоҳу-гадонинг тенглиги фикрига тарафдорлик қилган Алишер Навоий нуқтаи назаридан бир қалбга биргина муҳаббат макон тутиши муқаррардир, холос.

Айтилганларга кўра, номурод муҳаббат интиҳосидан дилгир бўлган шоир ўз қасамига содиқ қолди ва дунёни “аҳли аёлсиз” танҳо ўтказди. Бу номурод муҳаббат ҳақида ёзма манбалар ва оғзаки ижод намуналарида турфа маълумот ҳамда ривоятлар акс эттирилган. Бундай манзарани “Алишер ва табиб”, “Алишер севган қиз ва Ҳусайн Бойқаро” тарзида номлаш мумкин бўлган ривоятларда ҳам ўша номуродликни ҳис қилиш қийин эмас. Кейинги ривоятда нақл қилинишича овга чиққан Ҳусайн Бойқаро кечга яқин шаҳарга қайтади. Ёз мавсумида Ҳиротда томда ётиш одати бўлганлиги туфайли Алишер севган қиз бошига ҳарир рўмол ташлаб томни супураётган бўлади. Шу пайтда тор кўчадан Ҳусайн Бойқаро ва унинг мулозимлари отда ўтаётган ва ўзига хос бир шамол пайдо бўлиб, унинг таъсирида қизнинг бошидаги рўмол тушиб кетади. Бўйи салкам томга баробар оқ отида кетаётган тождор қизни баралла кўради ва унга ошиқ бўлиб қолади. Саройга қайтган Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни чақириб, унга маҳалла ва дарвозани айтаркан, уни совчиликка юборади...

Бу таклифдан ички ҳаяжонга тушган шоир сир бой бермайди. Унинг назарида Султон Ҳусайн Бойқаро ўша қиз ва шоир ўртасидаги муҳаббатдан хабардор бўлгани ҳолда, атайин шундай қилаётгандай кўринади. Алқисса, миждоздаги ўша жиззакилик ўзидан хабар беради ва Алишер Навоий совчиликка боришга розилик беради...

Уйғун ва Иззат Султонларнинг “Алишер Навоий” сахна асарида Гулининг ҳарамга келтирилиши билан алоқадор лавҳаларга юқоридаги ривоят туртки берган бўлса ажаб эмас. Манзаранинг бундай тус олишидан катъий назар, Алишер Навоийнинг йигитлик йилларида танлаган ва севган кизининг бўлганлиги айти ҳақиқатдир...

Навоийшуносликда ўша кизнинг шахсига доир хилма-хил мулоҳазаларга дуч келамиз. Баъзи тадқиқотчилар ўша кизни Хадичабегим эди қабилдаги фикрига тарафдорлик қилишади. Бундай хулосага қўшилиш кийин. Чунки, Хадичабегимга дастлаб Абу Саид Мирзо уйланган. 1468-йилда бу тождорнинг Шох Исмоил Сафавий томонидан ўлдирилишидан кейин 1469-йилда Хуросон тахтини эгаллаган Султон Ҳусайн Бойқаро Хадичабегимни ҳам ўз никоҳига олган ва ундан Музаффар Ҳусайн Мирзо исмли бир фарзанд кўрган. Мавзунинг Алишер Навоийга дахлдор жиҳатига қайтадиган бўлсак, манбаларнинг шаҳодатича, Ҳазрат саройга борганда мактабдош дўстининг суюкли бу хотини билан тез-тез учрашиб ҳам турган. Улуғ шоирнинг “Бадойеъ ул-васат” девонидан жой олган ғазаллардан бири ҳам шу хусусда дадил бир фикрга келиш асосини беради. Мана, ўша ғазалнинг матлаъ ва мақтаъи:

Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо,

Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ донаи савдо.

... Навоий гар қуёш норанжидин беҳрак кўрар, тонг йўқ,

Беҳиким лутф қилмиш маҳди ульё исматуд дунё (Ўша китоб, 34-б.).

Ғазал мисралари мазмунидан аёнлашадики, ўшандай учрашувлардан бирида Хадичабегим Алишер Навоийга чиройли бир беҳи тухфа этади. Воқеий лавҳа заминидан туғилган етти байтлик ғазалда ўша меванинг жуда гўзал бадий тасвири чизилади. Баҳсимиз мавзуига дахлдор ишора эса ўн тўртинчи мисрада аксини топган ёхуд беҳини тухфа этган шахс ишораларда кўрсатилган. Унга кўра, “маҳди ульё”-подшонинг (Ҳусайн Бойқаронинг) катта хотинига бериладиган унвон. XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда бу унвон Хадичабегимга берилган. Луғатларда “исматуд

дунё” иборасининг “дунёнинг энг покизаси” мазмуни борлиги кўрсатилади. Равшанки, Алишер Навоий Хадичабегимни дунёнинг энг покиза аёли мақомида улуғлаётир. Мулоҳаза қилиб кўрайлик, чинданда Алишер Навоий ва Хадичабегим ўртасида “севги достони” содир бўлганда эди ул зоти мукаррам бу аёл ҳақида бу қадар авж пардада муҳокама юритмаган бўлур эди.

Биринчидан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таъкид этганидек “мижози нозиклик билан машҳур шахснинг “ кўлидан бу иш келмасди. Иккинчидан, Абу Саид Мирзо саройида муҳрдор лавозимида фаолият кўрсатган ва уни ихрождан сақлаб қололмаган улуғ оғаси Амир Низомиддин Шайх Баҳлулбекка нисбатан кек сақлаб, унинг номини бирор бир асарида тилга олмаган Алишер Навоий Хадичабегимни ҳам кечирмаган ва у ҳақда ёзмаган бўлур эди ...

Ҳақиқатдан ҳам, улуғ шоирнинг ғаройиб сеvgи дафтари ҳаммани қизиқтирган ва юқорида неча бор таъкид этганимиздек, шеърят мулки султони замондошлари ҳам айна масалага бефарқ қарамай, ўз битикларида нималардир иншо этиб қолдиришган.

Мен бу ўринда уч мўътабар манбага мурожаат этиш билан чекланаман. Олдиндан айтиб қўяй, ҳар уч муаллиф ҳам Алишер Навоийнинг кичик асрдошлари ҳисобланади. Улардан бири Хондамир. Бу зот улуғ ўзбек шоири ҳақида илк йирик асар яратган инсондир. Унинг “Макорим ул-ахлоқ” китоби Алишер Навоий тирик бўлган даврдаёқ ёзила бошланган. Муаллифнинг ўзи улуғ ўзбек шоири раҳнамолигида вояга етган. У бизнинг мавзуимизга доир шундай фикрни ўртага қўяди:

Дардоки, покбози жаҳон аз жаҳон бирафт,

Пок ончунон ки омада буд, ончунон бирафт.

Яъни : пок келиб, пок кетди-уйланмади!

Иккинчи манба - “Бобурнома”. Асар муаллифи гарчи Алишер Навоийни юзма-юз кўрмаган, аммо мактуб орқали мулоқот қилган. Улуғ шоир вафотидан сўнг, 1505-1506 йилларда йигирма кунча унинг Ҳиротдаги

ўша табаррук ҳовлисида яшаган яна бир томони шундаки, Бобур ўзининг ўта ростгўйлиги билан ҳам адабиётимиз тарихида ажралиб туради. “Бобурнома”да ўқиймиз: “Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас... **Ўғул ва киз ва аҳлу аёл йўқ оламни тавре фард ва жарийда ўткарди**” (233-бет). Бундай аниқ ва дадил гаплардан кейин ҳар қандай тусмолларга ўрин қолмайди деб ўйлайман. Мен кўзда тутган учинчи манба Зайниддин Маҳмуд Восифий қаламига мансуб. У Ҳирот фарзанди ва Алишер Навоий суҳбатларига мушарраф бўлган эди. Боз устига, унинг тоғаси Соҳиб Доро ҳазратнинг ишончли мулозимларидан ҳисобланади. Восифий ёзганларига кафил сифатида шу забардаст шоир ва жамоат арбобини кўрсатади. Хуллас, “Бадойеъ ул-вақоеъ” саҳифаларини варақлаймиз. Мазкур асар йигирма йилдан зиёдроқ давр ичида шарқшунос профессор А. Н. Болдирев томонидан тадқиқ этилган. Шу олимнинг заҳмати туфайли асар 1970-1971 йилларда Москвада, “Наука” нашриётида араб алифбосида икки жилдда нашр этилган.

Биринчи китобнинг 581-592- саҳифаларида баҳсимиз мавзуйига тегишли ҳикоят келтирилади. Эслатилган саҳифаларда такрор қайд этганимиз каби улуғ шоирнинг уйланмай юриши миш-миш ва шубҳаларга ҳам асос бўлган. Жумладан, мазкур масала билан Хуросон давлатини бесув силкитиб турган Хадичабегим ҳам шуғулланган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг бу суюкли хотини Алишер Навоийнинг эркаклик иқтидорига шубҳа билан қарайдиганларга майл билдирган ва синов ўтказиш режасини тузган. Алқисса, ўзининг ҳусну жамоли ва назокати билан Алишер Навоий назарига тушган Давлатбахт исмли канизагини Ҳазрат даргоҳига юборади. Катта топшириқ олган канизак уни уддалаш учун йўл ва пайт пойлайди. Ўта зийрак Алишер Навоий муддаони илғайди. Бекасининг тахмини асоссиз эканлигига ишонч ҳосил қилган Давлатбахт муродига етмай, Хадичабегим даргоҳига қайтади. Масаланинг бу томонини Ҳазратнинг ўзлари ҳам таъкидлайдилар ва Хондамир айтганидек, покликка доғ тушуришдан сақландилар. Алишер Навоийдаги бу жасорат Ҳусайн Бойқаро ва Хадичабегимни ҳам ҳайратга

солган. Ҳатто, “Ҳамса” хатмидан кейин, Ҳусайн Бойқаро барча ақидаларни бир чеккага суриб қўйиб, ҳазратни ўз пири сифатида эътироф этади...

Алқисса, донишманд халқимиз башорат этганидек “ёшликда берган кўнгил, айрилмас бало бўлур” мақоли тўла маънода Алишер Навоий қисматида амал қилди ва ул зоти бобаракат бу армонни ўзлари билан охирагга олиб кетдилар...

ХОТИМА

Кутилмаган воқеа ва ҳодисаларга сероб дунё бу жараёндан Алишер Навоийни ҳам эмин қолдирмади. Ул зоти мукаррамга беҳад улкан истеъдод, ақлу заковат ва омадларни тақдир этган Тангри таолло унинг насибасига бир қатор кемтикликларни ҳам раво кўрди. Айниқса, оилавий ҳаётда бу зарба ёрқин из қолдирди. Ҳазратдан зурриёт қолмади...

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,

Мени истар кишини суҳбатин кўнглим писанд этмас.

дея зорланган улуғ шоир ўша орзуларини ўзи билан охирагга олиб кетди...

УЧИНЧИ ФАСЛ

УЛУҒ ЁЗУВЧИГА МУҲАББАТ

(Сўз боши ўрнида)

Абдулла Қаҳҳор ижоди билан илк танишувим ўрта мактабда талабалик йилларидан бошланган. XX асрнинг 50-йиллари эди. Улуғ адибнинг яратилган пайтидаёқ жуда катта шов-шувга сабаб бўлган "Ўғри", "Бемор" каби жажжи ҳикоялари ўша йилларда ҳам оғиздан тушмай, мактаб дарсликларидан мустаҳкам ўрин олган ва завқ билан ўқилар эди. Айни ҳикояларда ўтмишнинг "қораланиши" шўро мафкураси талабларига мувофиқ бўлиб тушарди, албатта. Менинг ҳам завқимни уйғотган, юрагимга адабиётга бўлган муҳаббатни қитиклаган ана ўша маҳорат билан ёзилган ҳикоялар бўлса ажаб эмас. Ҳазрат Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий дунёсига чуқурроқ кириш йўли очилди. Адибнинг "Сароб", "Қўшчинор чироқлари", "Синчалак" каби асарларини қўлдан қўймай севиб ўқирдик. "Шоҳи сўзана" ("Янги ер") дан бир парчани мактаб саҳнасида қўйганимиз ва Деҳқонбой образини талқин қилганим ҳамон эсимда. Мумтоз адабиёт билан шуғуллансам-да, Абдулла Қаҳҳор асарларига бўлган муҳаббатим қилча пасайгани йўқ. Бу улуғ адибнинг сўздан фойдаланишдаги юксак санъати, ҳақиқатни рўйи-рост айтиши, адолатпарварлиги ва энг муҳими, "қайсарлиги" менга хуш ёқади. Шунинг учун ҳам унинг деярли барча асарлари кутубхонамнинг суюкли мулки десам хато қилмайман. Адиб таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан қалбимда яширин ўша муҳаббат жунбушга келди ва мени бир нималар ёзишга ундади. Адибнинг қатор асарларини яна қайта varaқлашга, улардан баҳра топишга муяссар бўлдим.

Кўп марта ўқиганим "Ўтмишдан эртаклар"ни такрор ва такрор суюкли умр йўлдошим Муборакхон билан бирга мутолаа қилдик. Ундаги лавҳалар бизни яна бир карра улуғ адибнинг қатъиятидан хабардор қилди. Болалик таассуротлари орқали бувисидан қаттиқроқ ранжиган адиб XX асрнинг 60 – йилларида яратилган мазкур асарида ўша қаҳрни унутган эмас. Қачон бу

баджаҳл аёл ҳақида гап кетса, уни "отамнинг онаси" ибораси билан тилга олади. Айни жиҳатлар менинг феълимда ҳам мавжуд бўлганлиги туфайли бўлса керак, салоҳиятли адиб ва унинг асарлари қалбимга яқин деб ўйлайман. Аслида бундай қайсарлик хонадонимиз аксарият аъзоларининг табиатида мавжудлиги сабабли, Абдулла Қаҳҳор ҳазратлари мерос қолдирган асарлар бизнинг оиламиз учун энг сеvimли китоблар ҳисобланади.

Сизнинг эътиборинингизга ҳавола қилинаётган уч мақола ўша муҳаббатнинг бир ёлқинидир. Мен уларни адабиётшунос мақомида эмас, улуғ ёзувчи ижодининг бир муҳлиси сифатида қоғозга туширдим ва эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдим. Табиийки, менинг бу битикларимда маромига етмаган нуқталар кам эмас. Бунинг учун сиздан узр сўрашга бурчлиман, муҳтарам китобхон!

АДИБ ИЖОДИНИНГ САРЧАШМАЛАРИ

Абдулла Қаҳҳорнинг муборак номи тилга олинганда китобхон кўз ўнгида унинг “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари” романлари, “Синчаклак”, “Муҳаббат” каби ўнлаб маҳорат билан ёзилган қиссалари, “Оғриқ тишлар”, “Янги ер” (“Шоҳи сўзана”), “Аяжонларим”, “Тобутдан товуш” сингари сахна асарлари намоён бўлади. Улуғ адибни кенг китобхонга таништиришда унинг сеҳрли қаламига тухфа этган ғоят ихчам, мазмунан йирик асарларга тенг “Бемор”, “Ўғри”, “Адабиёт муаллими” каби ўнлаб ҳикоялари муҳим аҳамиятга эга. Ёзувчининг нотақрор шахс, иқтидорли адиб, доврўқли журналист ва жамоат арбоби сифатида шаклланишида бошқа эътирофли омиллар билан бирга мумтоз адабиёт (ўзбек ва рус) таянч манба вазифасини ўтади. Олтмиш йилдан сал зиёдроқ чўзилган умри давомида “фирқанинг онгли аъзоси” (адибнинг ўз ибораси) “адабий-ижтимоий” мақомида фаолият кўрсатган ёзувчи бадиий сўз санъати ҳақидаги илк сабоғини ўзбек мумтоз адабиёти мактабида олди. Аҳмад Яссавий, Мавлоно Лутфий Шоший, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Бобораҳим Машраб каби ўнлаб истеъдод

соҳибларининг юксак санъаткорлик билан яратилган дурдона асарлари Абдулла Қаҳҳор бадиий тафаккурининг шаклланиш, “Адабиётнинг атомдан кучли” лигига (адибнинг ўз ибораси) ишончини оширишга хизмат қилди.

XX асрнинг ўттизинчи йилларида қизгин ижодий меҳнат жабҳасидаги изланишларини бошлаган Абдулла Қаҳҳор даврий матбуотда танқидий мақолаю лавҳалар ва адибнинг ўз эътирофи билан айтганда машқ – ҳикоялари кўрина бошлади. Айни асарларда Шарқ мумтоз адабиёти ҳикоячилигига хос услубий жиоларни ҳис қилиш қийин эмас эди. Тўғри, ҳикояга хос жанрий хусусиятлар, ҳаётий лавҳаларнинг танланиши, уларни ихчам, таъсирчан қилиб, китобхонга етказилиши каби жиҳатларнинг Абдулла Қаҳҳор ижодий тажрибасида кенг қулоқ ёйишида рус мумтоз адабиёти, айниқса, А.П.Чехов, Н.В.Гоголларнинг таъсири бағоят кучли. Масаланинг айни жиҳатини муаллифнинг ўзи “Чеховдан ўрганайлик”, “Биринчи домлам”, “Устоз”, “Муборак кўзойнак” (Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. VI томлик. VI том. Ғафур Ғулом номидаги А.С.Н. Тошкент. - 1971 йил, 238-271; 280-281; 281-283) каби мақолаларида равшан ёзиб қолдирган. Бироқ адиб ўз миллий заминидан йироқлашмайди. Ва асарларига шарқона удум-одатларни сингдира боради. Фикримиз далили учун унинг “Бемор” ҳикоясига доир чизгиларни назардан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Абдулла Қаҳҳорнинг **“Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага”** сарлавҳали мақоласига мурожаат қилайлик. Унда ёзилади: “Бемор” деган ҳикоямда тасвир этилган воқеага ўхшаш ҳодиса тахминан 13–йилда (XX асрнинг 1913 йил – Р.В) ўз бошимдан кечган эди. Бу вақтда мен беш яшар эдим” (Ўша китоб. 314-бет).

Ёзувчи “Бемор” ҳикоясида тасвирланган воқеага ўхшаш лавҳанинг ўз қисматида содир бўлганлигини таъкидлар экан, темирчилик орқасидан ризқ-рўз топиш илинжидаги отаси билан оиланинг Яйпан қишлоғига келиб қолганлигини маълум қилади. Мақоладаги эътирофларга кўра Яйпандаги тунлардан бирида ёзувчининг ҳомиладор онаси тўлғоқ дардига чалинади. Тиббий ходим ва шифохоналар бўлмаган бундай вазиятда доя хотинларга

мурожаат қилинган. Алқисса, темирчи уста қўшни бир кампирни чақириб келади. Воқеаларнинг кейинги тафсилоти хусусида мақолада ўқиймиз: “...Ёнимда ўтирган дадам бирдан ўрнидан турди. Кўзимни очдим. Тепамда бояги қўшни кампир турар эди.

– Қалай? – деди дадам ҳовлиқиб.

– Қийналяпти бечора, – деди кампир. Ва бир оз жим қолганидан кейин менга ишора қилди. – Ўғлингизга айтинг, аясини дуо қилсин, гўдакнинг дуоси ижобат бўлади.

Дадам энгашиб менинг қулоғимга шивиради.

– Худоё, аямга нажот бергин, дегин! Айт!

Дадам жуда ташвишманд эди. Мен бошимни кўтардим. Осмон тўла юлдуз бўлса ҳам, қоп-қоронғи эди. Юрагимни ваҳима босди. Дадам қистар эди. Йиғламсираб дуо қилдим” (315-бет). Таъкидлаш жоизки, ёзувчининг “Бемор” ҳикоясида воқеа–ҳодисалар сал бошқача йўсинда бадий ифодасини топган. Унда тўрт яшар норасида қизчанинг ҳолсиз ётган онаси тўшаги бошида дуо қилиши тасвирланади. Ҳатто онасидан жудо бўлганини пайқамаган, уйқусираган қизча уч-тўрт кун илгариги дуосини билдираб, чучук тил билан такрорлайди. Аммо бир ҳақиқат аёнки, ёзувчининг болалик йилларида ўз қисматида содир бўлган ўша лавҳалар “Бемор” учун туртки бўлган. Масаланинг яна бир жиҳати халқона урф-одатлар, удумларга уланади. Шарқ адабиёти тарихида бемор ва беморликка дуч келинганда турфа дуолар, удумлар хаста ётган одамнинг боши тагига нон, туз, пиёз, пичоқ қўйишлар, қимматбаҳо жавоҳиротларни тасаддуқ қилишлар анъана ҳисобланади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида вужуд-вужуди билан ишқ дардига чалинган бош қаҳрамон муҳаббат оташини янада оловлантирувчи тумор-дуони боши тагига қўйиб, ундан нажот тилайди. Тўнгич ўғли Ҳумоюн Мирзонинг қаттиқ касалга чалинганини кўрган ва муолажаларнинг натижасиз кетганлигидан қаттиқ ташвишланган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Тангри Таолога мурожаат қиларкан, дейди:

“Эй, парвардигор, Заҳриддин Муҳаммад Бобурдурман! Агар сенга жон керак бўлса, менинг жонимни олгин, Ҳумоюн Мирзога сиҳат бергин!”

Тарихий манбалардан аёнки, Бобур Мирзонинг сидқан қилинган илтижолари ижобат бўлди. Бобур Мирзо омонатини топширди ва Ҳумоюн Мирзо соғайиб, салтанат тожини кийди...

“Ўтмишдан эртаклар” қиссасида ёзувчи Оқ домланинг ҳовлисида яшаётган пайтларида волидаий муҳтарамасининг алаҳсираш, кўз ўнгида турли инсу жинларнинг намоён бўлиши ҳақида ёзади. Ва аёлнинг бу дарддан фориғ бўлиш воситаси сифатида унинг ёстиғи тагига бир парча тоза матога ўралган “Қуръон” қўйилишини баён этади.

Ижтимоий ва адабий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга ўта синчковлик билан муносабатда бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг юқорида эслатганимиз таъсирчан манзаралардан беҳабар қолганлиги мумкин эмас... Ёзувчи ижодидан яна бир мисол келтириш билан баҳсимизга якун ясайлик.

Абдулла Қаҳҳорга катта шуҳрат келтирган ҳикоялардан яна бири “Анор” бўлиб, у ҳам муайян ҳаётий лавҳа заминида туғилган. Истеъдодли ёзувчига болалик йилларида Бувайда қишлоғида кузатгани лавҳа эслатганимиз ҳикоянинг яратилишига туртки берган. Ҳикояда анорга бошқоронғи бўлган Туробжоннинг (аслида Бабар) хотини билан содир бўлган воқеалар қаламга олинади. Ҳомиладорлик жараёни бошланиши палласида аёлларнинг турфа нарсаларга (анор, олма, беҳи, кесак, бўр ва ҳоказо) бошқоронғи бўлиши оддий ҳаётий ҳақиқатдир. Бироқ хотинига иккитагина анор олиб беришга моддий имконияти етмаган Туробжон (хотинига) писанда қилади: Бошқоронғи бўл, эвида-да, келиб-келиб, бир донаси фалон сўм турадиган анорга бошқоронғи бўласанми...

Илоҳий-ирфоний манбаларнинг шаҳодатига кўра, эркак аёлнинг айни даврини эътиборсиз қолдирмаслиги ва жуфти ҳалоли қўмсаган нарсаларни ўзининг фидокорона меҳнати орқали топган маблағидан олиб бериши шарт ҳисобланган. Чунки ана ўша луқма дунёга келажак боланинг феъл-атвориغا кучли таъсир ўтказар экан. Мусулмон муҳитида тарбия кўрган,

отасининг оғир темирчилик меҳнати орқали топган маблағи ҳисобидан тирикчилик ўтказиб, вояга етган Абдулла Қаҳҳор ўша ҳақиқатни тўғри англаган. Бироқ ҳикояда софдил ва меҳнаткаш одамларнинг умрига завоّل бўлган, уларни танг вазиятга солиб қўйган ижтимоий муҳитнинг чиркинлигини кўрсатиш мақсадида Туробжонни Олим саркорнинг (тарихий шахс) боғига ўғриликка туширади. Аслида, тарихий шахс бўлган Бабарнинг қўлидан бундай юмушлар сира-сира келмаган...

Ўзбек мумтоз адабиётига доир ҳаётбахш анъаналар адибнинг ижодий камолотида парвозга ундовчи муҳим омил вазифасини ўтаган бўлса, рус мумтоз адабиёти вакиллариининг адабий тажрибаси иккинчи қўшқанот вазифасини ўтади. XIX аср рус классик адабиётининг икки нотакрор даҳоси Абдулла Қаҳҳорга ўта кучли таъсир ўтказди. Ана ўшалардан бири Н.В.Гоголь даҳосидир. Бу хусусда Абдулла Қаҳҳор **“Биринчи домлам”** сарлавҳали мақоласида зўр қониқиш билан мушоҳада юритган. Ёзувчи XX асрнинг ўттизинчи йилларида бахтли бир тасодиф туфайли Ўрта Осиё Давлат университетида таҳсил олаётган Павел исмли бир йигит билан танишиб қолади. Рус адабиётидан яхшигина хабардор Павел ёзувчи ҳамда журналист сифатида шаклланиб келаётган Абдулла Қаҳҳорга Н.В.Гоголнинг **“Иван Иванович ва Иван Никофорович ораларида бўлиб ўтган низолар”** ҳикоясини тухфа этади. Рус тилидан деярли хабардор бўлмаган бўлажак ёзувчи мазкур асарни луғатлар ёрдамида олти карра ўқиб чиқади. Унинг бундай жиддий уринишлари Абдулла Қаҳҳор учун биринчидан рус тилини ўрганишда катта сабоқ бўлиб хизмат қилган. Айни асарнинг иккинчи ҳаётбахш таъсири хусусида эса ёзувчининг ўзи қуйидагиларни таъкидлайди: “Иккинчи томондан, мени янги бир оламга, китобга эмас, ҳаёт одамларининг товуши эшитилиб, қиёфаси яққол кўриниб турган, уларнинг ички дунёсини ойнадай акс эттирган адабиёт оламига етаклади.

Мана шу биринчи сабоқ менда Гоголнинг бошқа асарларини ҳам ўқишга иштиёқ туғдирди” (266–бет). Шу тариқа ёзувчи Н.В.Гоголнинг

адабий оламига чуқур кириб борар экан, ёзилажак асарларида унинг таъсирини адибнинг ўзи ҳам чуқур англайди. Масаланинг эслатилган жихатини (таъсирини) пайкаган ёзувчининг ижодкор дўстлари ҳам “Тилинг бу қадар заҳарланиб боряпти? – дея адибга писанда ҳам қилишади. Зикри ўтган мақола давомида Абдулла Қаҳҳор Н.В.Гоголнинг “Тарас Бульба”, “Уйланиш”, “Ревизор” каби бадиий яратмаларидан катта завқ олганлигини алоҳида қониқиш билан таъкидлайди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўз эътирофига кўра, унинг уруш йилларида ёзилган **“Асрор бобо”** ҳикоясида “Тарас Бульба”нинг чизгилари сезилади. Асрор бобо Тарас Бульбанинг Ўзбекистондаги укаси мақомида ҳайқириб, халқни фашизм балосига қарши шиддатли курашга даъват этмоғи лозим эди...

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоячиликда маҳорат сирларини чуқур ўрганиши, халқ ҳаётининг ўтмиш манзараларининг санъаткорона бадиий ифодалашади А.П.Чехов мактаби ҳам ўчмас излар қолдирган. Ёзувчи **“Муборак кўзойнак”** мақоласида шу хусусида ёзади: “Бундан йигирма беш йил олдин мен у кишининг инқилобдан олдин босилиб чиққан 22 томлик асарлари тўпламини қўлимдан қўймасдан ўқиб чиқдим. Шунда аломат бир ҳодиса юз берди: шу билан муҳтарам устод менга муборак кўзойнакларини бердилар-у: “Мана буни тақиб ўз халқингнинг ўтмишига назар сол, – дедилар.

Устознинг муборак кўзойнакларини тақиб халқимнинг ўтмишига қарадим. “Бир томонда темир йўл гайкаларини бураб олган ”Ёвуз ниятли киши – Денис, иккинчи томонда отқоровул юр деса юрган, тур деса турган, устидан ошириб ўқ узганда ҳам киприк қоқмаган “баттол ўғри” Бабар! Булар замона дарахтида етишган бир олманинг икки палласи эди” (281-282-бетлар).

Юқорида кўчирганимиз айрим лавҳалар кейинчалик ёзувчининг “Ўтмишдан эртаклар” асарига ёзилган сўз бошидан ҳам ўрин олган (Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. II том. Тошкент. 1967, 8-бет). Ёш Абдулланинг болалик йилларида Фарғона водийсининг Яйпан, Нурсук, Қудаш, Бувайда,

Толлиқ, Олқор, Юлғунзор, Оққўрғон каби қишлоқларида кўрган-кечирганлари бадий ифодасини топган “Ўтмишдан эртақлар” асари ана ўша муборак кўзойнакда намоён бўлган воқеа-ҳодисаларнинг ижтимоий–тарихий акс садосидир. Ёзувчи мазкур асарини “Ўтмишдан лавҳалар” сарлавҳаси билан чоп эттириш ниятида қалам ушлаган. Бироқ айтихотираларнинг парчаларидан даврий матбуот орқали хабар топган куюнчак китобхонлар ва бир танқидчининг “Жуда зулмат-ку, китоб ўқувчида жуда оғир таассурот қолдирмасмикан? (Ўша том. 9-бет) тарзидаги дашноми “лавҳалар”нинг “эртақлар” тарзида алмаштирилишига сабаб бўлган (Бизнингча, адиб шаъма қилган бу танқидчи Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов бўлиши керак – Р.В.)

Дарҳақиқат, “Ўтмишдан эртақлар” асарида тасвирланган воқеа-ҳодисаларни ички бир изтироб, армону алам ва ҳайратсиз ўқиш қийин. Ўз даврининг яхшигина саводхони, қўли гул темирчиси, ҳақгўю, ҳақпараст бўлган Абдуқаҳҳорнинг аянчли тақдири, оилавий дардлари, бору йўғи бир аробага юк бўладиган рўзғор анжомлари билан бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа қувилишига алоқадор лавҳаларни хотиржам ўқишни тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Худди шундай гапни Абдуқаҳҳорнинг акаси, Абдурахмоннинг ваҳшиёна ҳаракати, қизи Сарвинисони зўрлаб ўзи истаган одамга турмушга чиқармоқчи бўлгани, жигарбандининг дил нидоларига парво қилмай, уни бир тепиш билан охиратга кузатгани нақадар аянчли манзаралардир. Асарда ифодасини топган софдил ва ишонувчан Бабарнинг қисмати, девона ит қопган хотинини соғайтириш йўлидаги бефойда кетган уринишлари, охир оқибат бир дарахтнинг тагида совукдан қотиб ўлганини ёзувчининг бадий тўқимаси дейиш адолатдан эмас, албатта. Асарда юзлаб, ҳалол, фидойи, ўз умри йўлида дуч келувчи жирканч лавҳаларни тақдир-азалдан билиб, сабру бардош билан умргузаронлик қилган инсонларнинг нуруний сиймолари китобхон қалбига илиқлик олиб киради. Шулар қаторида ёвузликни умр мазмунига айлантирган қатор нокаслар ҳам “Ўтмишдан эртақлар” асарида ҳаракат қиладики, улар зукко китобхон

калбида нафрат туйғуларини оловлантиради. Муҳими, маҳорат билан ёзилган “Ўтмишдан эртаклар” ўз муаллифи иқтидорининг янги қиррасини кашф этиш калитини беради. Иккинчидан, Шарқ ва Ғарб (рус) мумтоз адабиёти анъаналари омехталашгани Абдулла Қаҳҳорнинг бадиият пиллапояларига кўтарилишида таянч омил вазифасини ўтаган.

ЁШ АБДУЛЛАНИНГ ИЗТИРОБЛИ САРГУЗАШТЛАРИ

Бадиий адабиёт тарихида ижодкорнинг ўз болалик йиллари ҳақида асар ёзиши янги ҳодиса эмас. Бундай анъанани жаҳон адабиётининг турли даврларида ҳам кузатиш мумкин. М. Горкийнинг "Болалик" трилогияси, С. Айнийнинг "Ўзимнинг қисқача таржимаи ҳолим", "Эсдаликлар", Ойбекнинг "Болалик" , Қори Ниёзийнинг "Ҳаёт мактаби" каби асарлари фикримизнинг ёрқин далили ҳисобланади. Салоҳиятли Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртаклар" қиссаси ҳам эслатилган йўналишга мансублиги билан аҳамиятлидир. Ёзувчи ўзининг ёшлик йилларидаги аянчли саргузаштларини асар саҳифаларида гоят равон ва маҳорат билан акс эттирган ва ўша саҳифалар ўқувчида катта таассурот қолдиради. Масаланинг таъкидга сазовор яна бир жиҳати шундаки, "Ўтмишдан эртаклар"да бадиий инъикосини топган лавҳалар фақатгина муаллифнинг мусибатли таржимаи ҳоли ифодаси бўлмай, балки унга замондош бўлган ва XX асрнинг ибтидосида умргузаронлик қилган минглаб инсонларга ҳам алоқадордай акс-садо беради. Қиссанинг биринчи нусхасида унга "Ўтмишдан лавҳалар" дея сарлавҳа қўйишни режалаштирган адиб кўп сонли китобхонлар ва соҳа мутахассислари хоҳиш-иродасини инобатга олган ва "лавҳаларни" "эртаклар" билан алмаштиришни лозим топган. Бу ҳақда "Ўтмишдан эртаклар"нинг "Бир – икки сўз" бобида ўқиймиз: "Йиллар ўтиб янгидан-янги китобхон авлоди етишган сайин бу эътирозлар кескин тус ола борди: наинки, ҳўкиздан айрилган мусибатдийда бир мўйсафидга ҳеч ким раҳм қилмаса, ахир амалдорлар ҳам одам-ку; наинки, киши ўз юртида бегона бўлиб, ўз шаҳрининг томоша боғига киролмаса; наинки, бемор хотинга

гўдакнинг саҳарлари қиладиган дуосидан бошқа даво топилмаса; наинки, соғ-саломат йигит бошқоронғи хотинига иккита анор олиб беролмаса; наинки, зиёли деб аталган киши бойнинг итидан ҳам тубан турса!

Ёш китобхонларнинг таънаси, хусусан, сўнги йиллар дашномига айлана бошлади.

1960 йилда ўзбек аёлининг ўтмишига оид "Даҳшат" деган бир ҳикоя ёзган эдим. Бу ҳикояда саккизта аёлни Олимбек додхонинг ҳарамига қамаб қўйганим бир аёлга ҳақорат бўлиб тушибди. Имзосиз, адрессиз юборилган хатда шундай сатрлар бор:

"... ўтмишда шундоқ бўлса, эҳтимол, бўлгандир, лекин ўзбек хотин-қизлари тарихининг шундай маломатли саҳифаларини ҳозир, бугунги кунда тирилтириш шартми? Сиз ўтмишни қаламга олганингизда баъзан уйдирмачиликка берилиб кетасиз..."

... Мана шунақа таъна – дашномлардан кейин "уйдирмачиликка" берилмасдан, ўз кўзим билан кўрганларимни, ўтмиш ҳаёт лавҳаларидан эсимда қолганларини қаламга олгим келиб қолди... Мен китобни "Ўтмишдан лавҳалар" деб атамоқчи эдим, майли шуларнинг ҳам кўнгли тўлсин, китобни "Ўтмишдан эртаклар" деб атай қолай" (А. Қаҳҳор. Асарлар. Иккинчи том. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги БАН. 1967. 8-9-бетлар. Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу китобдан олинади ва тегишли саҳифалар қавс ичида кўрсатиб борилади). Кўчирганимиз парчада иқтидорли адибнинг XX аср 30-йилларида яратилган ва катта шов-шувларга сабаб бўлган "Ўғри". "Бемор", "Анор" каби ҳикояларига ишора кетади. Чиндан-да, тилга олганимиз асарларда бадий ифодасини топган воқеалар янги авлод китобхонлари назарида "уйдирма" бўлиб кўриниши турган гап. Аммо ҳаётда, тарих қаватларида бундан-да даҳшатлироқ лавҳаларнинг кечганлиги айни ҳақиқатдир ва бу хусусда кўп сонли тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Иккинчидан, XX асрнинг 30-40-йилларида таваллуд топган китобхон танқидчининг ўша ҳаёт ичида яшаган ва ўзи шоҳиди бўлган воқеаларни қаламга олган адибнинг битикларига эътироз билдириши ҳам янгилик эмас.

Худди шундай таъна-дашномлар устоз Садриддин Айнийнинг "Эсдаликлар" асари ҳақида ҳам айтилган. Ёзувчи Ғиждувон қозиси лавозимида ишлаган маърифатпарвар ва шоир Садрий-Сарир ҳақида ёзиб, унинг инсоний-ижтимоӣ фаолиятидаги фазилатларни улуғлагани учун адабиётшунос Соҳиб Табаровнинг танқидига учраган эди. Мазкур танқидчи назарида ўтмишдаги барча амалдорлар жоҳил ва манфаатпараст шахслар бўлиб кўринган...

"Ўтмишдан эртаклар"нинг саҳифаларида аксини топган тарихий ҳақиқат чиндан-да ўқувчида жуда оғир таассурот қолдиради. Бироқ буларни уйдирма сифатида қабул қилиш адолатдан эмас. Чунки худди шундай аянчли саргузаштларни устоз С. Айнийнинг "Эсдаликлар" , "Дохунда", "Қуллар", "Одина" "Судхўрнинг ўлими", Ойбекнинг "Қутлуғ қон", "Навоий", "Болалик" каби роману қиссаларида ҳам кузатиш мумкин. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни эслаш жоиз кўринади.

70 йилдан зиёдроқ даврга чўзилган шўро мафкураси адабиёт ва санъатда амал қилган социалистик реализм методининг асоратлари эслатилган йилларда бунёдга келган асарларда ўз муҳрини босганлиги аниқ. Бироқ ўтмиш ҳаёти манзараларига тегишли лавҳаларда тарихийлик тамойилларининг устунлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Болалик йиллари Фарғона водийсининг Яйпан, Нурсуқ, Қудаш, Бувайда, Толлиқ, Олқор, Оққўрғон сингари қишлоқларида ўтган Абдулла Қаҳҳор ўша йилларда кўрган-кечирганларини муайян бир тизим асосида қаламга олади. Қиссада бадиий аксини топган воқеа-ҳодисаларни уста темирчи Абдуқаҳҳордай ва ўша изтиробли лаҳзаларнинг жонли шоҳиди ёш Абдулланинг саргузаштлари бирлаштириб туради. Шу жараёнда саккиз боласини қора ер бағрига бериб, ёлғизгина Абдуллани еру кўкка ишонмай кўксига босган, ниҳоят, Ўлмасойга етиб қувончи узоққа чўзилмай ва ундан ҳам жудо бўлган волидаи мухтарамасининг чексиз дарду ҳасратлари сезгир китобхонга етиб боради, унинг қалбини жунбушга келтиради.

Қиссанинг "Фалокатнинг шарофати" сарлавҳали саҳифаларида ўқувчи гоҳ изтиробли, баъзан кулгили, баъзида эса чуқур мулоҳазага чорловчи

манзараларга рўбарў келади. Айни зиддиятли лавҳалар Яйпанда содир бўлган манзараларда равшан назарга ташланади. Уста Абдуқаҳҳор оила аъзолари билан бу ерда Олим бува деган бир нонвойнинг ташқи ҳовлисида жойлашади. Дастлаб мўмин қобил бўлиб кўринган, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дину диёнат мезонлари нуқтаи назаридан муносабатда бўлган Олим бува воқеалар ривожидавомида Абдуллалар хонадонига нисбатан "тўнини тескари" кийиб олади. Тўғри, асарда айни ҳолатнинг изоҳлари берилган. Уста Абдуқаҳҳорнинг шайтон аравада (велосипед) ғизиллаб ўтиб кетганини пайқамаган, оёғи ерга тегмай кетаётган одамни кўриб кўрқиб, юраги ёрилиб уч кунда бандаликни бажо келтирган Олим буванинг қариндоши фожеаси мезбону меҳмон ўртасидаги муносабатнинг дарз кетишига биринчи сабабдир.

Бироқ Олим бува қариндоши воқеасини тақдири азалдан билиб, бунинг учун темирчидан қаттиқ ранжимайди. Лекин қизи билан алоқадор лавҳа эса Олим бувани қуюшқонидан чиқаради. Ўзидан бир неча қадам олдинда кетаётган аёлнинг паранжисининг этагига тикан илашганини кўрган темирчи уста оёғи билан тиканни босади. Табиийки, бундай ҳаракат паранжи ва унинг эгасига сезилади. Орқасига ўгрилиб қараган аёл (Олим буванинг қизи) устанинг "холис хизмати"ни ўзига нисбатан тегажўғлик маъносида қабул қилади ва уни отасига етказди.

Уста Абдуқаҳҳорнинг "ножўя" қилиғини мислсиз ҳақорат сифатида қабул қилган Олим бува тўполон кўтаради ва Абдуллалар хонадонини Яйпандан кўчириб юборишга муваффақ бўлади. Эслатганимиз саҳифаларда ёш Абдулла билан алоқадор бир қатор воқеа-ҳодисалар ҳам қаламга олинган. Дадасининг овчи қариндошининг ўқ яшаш учун Абдуллалар яшайдиган ҳовлига келиши, ўқ яшаши, пистонлардан бирини паққилатиб кўрсатишга тегишли лаҳзалар анча жонли ва ишонарли чиққан. Овчи амакининг қизил пистонларидан иккитасини ўғирлаб, кигиз тагига яшириб қўйган Абдулланинг кейинги саргузаштлари табиий ва жонли ёритилган. Меҳмонни кузатган ёш Абдулла ўша пистонларни кигиз тагидан олиб,

ўртасига бир пашшани (чивинни) қўйиб, сангдончаси устига жойлаштиради ва болғача билан уни уради. Аини зарбдан портлаш содир бўлиб, темир парчаси хомиладор (Ўлмасой) онасининг қуймочини жароҳатлаб қўяди. Асарда Абдулланинг устахонадаги ҳаракатлари билан боғлиқ тафсилотлар ҳам қизиқарли ифодаланган.

"Ўтмишдан эртаклар" қиссасининг бош қаҳрамонларидан бири ҳисобланган Абдуқаҳҳор сиймосига доир чизгилар ўқувчи кўз ўнгида анча таъсирчан намоён бўлади. Ёзувчининг шаҳодатига кўра, бу инсон ўзига хос табиат эгаси эди. У ҳамиша янгиликка, тараққиётга интилиб яшаган. Шайтон араба миниб ўзига маломатлар орттирган, зингер (тикиш машинаси) харид қилиб, таънаю дашномларга қолган ҳам шу Абдуқаҳҳор ҳисобланади. Ҳақгўйлик, адолат, инсофу диёнат, меҳнаткашлик, ўз ҳунарига садоқат кабилар Абдуқаҳҳорнинг бош инсоний фазилатларидандир. У китобхонлик, исломдан хабардорлик бобида ҳам касбдошлари орасида пешқадамлардан ҳисобланган. Қисса саҳифаларида сўзни санъат даражасига кўтариш, фикр ифодасида бадий маҳорат намуналарини намоёиш қилиш ярқ этиб кўзга ташланади. Қуймочидан жароҳат олиб ўзини гулзорга ташлаган онаси ҳақидаги хабарни дадасига етказиш учун унинг устахонасига борган Абдулла фаолиятининг кейинги тафсилотлари бу жиҳатдан, айниқса, аҳамиятлидир. Пешбандини ечиб, ўғлини устахонада қолдирган Абдуқаҳҳор шайтон арабасини миниб уйига жўнайди. Хотини аҳволининг яхшилигидан кўнгли тўлган уста ишхонасига қайтади ва юмушларини давом эттиради. Дам босишни эса ўғли Абдуллага топширади. Абдуқаҳҳор оловда чўғдек қизиган бир парча темирни сангдонга қўйиб, болға уриши билан ундан учган бир лаҳча чўғ Абдулла чориғининг қўнжига келиб тушади ва унинг терисига ёпишиб қуйдиради. Кучли оғриқдан бола ҳушини йўқотади. Устахонада тўпланган буюртмачилар Абдуллага ёрдам кўсатади ва уни ўзига келтиришди. Ўғлининг ҳушига келганидан қувонган Абдуқаҳҳор унга қараб:

- Темирчи деган куйиб-куйиб темирчи бўлади-да!,- деди (12-бет).

Қаранг, шу биргина ихчам жумлада уста Абдуқаҳҳор машаққатли ҳаёт йўлининг барча азобу ташвишлари ифодасини топган. Айниқса, "куйиб-куйиб" сўзига алоҳида урғу берилиши хунар орқасидан ҳолол ризк топишнинг азобу уқубатлари ўқувчининг кулоқлари остида акс-садо бергандай туюлади. Сўзга ўта талабчанлик билан заргарона муносабатда бўлиш, фикрни мухтасар жумлаларда тагдор қилиб ифодалаш Абдулла Қаҳҳор ижодий услубининг хос хусусияти ҳисобланади. Фикримиз далили учун Кибриё Қаҳҳорованинг хотираларидан кичик бир лавҳани келтиришни лозим топдик. Дўрмондаги боғида яшаётган Абдулла Қаҳҳорни зиёрат қилиш илинжида юрган бир мухлис адибни холи тополмайди. Чунки ҳамиша унинг атрофида парвонадек юрган Кибриёхонни кўради. Ниҳоят восита орқали суюкли адиб билан учрашиш шарафига муяссар бўлган ўша ихлосманд инсон Абдулла Қаҳҳорга қарата:

- Абдулла ака, қачон қарасанг, Кибриё опам ёнингизда бўладилар. Кўнглингизга урмайдими?

Ўзига хос мулоким табассум қилган ҳозиржавоб адиб лўнда қилиб айтади:

- Кибриё опангиз нондай гап!

Фикримизча, бундан-да аниқ ва мушоҳадага чорлайдиган гапни топиб айтиш мушкул. Аслида, шу икки сўз шарҳининг ўзи алоҳида бир мақолага асос бўла олади. Зеро, нон илоҳий неъмат. Зикри ўтган неъматсиз эса инсоннинг ҳаётини тасаввур қилиш ақлга сиғмайди. Шундай экан, у ҳеч қачон одамнинг кўнглига урмайди. Мастура аёл ҳам эркак зоти учун ана ўшандай мақомга эга ҳаётини заруратдир... Кибриёхоним Қаҳҳорова "Чорак аср ҳамнафас" китобида келтирилган яна бир лавҳа ҳам салоҳиятли адибнинг сўз олдидаги масъулияти, зийраклиги ва ҳозиржавоблигидан далолат беради.

Абдулла Қаҳҳорга мутойиба билан мурожаат қилишига ҳадди сиғадиган мухлисларидан яна бири ҳазиллашиб айтади:

- Абдулла ака, Кибриё опам кеча-кундуз ёнингизда, яна нега бунча рашк қиласиз?

Адиб ўша мутойибага қуйидагича муносиб ва мухтасар жавоб қайтаради:

- Катакдаги бир хўрознинг ўнта мокиёни бор. Мабодо катакка бошқа бир хўроз кириб қолса, чўқиб-чўқиб унинг боши қонамагунча қўймайди. Менинг бисотимда эса бор-йўғи биргина Кибриё опангиз, холос.

Бундай хузур уйғотувчи ва теран мушоҳадага даъват қилувчи лавҳаларни Абдулла Қахҳорнинг адабий меросидан яна кўплаб топа оламиз. Бироқ шу икки ишоранинг ўзиёқ улуг адиб қаламининг сеҳри, заковатининг баландлиги, маҳоратининг қиёмига етганлигидан ёрқин нишонадир.

"Ўтмишдан эртаклар" асарида бадий ифодасини топган лавҳалардан ёш Абдулланинг мурғак қалбига қаттиқ изтиробу ўкинч туйғуларини бир умрга муҳрлаб қолдирган нуқталар бениҳоят кўп. Ўшалар ичида энг дардлиси "мусофир" ва "келгинди" билан алоқаманд жиҳатлар ҳисобланади. Турмуш ташвишлари, темирчилик касбига эҳтиёж ва энг асосийси уста Абдуқахҳорнинг феъл-атворидаги ўзига хослик туфайли оила тез-тез яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлган. Шундан бўлса керак, уларнинг бўйнига юқорида эслатганимиздек, "мусофир" ва "келгинди" сўзлари тавқи лаънат сифатида осилиб юрган. Қиссада бундай лавҳалар оз эмас. Биз эса улардан иккитасини келтириш билан чекланамиз.

Зикри ўтган лавҳалардан бири Яйпанда, Олим буванинг уйида яшаганларида содир бўлган. Инсофу диёнат, одамийлик, художўйлиги, ҳалоллиги, ўз ҳаққига қаноат каби инсоний тамойилларни турмуш тарзига айлантирган Олим буванинг хотини Абдулланинг онасидан бот-бот кўнгил сўрайди, вақт-вақти у билан суҳбатлашишни хуш кўради. Шундай мулоқотлардан бирида бу камсукум аёл мусофирчилик ҳақида гапириб қуйидаги тўртликни келтиради:

Мусофир бўлмаган ким бор,

Мужовир бўлмаган ким бор;

Бировнинг юртига бориб,

Муҳожир бўлмаган ким бор?... (10-бет)

Табиатан камсукум ва ишонувчан, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилиб, дўзахий бўлишдан кўркмайдиган одамлар хусусида куйиб гапирувчи, эътиқоди мустаҳкам бу аёлдан шундай гапларнинг чиқиши унга кучли таъсир кўрсатади.

Бундан олдинги қишлоқларда юрганларида ҳам шундай сўзларни эшитган ёш Абдулла "мусофир"ни ҳақорат даражасида қабул қилади. Бу етмаганидек, бошқа қишлоқ болаларининг ҳам ёш Абдуллани "келгинди", "мусофир" деб хўрлашади, ўйинга қўшмасликлари унинг қалбига муҳрланиб қолади.

Қиссада айтилганлар хусусида ўқиймиз: "... мен жавоб қилолмадим – қарасам, бошқа болалар ҳам урмоқчи бўлиб, илонни кўрган чумчуқдай атрофимда чуғурлашиб туришибди" (20-бет).

Шу воқеаларнинг шоҳиди Ғафуржоннинг (Абдурахмон амакининг ўғли) "бу бизнинг қариндошимиз, бизникида яшайди" демагани куйганнинг устига намақоб босгандай таъсир қилади.

"Ўтмишдан эртақлар"нинг оқ домла, айтилган жойда кутилган муддатдан олдин ҳозир у нозир бўлувчи Учар мулла билан алоқадор лавҳалари ҳам муаллифнинг қалбида чуқур из қолдирган. Хусусан, "Ўликнинг таёғи, тирикнинг тирноғини еган" Тўрақул вовурушнинг қитмирлиги ва уста Абдуқаҳҳор бошига солган кулфатлари бўлажак адибнинг вужудини чулғаб олганки, ўша лавҳаларнинг бадиий талқини ғоят таъсирчан ва ўта ўқишли чиққан.

Хулоса, салоҳиятли адибнинг айни асари ҳам унинг бошқа бадиий яратмалари каби "уйдирма" дан холи бўлиб, ўқувчиларни ҳақпарастлик, адолат, инсофу диёнат руҳида тарбиялашга, уларни юксак ахлоқий-маънавий баркамоллик пиллапояларига олиб чиқишда беминнат хизмат қила олади.

ХОТИРАЛАРДА МУҲРЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

Адабиёт оламида бадиий асарнинг яратилиши жараёнида иштирок этадиган долзарб унсурлар қаторида ижодкорнинг шахсияти ҳам туради дейилса, сира хато бўлмайди. Чунки у ёки бу истеъдод соҳибининг қалами остидан чиққан бадиий яратма ўша адибнинг фарзанди мақомида баҳоланар экан, дунёга келадиган вориснинг табиатида ота қонида жўш урган фазилатларнинг намоён бўлиши табиийдир. Шу маънода Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Завқий сингари қомусий мутафаккирларнинг шахсияти, бунёд этилажак бадиий яратмаларига кўчиши муаммоси кун тартибида турган муҳим мавзулар сирасига киради. Худди шундай гапни XX асрнинг 20 йилларида шаклланиш жараёнини бошидан кечирган ва бугун жаҳонга бўй чўзаётган ҳозирги ўзбек адабиётининг забардаст намояндалари хусусида ҳам айтиш жоиздир. Эслатганимиз бадиий сўз санъатининг А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, С.Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Уйғун каби салоҳиятли вакиллариининг номлари тилга олиниши биланоқ, уларнинг барҳаёт шахси, нурли қиёфаси китобхон кўз ўнгида намоён бўлади. Зикри ўтган рўйхатда мангулик дунёсида ўзининг юзинчи ёшини яшаётган Абдулла Қаҳҳор сархатдир, деса сира хато бўлмас. Чиндан-да, олтмиш йилдан сал ошган умри давомида ўзбек миллий маданияти хазинасига бебаҳо дурдоналар қўша олган бу заҳматкаш ижодкор ўз мухлислари кўз ўнгида биринчи галда салоҳиятли адиб ва буюк Шахс қиёфасида гавдаланади.

Абдулла Қаҳҳорнинг табиати, феълу атворида доир ранг-баранг ишоралар дастлаб унинг ўз адабий-бадиий асарларида, шунингдек, у ҳақда иншо этилган кўп сонли хотираларда акси-ифодасини топган.

Биз бу ишимизда улуғ адибнинг яқин сафдош ва умр йўлдоши Кибриёхоним Қаҳҳорованинг “Чорак аср ҳамнафас” китобидаги қайдларга таяниб, айрим мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз. Абдулла Қаҳҳор билан узоқ йиллар ижодий ҳамкорлик қилган, адабий мулоқотларда бўлган мазмундор хатлар ёзиб, “Синчалак” ва “Ўтмишдан эртаклар” асарларини ўз

она тилига маҳорат билан ўгирган, шарҳу изоҳлар билан рус китобхонларига тақдим этган Константин Симонов унинг шахсиятига доир энг адолатли ва энг ҳақиқий баҳони бера олган.

Жумладан, у “Ўтмишдан эртаклар” асарининг русча нашрига ёзган сўз бошисида қуйидагиларни қайд этади: “...Қаҳҳор, умуман, жасоратли, мард киши эди. Менинг сўнгги хотирам Қаҳҳор шахсиятининг мана шу хислати билан боғлиқдир.

Мен уни вафотидан атиги бир кун олдин беморхонада кўрганман. У ўлим чанг солаётганини билса ҳам, ўлимни истамас ва ўзигагина хос табиатига кўра, ўлим олдида ҳам ўзини бардам тутар эди. У касалхона каравотида устма –уст қўйилган ёстиққа суяниб ётаркан, оғир-оғир нафас олар ва кўркувни билмайдиган нуроний чехрасида худди ёр-дўстларининг истиқболига югуриб чиқолмаганидан бир оз хижолат тортгандек бир ифода ётар эди...” (Кибриё Қаҳҳорова. Чорак аср ҳамнафас. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1987. – 94-бет. Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу китобдан олинади ва тегишли саҳифалар матн охирида қавсда кўрсатиб борилади).

Рус адабининг Абдулла Қаҳҳор билан бўлган бу мулоқоти Москвада, генерал Вишневский клиникасида содир бўлган ва охириги видолашув эди. Чунки ўша куннинг эртасиёқ, оғир хасталикдан кейин ёзувчи ҳаёт билан мангу хайрлашди. Жуда оғир аҳволда хасталик азобларига дош берган бу мард инсон бир лаҳзагина бўлсин талвасага тушмаган. Тиниқ, мазмунли, бўёқдор мулоҳаза юритишда давом этган. Аслида, Абдулла Қаҳҳорни унга юзма-юз турган ўлим даҳшати эмас, балки она юртидан йироқда, қадрдон дўсту ёрлари дийдорига зор, катакдай бир хонада мангу уйқуга бориш фожиаси ташвишлантирган. Бироқ, айна руҳий ҳолатлар адабнинг ботинини кемирса-да, унинг зоҳирида ўзидан мутлақо дарак бермаган.

Шундан бўлса керак, Константин Симонов Абдулла Қаҳҳорнинг ҳайрат ва ҳаяжонини туб-тубига қадар пайқамай қолади. Ана шундай танти, бардошли, мард инсон эди, бизнинг Ҳазрати Қаҳҳор!

Константин Симоновнинг юқоридагидай тағзамини мустаҳкам, тиник ва рангин маъноли хулосалари, унинг бошқа ёзишмаларида ҳам ўчмас из қолдирган. Абдулла Қаҳҳорнинг салоҳиятли бу рус адиби ва таржимони билан биродарлиги, у (К.Симонов) Тошкентда яшаган йилларида шаклланиб, кенг япроқ ёзади. Айни масалада “Звезда Востока” журнали таҳририяти ҳам катта ёрдам кўрсатади. Адиб “Синчалак” повестининг ёзиб тугатилганидан хабар топган журнал бош муҳаррири Абдулла Қаҳҳорга қўнғироқ қилиб, мазкур асарнинг рус тилидаги таржимасини илк марта ўз мажалласида босиш ниятида эканлигини маълум қилади. Айни таклиф маҳорат билан ёзилган қисса муаллифига манзур тушади ва орадан кўп ўтмай асар аслияти ҳамда унинг рус тилидаги сўзма-сўз таржимаси таҳририятга топширилади. “Звезда Востока” журналининг адабий ходимлари эса, бундай масъулиятли ва шарафли вазифани Константин Симоновга ишонишади. Алқисса, мутаржим ва муаллиф ўртасидаги қизгин ижодий жараён бошланиб кетади. Ҳамкорликдаги ижод эса икки қаламкашнинг бир-бирини обдон ўрганишига кенг йўл очиб беради. Константин Симоновнинг мактубларидан бирида, жумладан, қуйидаги оҳорли ва маромига етказилган хулосалар кўзга ташланади: “Мен шу баҳонада Абдулла Қаҳҳордек кўзга ташланарли оқилу доно, ҳозиржавоб, бир сўзли ва ҳатто тили хийла аччиқ, айни замонда бағри кенг одамшаванда инсон билан дўстлашдим...” (52-бет.)

Кўринадики, рус адиби Абдулла Қаҳҳор шахсиятида ҳамиша ўзидан дарак берган фазилатларни теран илғаган ва равшан ёзиб қолдирган. А.Қаҳҳорнинг таржимаи ҳолидан озгина хабардор ҳар қандай мусаввир ҳам К.Симонов таъкидлаган белгиларга таяниб, унинг тўлақонли нуроний сиймосини яратиши қийин эмас. Рус адиби Абдулла Қаҳҳор шахсиятида кўзга ташланадиган ва фақат унинг ўзигагина хос бўлган, яна бир қатор аломатлар хусусида ҳам айрича қониқиш билан ёзади: “Қаҳҳор билан шахсан танишганимда унинг мен учун ардоқли бўлган яна бир хислатини сездим: у ўта ҳозиржавоб бўлиб, ўзининг ҳозиржавоблигини билган кишилар, одатан, жуда камдан-кам тортинчоқ бўлади, аммо Қаҳҳор ниҳоятда тортинчоқ эди. У

Ўзининг билимдонлигини, ҳозиржавоблигини ҳамсухбатига кўрсатишга шошилмас, теша тегмаган сўзларини, асосан адабиёт учун, оқ қоғоз билан танҳо қолган вақтлари учун асраб қўяр эди. У ўз кадр –қимматини билар, аммо айти пайтда вазмин, камтарин ва тортинчоқ киши эди” (43-бет).

Донишманд халқимизда “Камтарга камол-манманга завољ” деган доно ҳикмат бор. Болалиги Фарғона водийсинининг қатор кишлоғу шаҳарларида дарбадарликда кечган Абдулла Қаҳҳор учун биринчи мактаб ва муаллим вазифасини халқ ҳикматлари, удуму ўғитлари ўтаган. Шу маънода улуғ адиб табиатида К.Симонов пайқаган хусусиятларнинг ўқ илдишларини ана ўша дарсхонаси кенг мактабдан излаш ўринлидир. Аслида, Абдулла Қаҳҳорни нафақат ўзбек китобхони, балки жаҳон китобхонлари оммаси ўртасида нуфузини оширган, шуҳратига шавкат қўшган омиллар сирасига ҳозиржавоблик, донолик ва камтарлик фазилатлари боисдир, шундан бўлса керак, салоҳиятли адибнинг 70 дан зиёдроқ ҳикоялари, “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари”, “Синчалак”, “Ўтмишдан эртақлар”, “Муҳаббат”, “Шоҳи сўзана” (“Янги ер”), “Оғриқ тишлар”, “Аяжонларим”, “Тобутдан товуш” (“Сўнгги нусхалар”) каби маҳорат билан ёзилган асарлари таркибида ҳаракат қиладиган қаҳрамонлар (образлар) нутқи, юриш-туриши, феъл-атвор, муомала маданияти, ижтимоий ҳаётга муносабатида назарга етадиган ижобий аломатлар тағзаминини ўша бадиий яратмаларнинг муаллифи табиатидан излаш панд бермайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига ва адабий ижодига ўта талабчанлик билан муносабатда бўлганлигига шаҳодат берувчи кўпгина лавҳалар Кибриё Қаҳҳорованинг хотираларида ҳам муҳрланиб қолган. Жумладан, улардан бирида ўқиймиз: “... Ўша йиллари мен рус тилини таталаб ўқиган эдим, шунинг учун бу таржимадан воз кечдим” деб нашриётга расмий равишда ариза берган эдилар. Нашриёт бу асар таржимасини менга топширди. “Эски таржимангизни беринг, фойдаланай!”, деб Абдулла Қаҳҳорга кўп ялиндим, лекин бермадилар. “Менинг таржимамдан фойдалансангиз, чайналган овқатни ютгандай бўласиз ва ҳеч қачон сиздан яхши таржимон чиқмайди”.

(24-бет). Гап рус адиби А. Серафимовичнинг “Темир оқим” романи ҳақида бораётир. Абдулла Қаҳҳор бу романни XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилига ўттирган эди. Шу асарнинг янги чопини босмоқчи бўлган бадиий адабиёт нашриёти мутаржимга расман мурожаат этади.

Юқорида ўқиганимиздек, Абдулла Қаҳҳор нашриётга рад жавобини беради. Масаланинг аҳамиятли жиҳати бунда эмас, албатта. А. Қаҳҳор нафақат ўзига, сафдошу шогирдлари, хатто, умр йўлдошига нисбатан ҳам ўта талабчан бўлган ва Кибриёхонимни жиддий, ижодий меҳнатга даъват этган. Тўғри, у қўлёзмани бермас экан, янги мутаржимга ёрдам беришдан воз кечмаган, аксинча, унинг имкониятларини кўпроқ ишлатиш тарафдори бўлган. Шунингдек, ўрни келганда беминнат ёрдаму маслаҳатларини дариф тутмасликка ваъда қилган. Зикри ўтган адабий ҳодисалар анча ортда қолди. Лекин бугунги адабий жараён А.Қаҳҳордай ўта зийрак ва талабчан ҳакамга муҳтожлик сезаётир...

Абдулла Қаҳҳор ўз даврининг билимдони ва ҳозиржавоб нотиқи ҳам эди. У ҳамиша минбардан эркин, қоғозсиз гапиришни хуш кўрарди. Бироқ улкан адибнинг ўз мухлисларига ҳурмат ва эҳтироми чексиз баландлигидан ўзига ҳам ана ўша юксак поғонада туриб муносабатда бўлган. Мана, бу ҳақда Кибриё Қаҳҳорова қуйидагича гувоҳлик беради: “А.Қаҳҳорнинг ўзига хос хислатларидан яна бири шу эдики, у киши то айтадиган сўзларини қоғозга туширмасдан, кўнгилга туғиб қўйган гаплари бўлмаса минбарга чиқмас эдилар” (32-бет). Дарвоқе, ана шундай нодир инсон эди бизнинг Ҳазрати Қаҳҳор!

Рус адиби Константин Симонов таъкид этганидек, Абдулла Қаҳҳор чиндан-да теша тегмаган гапларини адабиёт учун ва ўрнини топиб ишлатган: “Адабиёт ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди” (64-б). Рост-да, адабиётнинг ҳунар эканлигини тўғри англаган ва инсофга келган инсонлар бу даргоҳни тарк этсалар, китобнинг қадри бу қадар тушмаган ва китобхоннинг диди ўтмаслашиб қолмаган бўлур эди...

Абдулла Қаҳҳорнинг ижодкор сифатида ўзига хос ишлаш тартиб-қоидалари бўлган. У муайян ички интизом асосида бадиий ижод билан шуғулланган. Эрталаб соат 8.00 да ишга шўнғиган адиб соат 12 га қадар миқ этмай қалам юритган. Шу муддат ичидаги меҳнат маҳсули икки саҳифадан ошмаган. Яна бир жиҳати шундаки, ёзувчи қоғозга тушиши лозим бўлган жумлаларни миясида “пишитмай”, қаламу қоғоз билан сирлашмаган. Келинг, бу ҳақда Кибриёхонимнинг қайдларини биргалашиб ўқийлик: “Мен товукқа ўхшайман, товук ҳам ўрганган жойида тухум қилади, мен ҳам то сизу ёзув столим бўлмаса ёзолмайман, - дер эдилар” (61-бет). Мушоҳада қилайлик, Абдулла Қаҳҳордай эл оғзига тушган ижодкорнинг ўзи ҳақида бундай фикр юритиши учун нечоғлик мардлигу тантилиқ талаб этилган.

Абдулла Қаҳҳор ёзилажак ҳар бир асари учун йиллаб эмас, ўн, ҳатто ундан-да кўпроқ муддат ичида тайёргарлик кўрган, ёзилиши лозим бўлган далилу лавҳаларни қалб қозонида “пишитган”. Жумладан, унинг “Ўтмишдан эртаклар” асари ҳам ана шундай узоқ ижодий изланишларнинг меваси сифатида дунёга келади. Кибриёхонимнинг ишораларига таяниб айтиш мумкинки, Абдулла Қаҳҳор XX асрнинг 40-йилларидаёқ болалик хотираларини бир асар ҳолида қоғозга тушириш тадориғини кўра бошлайди: “Абдулла ака зоҳиран эътиборсиздай кўринганлари билан аслида таржимаи ҳолим билан жиддий танишганларини кейинроқ билдим. Кейинги учрашувларимизда у киши баъзан болалигим, баъзан дадам, баъзан Айний домла, баъзан қамал арафасидаги Ленинград ҳаётидан сўраб қолардилар” (17-бет). Кўринадики, ўша 1944 йилда Кибриёхоним билан учрашган ва ундан батафсил таржимаи ҳолини ёзиб беришини сўраган Абдулла Қаҳҳор ўша саҳифаларни бирров ўқиш билан ташлаб қўймайди ва у ҳақда узоқ йиллар мулоҳаза юритишда давом этади. Буни юқорида кўчирганимиз иқтибосдан ҳам билиб олиш қийин эмас. Чиндан-да ёзувчи Кибриёхоним ёзиб берган таржимаи ҳолга нисбатан ўзини бефарқ тутгандай кўрсатса-да, улар хусусида жиддий фикр юритган ва ана шундай машаққатли изланишлар заминида “Ўтмишдан эртаклар” дунёга келган.

Абдулла Қаҳҳор моддий манфаатдорлик масаласида ҳам жуда сергак, ҳақпараст ва адолатли йўл тарафдори эди. Кибриёхонимнинг кафолатига кўра Республика Давлат кино қўмитаси “Синчалак”ни кинога олиш учун шартнома тузади. Бу вазифани адо этиш учун Туроб Тўла хузурига борган К.Қаҳҳорова тегишли ҳужжатларни тузиб, имзо қўйиш учун А.Қаҳҳорга олиб келади. Ҳужжатларни ўзига хос синчковлик билан ўрганган адиб асар номини ўзгартириш билан алоқадор бўлган қўшимча (ўша йилларнинг пули билан саккиз минг) уч минг сўмни пайқаб қолади ва беш минг сўмга шартнома тузиш учун умр йўлдошини Давлат кино қўмитасига юборади. Шундай лавҳалардан яна бири хусусида “Чорак аср ҳамнафас” китобида ўқиймиз: “- Абдулла ака, -деди Рамз Бобожон, -асарларингиз жуда кўп марта босилган, энди қайта нашр учун оладиган пулингизнинг баракаси бўлмайди. Келинг шартномага “куллиёт” деб ёзинг, биз сизга юз процент ҳақ тўлайлик.

-Э, нима деяпсиз? – дедилар А.Қаҳҳор ранжиб, - Ҳали дунёдан умидим бор. Пул учун “куллиёт” деб ёзсам, кейинги асарларимни “илова” дейманми? (47-б). А.Қаҳҳор нафақат давлат хазинасидан олинадиган маблағ масаласида, балки умр йўлдоши топган пулдан фойдаланишда ҳам (ўша китоб (56-бет) инжиқ ва талабчан эди. Фикримизча, жуда камдан-кам оилаларда уй бекаси маоши рўзғор ҳаражатлари учун сарфланмайди. Жумладан, Абдулла Қаҳҳор хонадонида бу масалада жуда эҳтиёткорлик билан йўл тутилган ва Кибриёхонимнинг топган-тутганидан бир тийин ҳам рўзғорга ишлатилмаган. Айни ибратлардан бугун учун ҳам такрори йўқ сабоқлар сифатида фойдаланилмоғи лозим...

Оила ҳар қандай жамиятнинг ҳам таянч манбаидир. Унинг мустаҳкамлиги, осойиштаю фаровонлиги давлат қудратининг асосини ташкил этади. А.Қаҳҳор учун айни ҳақиқатлар кундай равшан эди. Биринчи оиласининг барбод бўлиши, фарзандларининг (Пўлат ва Суяр) тирик етимга айланиши ёзувчини чуқур изтиробга туширгани, шубҳасиздир. Ёзувчининг ўз ибораси билан айтганда, у “Тили куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади” қабилида иш тутади ва Кибриёхоним билан қуриладиган оила 9 ойлик

синовларнинг самараси ўлароқ барпо этилади. А.Қаҳҳор 1945 йилнинг апрелида никоҳ қайдидан ўтиш учун тегишли идорага бориш олдидан бўлажак умр йўлдошига қуйидагиларни таъкидлашни инсоний бурч ҳисоблайди: “Аввало, шуни сизга айтиб қўяйки, менинг гуноҳим ниҳоят даражада кўп. Шу қадар кўпки, ёзсам қоғоз қизаради...

-Таъкидламоқчи бўлган яна бир гапим шуки, - дедилар, - биз ҳеч қачон бир-биримизни алдамаймиз. Қандай шароит, қандай вазият бўлмасин, биз ҳамиша ростини айтамыз. Шу нарсани эсда тутингки, беихтиёр қилинган гуноҳни кечирса бўлади. Аммо била туриб, ростини қўйиб, ёлғон гапирган одамнинг гуноҳини кечириб бўлмайди” (19-бет).

Фикримизча, оила мустақамлигини таъминлашнинг негизлари ҳақида бундан ошириб бир нима айтиш қийин. Хусусан, адибнинг алдов ҳақидаги мушоҳадалари барча замонлар учун эру хотин ўртасидаги муқаддас туйғу сифатида қаралмоғи лозим дейилса, хато бўлмайди. Абдулла Қаҳҳорнинг Кибриёхоним билан чорак асрга чўзилган ибратли умр йўли бунинг ёрқин далилидир. Агар Абдулла Қаҳҳорнинг оилавий муносабатлари “Ҳамирдан қил суғурилгандай” беғалва, бир маромда кечган дейилса, улуғ ёзувчининг уйғоқ руҳи безовта бўлган бўлур эди. Табиийки, барча хонадонларда бўлганидек, Кибриёхонимлар рўзғорида ҳам паст-баланд муомала муносабатининг бўлгани турган гап. Яхшиси, келинг, ўшалардан бири хусусида мулоҳаза юритиш учун сўз навбатини гўзал хотиралар китобининг муаллифига берайлик: “Нозаниннинг нози бор деганларидай, бир куни нимадан хафа бўлганим эсимда йўқ. “Кетаман”, дебман. Шунда жилмайиб: “Эй, менга қаранг, ҳусайни узумдай бор ширамизни сўриб, пўчоғимиз қолганда пуфлаб кетар экансиз-да!” дедилар. Кулгим қистаб дарҳол уйга кириб кетдим” (22-бет).

Бадиий асарларида ўта назокатли, ҳозиржавоб ва теша тегмаган ибораларни ишлатган салоҳиятли ёзувчи оилада ҳам ўша “қуроли”дан ўринли ва унумли фойдаланиб, мурса йўлини танлайди. Табиийки, айтиш усул илму маърифатдан бохабар ҳар қандай аёлни жаҳл отидан туширади ва

оида бардавомлигига хизмат қилади. Абдулла Қаҳҳор чорак аср давомида бундай “қайроқи” ибораларни кўп марта ишлатиб, умр йўлдошининг нозик қалбига озор етказмаган. Мана қаранг, ёзувчи йиғиштирилмаган тўшакка нисбатан қандай ташбеҳни қўллайди:” – Нега жойингиз пўст ташлаган илондай тўлғанмоқда...”

Оилавий муносабатлар баъзан эрни, гоҳида эса хотинни муроса йўлини танлашга, андак хушомадунинг киноя ишлатишга ҳам даъват қилади. Ана шундай қаҳҳорона топқирликни қуйидаги ихчам иқтибосда кўриш қийин эмас:”

- Нима қилай? Носқовоқдай белимга осиб юрсам, она тилимни қўйиб, хотин тилида гаплашсам, тагин мендан нима истайсиз?” (25-бет.)

Абдулла Қаҳҳорнинг уммонга қиёс этгулик маънавий меросида, у ҳақдаги кўп сонли хотираларда бундай фавқулудда лавҳаю жумлалар бениҳоя кўпдир...

Шайхи Ориф Азизиддин Насафий “Зубдат ул-хақойиқ” асарида инсон аталмиш олий хилқат умрини икки туйнук орасидаги масофага қиёслайди. Тақдир эса инсонни турфа ҳолатларга юзлаштиради. Айни жараён забардаст қаламкаш Абдулла Қаҳҳор қисматида ҳам ўзидан дарак бергани шубҳасиздир. Буюк шахс ва салоҳиятли адиб мақомида яшаб ўтган Абдулла Қаҳҳор 20 йилга яқин азиз умрини қанд касали изтироблари гирдобида ўтказди. Шунча йилларда у қатъий парҳез ва кунига икки укол билан яшади. Муҳими, адибнинг энг сара асарлари айни ана шу йилларда дунёга кўз очди. Бунинг учун мард, танти, ростгўй, адолатли адиб умрининг энг охири нафасида умр йўлдоши Кибриёхонимга самимий дил изҳорини айтиб кетди.

Йиллар ўтади. Инсоният авлоди Абдулла Қаҳҳор куриб кетган маънавий иморатга ташналик билан интилади. Унинг безавол ибратларидан сабоқ олади. Демак, Ҳазрати Қаҳҳор инсониятнинг янги-янги авлодларига замондош сифатида яшашда давом этади.

ИХЧАМ ХОТИМА

Мутолаа қилганингиз саҳифалар Сизни Абдулла Қаҳҳор бадий оламига олиб кириш учун кичик бир йўлак очган бўлса, менинг саъй-ҳаракатларим завол кетмаган бўлади. Албатта, булар "ҳамир учидан кичик бир фатир"дир, холос. Шу ўринда Абдулла Қаҳҳор қолдирган бой адабий мероснинг ёшлар маънавий балоғатига ҳаётбахш таъсири хусусидаги кичик бир лавҳани сиз билан баҳам кўришни маъқул топдим. XX асрнинг саксонинчи йиллари охири эди. Китоб дўконларига Кибриёҳоним Қаҳҳорованинг “Чорак аср ҳамнафас” асари сотувга чиқди. Одатий иш кунларидан бирида лаби ҳовуздаги китоб дўконига кириб янги асарлар харид қилиб, қишлоққа жўнадим. Уйга етгач, китобларни иш столига қўйиб, рўзғор ташвишлари билан шуғуллана бошладим. Эрталаб шаҳарга жўнаш олдидан харид қилинган китоблар ўртасидан “Чорак аср ҳамнафас” “йўқолганини” пайқадим. Аммо ҳеч кимга ҳеч нарса демай ишга жўнадим. Шу тарзда орадан икки кеча - кундуз ўтди. Навбатдаги сафарим олдидан эса “Чорак аср ҳамнафас”нинг “пайдо бўлганини” сездим. Шунда эшик очилиб хонага Ноира қизим кириб қолди. Китобга кўзи тушиши билан сал табассум қилгандай бўлди. Нигоҳлар тўқнашуви масалага ойдинлик киритди. Маълум бўлдики, йўқолган китобни Абдулла Қаҳҳор асарларининг ашаддий мухлиси Ноира олган ва ўқишга ҳам улгурган экан. Орадан йиллар ўтди. Ноира ўрта мактабни олтин нишон билан тугатиб, Бухоро давлат университетининг кимё-биология факультетига ўқишга кирди. Ҳафтада бир ёки икки марта китоб дўконларига кириш, ўз соҳаси ва бадий адабиётга доир янгиликларни харид қилиш унинг учун одатий ҳодиса эди. Шундай кунларнинг бирида у дўконда кимё илмининг донишманди, профессор Зарифа Саидносированинг “Ойбегим менинг” асарини кўриб, ундан икки нусха (бири ўзига ва яна бирини менга) харид қилибди. Шоира, филология фанлари номзоди Дилором Каримованинг ўз қалбига манзур тушган шеърдан иқтибос кўчириб, ўша китобга одатига кўра дастхат ҳам битган экан. Мен бу китобни Ноирадан олдинроқ Тошкентдан сотиб олганим учун ҳам тухфа қилинган

китобни олиб, миннаддорчилик билдириб, жовонга қўйибман. Бу ҳолатни кўрган Ноира сал ранжиганини билдирмай чиқиб кетди. Мен эса бу ҳолатга жиддий эътибор бермабман. Орадан роппа-роса ўн тўрт йил ўтибди. Қандайдир тасодиф билан Ноира тўхфа қилган нусха қўлга тушди. Ундаги мана бу дастхатни ўқиб, хангу-манг бўлиб қолдим:

Кимлар худоларга сиғинса агар,
Кимлар даҳоларга тиз чўкса агар,
Мен бўлсам ягона Оллоҳим дея
Сизга бош эгарман, меҳрибон падар.
Сўзларингиз йўлим ёритар,
Нигоҳингиз кўз қароғимда,
Бахтим шулки, пиру бадавлат,
Отам бордир менинг бошимда.

Ҳақиқатгўй, покиза инсонларга ҳеч вақт осон бўлмаган... Шундай ростгўй, қалби пок инсонинг фарзанди бўлганимдан доимо қалбим ғурурга тўла. Қизингиз Ноира. 1995 йил, 17 март. Жума, саот 12.30.

Она қизим, бепарво дадангнинг густоҳлигини маъзур тут. Сен фақат сўзда эмас, амалда ҳам буюк Абдулла Қаҳҳор соҳир қаламининг мухлиси эканлигингни исботлашга интиляпсан. Ҳозир ҳам пинҳона шеърлар, лавҳалар машқ қилиб юришингдан хабардор бўлсам-да, уни сенга билдирмасликка ҳаракат қиламан. Ўзинг таҳсил кўриб, имтиёзли диплом билан битирганинг факультетнинг кимё кафедрасида беш йилдан зиёдроқ сабоқ айтдинг. Илмий иш илинжида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида илмий тадқиқот билан шуғулланиб, кимё фанлари номзоди илмий даражасини олдинг. Икки фарзандга она бўлдинг. Ўғлинг Суҳайлхон Тошкент шаҳридаги ўқиш-ўқитиш рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг бирида IV синфида таҳсил олмоқда. Бийрон қизинг Фараҳноз биринчи синфга ўқишга бориш учун тайёргарлик кўраётир. Орзуларинг беҳад кўп. Уларни рўёбга чиқаришда сенга бадий адабиёт, айниқса, Абдулла Қаҳҳор ҳазратларининг асарлари кўмакдош.

Яратган Қодир Эгам аҳли оилангни Ўз ҳифзида асраб, Қахҳор
ҳазратларининг мунаввар руҳларини шод, охирабларини обод айлаган
бўлсин.

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима.....	4
----------------	---

БИРИНЧИ ФАСЛ

“Авесто” - ноёб маънавий ёдгорлик	5
“Авесто” – тадқиқотчилар нигоҳида.....	6
Ахура Мазда – яккахудолик тимсоли.....	8
“Авесто”нинг таркиби.....	14
Нур ва зулмат баҳси.....	17
“Авесто”да ахлоқий-тарбиявий масалалар талқини	28
Интиҳо.....	42

ИККИНЧИ ФАСЛ

Армонга айланган адабий орзулар.....	44
Маснавий бағридаги жумбоқлар.....	45
Пайғамбар ва ҳакимлар тарихи.....	51
Юсуф достони ёки очилмай сўлган ғунчалар.....	55
Ажам шоҳлари тарихи.....	65
Мактабдошнинг ёзилмаган умр дафтари.....	70
Ёшликда берган кўнгил.....	74

УЧИНЧИ ФАСЛ

Улуғ ёзувчига муҳаббат.....	85
Адиб ижодининг сарчашмалари.....	86
Ёш Абдулланинг изтиробли саргазаштлари.....	93
Хотираларда муҳрланган ҳақиқат.....	100
Ихчам хотима.....	101

